

84

ЛЧ-54

Мхбол Оларзе

Күнлингда
ниша бор, Шимайман

84	3160
M-54	U. Mirzo
Ўнгиликда нисо	
бор, билмайтман	
2020 й	19,550=

Китоб шу ерда кўрсатилган муддатдан кечиктирилмаган ҳолда топширилиши шарт

Илгариги берилмалар миқдори _____

УЎК:821.512.133-1
КБК:84(5Ў)6

М – 54 **Иқбол Мирзо**

Кўнглингда нима бор, билмайман. Иқбол Мирзо /
шеърлар/ 2-жилд – Т.: “Sharq”, 2020. – 256 б.

Нашр учун масъул
Шавкат ДЎСТМУҲАММАД

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо асарларининг иккинчи жилдига қарийб йигирма йиллик ижод намуналари киритилди.

Шоирнинг янги шеърлари биринчи мартаба чоп этиляпти.


ISBN 978-9943-5993-0-8

© И.Мирзо, 2020.
© “Sharq” НМАК, Бош таҳририяти, 2020 й.

3160

Занжирота АҚМ

К
үрмөтүндө
шайа бөр, биймайман



СЕНИ ДЕБ

Зулм қилсам, ҳар қачон ўзимга зулм этдим,
Қарамадим сен томон, кўзимга зулм этдим.
Имласанг бормадим ҳам, силтасанг кетмадим ҳам,
Ердан узмадим товон, изимга зулм этдим.
Зулмнинг лаззатини фақат мазлум билади,
Бахтиёр кимсаларни кўрсам раҳмим келади.

Ҳовузда худойимнинг аксини кўргандайман,
Булутлар ва балиқлар рақсини кўргандайман.
Яшил қуёш, мовий тош, сафсар кўзёш оралаб,
Одамнинг ва Ҳаввонинг нафсини кўргандайман.
Юзимга сувлар урдим, юзимга зулм этдим,
Ўзимга зулм этдим, кўзимга зулм этдим.

Кўрлар ҳамда қарларнинг ўзгача бахти бордир,
Бахтсизлигин билмаган кимсалар бахтиёрдир.
Кўриб, тинглаб турибман, ўзим англаб турибман,
Ихтиёримдан хориж тилақлар ихтиёрдир.
Бош бергали дор қайда, кетгали мозор қайда,
Дил ёргали ёр қайда, инон-ихтиёр қайда?

Гулзорингга кирмадим гулимни асраин деб,
Нигоҳимни бермадим дилимни асраин деб.
Адолат, шафқат, қадр, мурувват, инсоф надир,
Кўзларимдан кетмадинг қулимни асраин деб,
Зулмнинг лаззатини фақат қуллар билади,
Бахтиёр кимсаларни кўрсам раҳмим келади.

Дағал, ўжар ўсмирни майин этган савдолар,
Бозорда баҳоларни тайин этган савдолар.
Қоракўз гавҳаридан шода мунчоқлар тизиб,
Юракни пуфак қилиб ўйин этган савдолар.
Ноғора қоқ, ноғора, лунжинг тўла зоғора,
Эшон, хўжа ва қора ўйин билан овора.

Чумоли хирмон ёйса, сиз дастурхон ёзгайсиз,
Ризқ ахтариб каламуш инларини бузгайсиз.
Ойни этагингизга кулчадек ўраб олиб,
Атиргулга қалдирғоч жасадини осгайсиз.
Кўзнинг оқу қорасин оқу қора тош қилинг,
Гўдаклар сут тишидан гуруч дамлаб ош қилинг.

Балиқларга ранг берган мусаввирга қаранглар,
Бўёғи қуримаган бармоқларин яланглар.
Дилингиз рангин бўлсин, капалак, қўнғиз қўнсин,
Томошага келсинлар жувонлар, ёш-яланглар.
Ховузда худойимнинг аксини кўргандайман,
Булутлар ва балиқлар рақсини кўргандайман.

Хар нафасда бир нафас умрим қисқариб борар,
Чўпчакларга ишониб чўпон қиз қариб борар.
Чигал, хилват йўлимда писиб ётибди ажал,
Лаҳза сайин пичоғи кўксимни ёриб борар.
Шайтон чалғитди, асли сенга муносиб эдим,
Кўргин деб юрагимни лойларга босиб эдим.

Кўкламни тинглаб ётсанг буғдой унган томларда,
Бобо Машраб нафаси келар салқин шомларда.
Сабабсиздек туюлар бўғзингдан тошган ўкинч,
Симобдек кўчар недир юрагинг томонларда.
Кўрлар ҳамда карларнинг ўзгача бахти бордир,
Бахтсизлигин билмаган кимсалар бахтиёрдир.

Чин айтсам, эшигингга суяниб, ўлгим келар,
Фарёд чекиб, ўзимни шу жойга кўмгим келар.
Сочларим чим отса-ю, томирларим таралса,
Бошимга оёқ қўйиб ўтганинг кўргим келар.
Бундаин имкон қани, жон сўраган жон қани,
Жонимга хумор бўлган ул офатижон қани?

Отамга бегонаман, онамга бегонаман,
Рафиқамга рақибман, боламга бегонаман.
Дўстларимга душманман, хешларимга етти ёт,
Сенга маҳлиё бўлган оламга бегонаман.
Қарамасдан сен томон кўзимга зулм этдим,
Зулм қилсам, ҳар қачон ўзимга зулм этдим.

2001

БОРГАН САРИ

Борган сари баҳор тансиқ туйилар,
Борган сари атиргуллар хушбўйроқ.
Борган сари кўзёш равон қуйилар,
Борган сари ой тиниқ ва хушрўйроқ.

Шароб ичсам томчисини қолдирмай,
Сени қучсам, ўпсам, чарчоқ билмасам.
Лабим қайиқ каби сенда этса сайр,
Кўзларимни яширмасдан йиғласам.

Борган сари бўсаларинг тотлироқ,
Борган сари қирмизироқ лабларинг.
Борган сари сокин-сокин қалтироқ,
Борган сари ширин-ширин гапларинг.

Шудринг мисол изсиз кетяпти кунлар,
Висол туни кечаётир чақиндай.
Бошимдан қор сочаётир учқунлар,
Сезяпсанми, сўнгги манзил яқиндай...

Борган сари ёруғ тортар шамчиروқ,
Борган сари яшил ва дуркун ялпиз.
Борган сари қучмоқдаман қаттиқроқ,
Борган сари узоқлашиб кетяпмиз.

2001

ЎТАР

Руҳингни эзади чилла куйлари,
Муסיқа юракдан зор бўлиб ўтар.
Тошкентнинг ёмғири довондан нари –
Фарғона томонга қор бўлиб ўтар...

Фарғона томонлар туманли, лойли,
Тумани чиройли, лойи чиройли,
Во ажаб, бугун ҳам Кумуш ва Лайли
Сочлари белида дор бўлиб ўтар.

Мен нима ахтардим, нени изладим,
Кимга эрмак бўлди гўзал ҳисларим?
Синфдош қизларим, дилдош қизларим –
Кимларга кўнгилсиз ёр бўлиб ўтар.

Марҳум дўстни ўйлаб ортади ғуссам,
Шум хаёллар ёвдек қайтади қувсам.
Жўралар тизилиб келар кўз юмсам,
Бори йўқ, йўқлари бор бўлиб ўтар.

Ҳар ким ҳам ўзини чандон аяйди,
Савалаганда ҳам аяб савайди.
Ҳар кимса ўзини одам санайди,
Ўзининг юкига нор бўлиб ўтар.

Ҳар кимнинг ёмондир умр йўлдоши,
Эсиз йигит ёши, тузсиз нон-оши.
Фарзандига қараб эгилар боши,
Кенг дунё кўзига тор бўлиб ўтар.

Тошкентнинг ёмғири довондан нари –
Фарғона томонга қор бўлиб ўтар.
Кимга тоғ кўринса бировнинг қири –
Хор бўлиб, хор бўлиб, хор бўлиб ўтар.

2001

КЎЗ ҚОРАСИ

Кўз қораси – юракдаги доғлардан,
 Соч қирови ўтли-ўтли оҳлардан.
 Мен дўстимни алқаб сўз айтай десам,
 Алпомишлар бўзлаб чиқар чоҳлардан.

Қанча гуноҳ олдимда-ю изимда,
 Нетай, ҳатто ўзим йўқман измимда:
 Руҳ силтаниб, чиқиб кетар тизгиндан –
 Шароб ҳиди келса кузги боғлардан.

Дўстим, бизлар бошқа-бошқа тақдирмиз,
 Ўзимизча тўғридирмиз, ҳақдирмиз.
 Балки, куртақдирмиз, балки, баргдирмиз,
 Лекин мева тиламасмиз шохлардан.

Ошиқ аҳли ё телба, ё маст келган,
 Сувдан сокин, майсадан ҳам паст келган.
 Мен билганлар бари дилшикаст келган,
 Кўнгил сўраб кўрмаганман соғлардан.

Дилга кулранг соя тушар зоғлардан,
 Ё тош кўчар, ё сел келар тоғлардан.
 Ғамли шеърлар ёзмас эдим, на қилай –
 Ҳануз садо келмас Кўқон ёқлардан.

2001

СИНГАН ОДАМ

Синган одам, туйғулари тинган одам,
 Синган одам, қисматига кўнган одам.
 Синиқ кулиб, синиққина кўришади,
 Кун кўради, яшамайди синган одам.

Юрибмиз-да, дейди энди ўғил-қиз деб,
 Қорақозон ёнидаги қоракўз деб...
 Мен ҳамиша ёнингдман, кетдик, дўст, деб
 Елкангга қўл ташламайди синган одам.

Кўрилмаган катта хавфни кўриб қолган,
Қочиб бориб ўз ичига кириб қолган.
Ўз жонининг мазасини билиб қолган,
Сенга жонин тўшамайди синган одам.

Кўрдим синган шохни – оппоқ гули билан,
Эгам гоҳо шундай ўйнар қули билан.
Гоҳо урар бандасининг қўли билан...
Одам исин хушламайди синган одам.

Унга тегма, у сендан айб қидирмайди,
Айбинг билса ҳам бировга билдирмайди.
Синган одам синганларни синдирмайди,
Бегонага ўхшамайди синган одам.

2001

ДАРД

Чорасизлик шу-да, бечоралик шу:
Тушингга излайсан таъбир ва маъни.
Аммо тушга кирмас – сенга қоронғу –
Ичингда қандай дард пишаётгани.

Буни ғанимга ҳам кўрмасман раво,
Душманам ҳолига ачингим келмас.
Бу ҳам қоракасал, бу ҳам бедаво,
Аммо, минг афсуски, муҳаббат эмас.

2001

МЕРОС

Ёмғир лойга ёққан замонда,
Сувлар сойга оққан замонда,
Бойлар бойга боққан замонда
Менга қараб қулган йўқчилик.

Илигини сўриб илкимнинг,
Сарғайтирган гулдек синглимни,
Эрта улғайтирган ўғлимни,
Жигаримни тилган йўқчилик.

Дада, балки сизни ўлимдан
Асраш келармиди қўлимдан...
Силтаб тортиб эски тўнимдан
Мени етим қилган йўқчилик.

Миннатли ош бу – сочма ўқдек
Ич-ичингни куйдирар чўғдек.
Қорин очу назарим тўқдек,
Мени азиз билган йўқчилик.

Тўғри, нима келса – Худодан,
Даъвойим йўқ эски дунёдан.
Таскин шуки, Одам Атодан
Менга мерос қолган йўқчилик.

2001

БАЧКАНА КУН...

Бачкана кун келса, буралиб паланг –
Косадаги сутни тўкиб қочади.
Илвасин бўйнига чумчуқ солар чанг,
Бургут райҳон баргин чўкиб қочади.

Бачкана кун келса, қийин, дейдилар,
Ҳаёт ўзи бешак ўйин, дейдилар.
Қирқига чидаган, чидаймиз яна –
Қирқ йилда бир эшак ўйин, дейдилар.

Бачкана кун келса, гул бўлар шоир,
Гул бўлмаса, куйиб, кул бўлар шоир.
Одамнинг қулиди чироқнинг жини,
Ароқнинг жинига қул бўлар шоир.

Бачкана кун келса, Ахмад донолар
Аста тера бошлар шахмат доналар.
Сиз унга сўз бериб қўйсангиз, тамом,
Сизга гап бермайди маҳмадоналар.

Бачкана кун келса, шон ва шарафлар:
Бир ёнда таклифлар, бир ён талаблар.
Чимматин кўтариб, қошин сакратиб
Зинога чақирар эски данаплар.

Бачкана кун келса... келмасин, дейман,
Устимиздан биров кулмасин дейман.
Ўзимиз биламиз – киммиз, нимамиз,
Шу гапни болалар билмасин, дейман.

2001

АФСУСКИ

Нима қилдим койиб, тақдирдан нолиб,
Бу савдолар қондан ўтган, афсуски.
Дўстлар оҳанг тўла юрагим қолиб
Эшигимга қулоқ тутган, афсуски.

Афсуски, ҳалвога дўнмас ғўралар,
Тойчоққа йўл бермас қари йўрғалар.
Бедилнинг кўзларин кўрган қарғалар
Чорбоғимда тупроқ титган, афсуски.

Афсуски, тушмадим мен ҳам осмондан,
Яхшидан ёмонман, яхши ёмондан.
Жон деб кечиб кетар эдим-ку жондан,
Онамнинг кутгани кутган, афсуски.

Афсуски, шаббода судраган хасман,
Куйим ўзимга тан, ўзим сармастман,
Кўчангиздан қайтиб куйлаб ўтмасман,
Азал менга шуни битган, афсуски.

Афсуски, шарҳи йўқ жимлигингингнинг,
Сиз ҳам ўйлармисиз кимлигингингни?
Биламан-ку маккор шумлигингингни –
Шайтон бел олишмай ютган, афсуски.

Афсуски, олдинда кўнгил йўқ, дил йўқ,
Карвон сўнгидаман гиёҳу гул йўқ.
Фожиам шундаки, орқага йўл йўқ,
Имкон қўлдан кетган... кетган... афсуски.

2001

ХИВА. ЎЛИМ МИНОРАСИ

Хива – гир айлана мўъжиза шаҳар,
Ичон – шу ҳалқанинг гавҳар донаси.
Мангулик муҳрида безак – қон ва зар,
Зарбхона ёнида ҳибсхонаси.

Тарих тирик бунда! Кўтариб тўзон
Туркман бедовлари елади ҳозир.
Эли деб жонини тиккан Паҳлавон
Дарвозадан кириб келади ҳозир.

Чўгирмали чолдек гужумлар сенинг
Майда дардларингдан кулаётгандек.
Тошйўл тагиданми, қудуқдан секин –
“Авесто” оҳанги келаётгандек...

Қора қиш кабидир тарихга боқсам,
Ёруғ куни қисқа – бир тутам, аёз.
Рости, ўхшар менинг ҳаётимга ҳам,
Ёз деб айтгунингча адо бўлар ёз.

Мана, Исфандиёр (сўз керакмиди),
Қутқу солмоқ учун эл орасига
Айбли хотинмиди ё эркакмиди –
Оппор, дерди ўлим минорасига.

Ким бўйин товлаган, қочиб қутулган
Ажал кўзин тикиб човласа панжа?
Минор бошидаёқ қанча жонсиз тан,
Бир қоп шиллиқ гўштга айланган қанча.

...Фитна ботқоғига ботади аркон,
Кундош валиаҳдга ичирар захар.
Сенга хўб лаънатлар ёғдирардим, хон,
Феруз ҳазратлари бўлмаса агар...

Муаррихлар андоғ айтурлар: бир кун
Эл дардини сўйлаб саройга борган
Йигитни ўлимга айлабон ҳукм,
Хон ўзи кузатиб бормиш минорга...

Аммо

Тангри ўзи иноят қилса,
Хон киму, нимага ярарди фармон.
Енглари ҳилпираб, қушдай, алқисса,
Йигит ерга қўнди бешикаст, омон...

Хўш, кейин... Кейини ҳақида мунший
Ёзмаган: сиртмоқми, тиғми ёки ўқ...
Варақлаб, дараклаб чиқдим уйма-уй,
Дишон бор, Ичон бор... ўша йигит йўқ.

Сайёҳлар оқади – эрмак матлаби,
Сувратга тушади тахтда бахтиёр.
Ажалнинг кўрсаткич бармоғи каби
Таҳдидли ўқталиб турибди минор.

Гумбаз тепасида қиличдек ҳиллол...
Фақат “ғу-ғу” солиб гизли, ўзича
Минора бошида аянч ва увол
“Парт-парт” урушади икки мусича.

МУҲАММАД ЮСУФ

Ёмонга ўлим йўқ, яхшига кун йўқ,
Томиринга қўшиб олишар узиб.
Бобур йўқ, Чўлпон йўқ, Мажнун йўқ,
Муҳаммад Юсуф йўқ, Муҳаммад Юсуф.

Бир қиз йиғлаб борар, соддагина қиз,
Йиғлар китоб билан юзини тўсиб.
Балки севгилингиз, балки синглингиз,
Муҳаммад Юсуф йўқ, Муҳаммад Юсуф.

Уйдан мозоргача юз одимча йўл,
Айланиб келамиз юртларни кезиб.
Кимга кўнгил бериб, кимга эса қўл...
Муҳаммад Юсуф йўқ, Муҳаммад Юсуф.

Тирикка меҳр йўқ, марҳумга қаҳр,
Нима топдинг, ака, тупроққа тушиб?
Узала тушганча бўзлайди қабр,
Муҳаммад Юсуф йўқ, Муҳаммад Юсуф.

Қизғалдоқ бош эгиб турар бағри қон,
Шоир юрагидан чиққанми ўсиб?
“Нега йиғламайсан, аҳли Туркистон?”¹
Муҳаммад Юсуф йўқ, Муҳаммад Юсуф.

2001

АКАЛАРИМГА

Уч бора айланди ажал қамчиси,
Учта юлдузимни фалақдан узиб,
Бугун жигаримда учта тиғ изи,
Шавкат Раҳмон, Охун, Муҳаммад Юсуф.

Бирови шамширдай тўғри зот эди,
Бири эркатойи шеърят боғин.

¹ Муҳаммад Юсуф сатри

Бирисига майда гаплар ёт эди,
Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Охун.

Назар ёмон экан, суқ ёмон экан,
Бир ариқдан сув ичиб, бирга ўсиб,
Кўп экан-да жонингга кўзин тиккан...
Шавкат Раҳмон, Охун, Муҳаммад Юсуф.

Ортиқча ҳарорат гулни сўлдирар,
Ортиқча сув бузар дарё қирғоғин.
Эл севгиси аста-секин ўлдирар,
Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Охун.

Қулоғимда ҳар бирининг сўзи, оҳанги,
Тобора бу олам қор каби тўзиб,
Нариги дунёга босар посанги,
Шавкат Раҳмон, Охун, Муҳаммад Юсуф.

2001

ГҲЁ

Бир дарахтни кўрдим – мағрур, баркамол,
Истаган фаслида гуллайдигандай.
Писандига яқин келмас қор, шамол:
Дуркун барги мангу сўлмайдигандай.

Шул дарахтнинг олдида хор, ғарибман,
Йўл ярмига етар-етмас ҳорибман,
Ҳаводан куз ҳидин олиб турибман,
Баҳор менга қайтиб келмайдигандай.

Бир ирмоқни кўрдим – ўжар ирмоқни,
Суриб хасни, лойқа қилиб тупроқни
Ташлаб кетаётир боғни, ўтлоқни –
Зум тўхтаса, сира бўлмайдигандай.

Шул ирмоқнинг ҳузурида ким бўлдим,
Тўхтаб қолдим, тил тишладим, мум бўлдим.
Ҳасрат келди, кўзёшимга лим бўлдим,
Эски кўнгил энди тўлмайдигандай.

Бир дилбарни кўрдим – қоши қароли,
Қошларидан юрак-бағрим яроли,
Бўлсам эди хизматкори, қароли,
Қул бўлмасам, бахтим кулмайдигандай.

Шул дилбарнинг қошида бечораман,
Юрагимдан нолиб, қайга бораман.
Ўзим билан олишиб овораман,
Мен ҳам унга парво қилмайдигандай.

Бир кимсани кўрдим, азиз ёронлар,
Фириб берса, чап беролмас шайтонлар,
Йиғмиш дунё, қурмиш турлик ошёнлар,
Гўё бу зот асло ўлмайдигандай.

Шул кимсанинг ёнида мен нимаман,
Балки унинг юкин ортган кемаман.
Сиз нимасиз? Дард сўйладим кимга ман,
Кимлигимни ҳеч ким билмайдигандай.

2001

ХУДОГА СОЛДИМ

Унинг қовоғидан бошимга ёққан
Қорини Худога солдим-да қўйдим.
Қонимни қайнатиб, жонимни ёққан
Қорини Худога солдим-да қўйдим.

Ўша-ку хор келса топтаган тикка,
Ўша-ку зўр келса дарров бош буккан.
Ўшанинг Машрабу Халложга тиккан
Дорини Худога солдим-да қўйдим.

Юлдузлар сайрига тортар саналар,
У ҳамон уруғ деб сочар каналар.
Силласи қуриган бува, эналар
Зорини Худога солдим-да қўйдим.

Шудир эл ҳақидан қасрлар қурган,
Асли-ку нон урган, асли Ҳақ урган.
Унинг алоҳида қаторда турган
Норини Худога солдим-да қўйдим.

Сўрасанг, иблисга тақалар насли,
Хоинлик – ҳунари, каззоблик касби.
Дунёни ютмоққа шай турган нафси –
Форини Худога солдим-да қўйдим.

Аламим тоғча бор, майда дард эмас,
Гарчи қасд олмаган йигит – мард эмас.
Лекин Худойимга ёрдам шарт эмас,
Барини Худога солдим-да қўйдим.

2001

КЎРАЙ

Душманнинг юзларида ғам кўрай,
Кўзларининг жиягида нам кўрай.
У дунёдан кўнглим тўқ, Парвардигор,
Хор бўлганин бу дунёда ҳам кўрай.

2001

АЙЁР ҚИЗ

Кулиб қараб, кулиб кўзин обқочган,
Ўргатволиб, кейин ўзин обқочган,
Қучоқласам, титраб юзин обқочган,
Тугунчагин туғиб қўйган тайёр қиз,
Ёлғон йиғлаб, эрга борар айёр қиз.

Кўнглимда нима бор, билмайман

17
3160
7

Хув, дейди-ю, ўйлар ёстик-кўрпасин,
 Кўзда ёш йўқ – аяйди-да сурмасин.
 Эшитсин-у, лекин биров кўрмасин...
 Тугунчагин тугиб қўйган тайёр қиз,
 Ёлғон йиғлаб, эрга борар айёр қиз.

Куйдирмажон эди, курғур, шўх эди,
 Кўнглим унда эди, кўнглим тўқ эди.
 Қош терганда йиғлагани йўқ эди...
 Тугунчагин тугиб қўйган тайёр қиз,
 Ёлғон йиғлаб, эрга борар айёр қиз.

Эрта пишар эди қўқон гилоси,
 Юрагимдек қоп-қора қон гилоси.
 Аллақачон бўлган талон гилоси...
 Тугунчагин тугиб қўйган тайёр қиз,
 Ёлғон йиғлаб, эрга борар айёр қиз.

Тенгдошини севган бўлар тенг тентак,
 Тўйда билдим, анча экан денг тентак.
 Ўша куни сал йиғлабман мен тентак...
 Тугунчагин тугиб қўйган тайёр қиз,
 Ёлғон йиғлаб, эрга борар айёр қиз.

Тўй бузишга етармиди журъатим,
 Ун тортгани тегирмонга жўнадим.
 Тугунига сигмагандир суратим...
 Тугунчагин тугиб қўйган тайёр қиз,
 Ёлғон йиғлаб, эрга борар айёр қиз.

ТАБАССУМ

Қандай тотли бу бахт, бу сафо!
Бошда сочар бошдан зар севги.
Ёз тонгидек тоза, мусаффо
Табассумдан бошланар севги.

Томирингга қоришар зиё,
Нари кетар ёмонлик, риё.
Қиз тўхтайди. Қарайди қиё...
Табассумдан бошланар севги.

Бирдан ўпканг тўлиб кетади.
Тушунганлар кулиб кетади.
Ҳамма яхши бўлиб кетади,
Табассумдан бошланар севги.

Айланасан хаёл боғида,
Қийналасан ҳижрон доғида.
Қўшиқ айтгинг келар гоҳида:
“Табассумдан бошланар севги...”

Ким билади қиз бола сиριν,
Юрагингга ташлар кўз қирин.
Минг ваъда, минг ҳийла яширин
Табассумдан бошланар севги.

Қандай ширин бу бахт, бу сафо,
Шундай аччиқ бу дард, бу жафо.
Кўзёш билан тугайди, аммо
Табассумдан бошланар севги.

2002

ЗЕРУ ЗАБАР...

Зеру забар – забар билан зер бўлди,
Ер осмонга чиқди, осмон ер бўлди.
Боғни излаб чоғни топдим оқибат,
Тоғ деб борган жойим яйдоқ қир бўлди.

Очиқ кўнгил – очиқ сандиқ – элники,
Атиргулнинг сарин бўйи – елники.
Элга, елга, селга кетди меники,
Сизнинг сақлаб қолганингиз сир бўлди.

Кўнгил сўраб, кўнгил бузди дўстларим,
Кўнглим сўраб, кўнгил узди дўстларим.
Кўнгилларин енгил узди дўстларим,
Барин мендан ҳафсаласи пир бўлди.

Париларки, дил қонидан пардози,
Жонинг куйса ҳамки, келмас парвоси.
Кулим кўкка сочар ҳар гал парвози,
Кўзларига боқсам, кўзим кир бўлди.

Орзиқаман эслаб тандир, саватни,
Ўзим ташлаб келдим шундай жаннатни.
Олдим шоир деган тавқи лаънатни,
Энди менга икки дунё бир бўлди.

2002

ТИЛЛА УЗУК

Эй қалдирғоч қошлигим,
Кел, аҳдимиз бир бўлсин.
Учта одам билган гап
Қандай қилиб сир бўлсин?

Тилла узукка тилла
Кўз бўлмайди ҳеч қачон.
Қиз болага қиз бола
Дўст бўлмайди ҳеч қачон.

Бордир сарой қурганлар,
Бордир даврон сурганлар.
Борми биздек бир тушни
Биргалашиб кўрганлар?

Битта қизга бир йигит
Тилла узук тақибди.
Битта душман йигитга,
Қизга қирқта рақибдир.

Тилла узукка тилла
Кўз бўлмайди ҳеч қачон.
Қиз болага қиз бола
Дўст бўлмайди ҳеч қачон.

Хаёлингни дугонанг
Бузганини билмайсан.
Ёнгинангдан менга кўз
Сузганини билмайсан.

2002

КУНИ КЕЧА УЧРАШДИК

Куни кеча учрашдик, бироқ
Маҳаллангда ўсгандайман мен.
Хуштак чалиб гоҳ ўйинқароқ,
Гоҳ йўлингни тўсгандайман мен.

Катта синфлардан қизғониб,
Ўн йил бирга ўқигандайман.
Бирдан йигит бўлиб ўйғониб,
Исмингга шеър тўқигандайман.

Кўрғончадан тўйдан қайтишда
Қўлларингни топгандайман-а.
Бошим гангим, кўргандай тушда
Тутқаторда ўпгандайман-а.

Ҳарбийда хўп соғинганим бор,
Ой сени эслатиб ўтарди.
Сен мени кутардинг интизор,
У пайтларда... қизлар кутарди.

Куни кеча учрашдик, бироқ
Бирга-бирга ўсгандайман мен.
Гаплар отиб гоҳ ўйинқароқ,
Гоҳ йўлингни тўсгандайман мен.

2002

АЙЛАНАЙ

Кўзмунчоғинг қўйма асти, дилдорим,
Ай, айланай, нозикниҳол қадингдан.
Юрагимни хушбўй этган баҳорим,
Ай, айланай, атиргулим, атрингдан.

Икки кўзим маним, икки дагарим,
Сўзи наввот, қилиқлари шакарим,
Мирзо Улуғбегим, Мирзо Анварим,
Ай, айланай, сабза урган хаттингдан.

Майиз бўлиб саратонда куйган эл,
Боласидан даласини суйган эл.
Яхши кунни фақат тўйга қўйган эл,
Ай, айланай, киприкдаги гардингдан.

Баъзан кўнгил учун кўнгил сўралар,
Ким термулар, кимдир секин мўралар.
Ай, дўстларим, улфатлару жўралар,
Ай, айланай, номардингу мардингдан.

Омон эди орзу, тилагим кеча,
Тангрим, боқдинг чуқур юрагимгача.
Бедаво дард бердинг суягимгача,
Ай, айланай, танлаб берган дардингдан.

2002

ЙИГИТ

Азизбекка

Осмонга ой, йигитга от ярашар –
Туёқлари юлдуз сочсин елганда.
Йигит бўлсин – кирса давра ёришар,
Қиз-жувоннинг ақли шошсин кулганда.

Мунофиқлар, ҳаромзода каззоблар
Ош едириб, сўнг гуручин ҳисоблар.
Нари бўлсин бундай кўҳна азоблар,
Бош эгмасин номард миннат қилганда.

Ота-она турган манзил – юрт бўлар,
Йўлга кирганидан кўзи тўрт бўлар.
Гугуртчўпдек омонат ва мўрт бўлар,
Йўқотмасин энди қадрин билганда.

Эрлар кўпу эркаклар кам замонда,
Пок аёллар кўзлари нам замонда,
Шундай ғирром, шу муттаҳам замонда
Муштин ишга солсин кези келганда.

Осмонга ой, йигитга ёр ярашар,
Ҳовли борки, ўлан-алёр ярашар.
Тўй кечаси ҳар неки бор – ярашар,
Кўнгли тўлсин қучоқлари тўлганда.

Дунё кезсин, ўнта тилда сўйласин,
Ўйлаганда лек ўзбекча ўйласин.
Навоийни чанг бостириб қўймасин,
Мудрамасин қўлга китоб олганда.

Қайси оҳанг ёқимлироқ юракка?
Чулдир-чулдир жилга оқсин тувакка...
Бешиқдаги манглайи кенг бувакка –
Шу шеъримни айтсин ота бўлганда.

2002

БЕДАВО*Ҳазил*

Тўсиб шифокорнинг йўлини,
Тупук сочиб, силтаб қўлини
Арзи сиҳат қилди бир одам,
Ўз сочини юлди бир одам:
“– Эллик ёшга кирдим, дўхтир,
Ҳалигача ҳурматим йўқдир.
Ҳамма ўзин оқил кўрсатар,
Ҳамма менга ақл ўргатар.
Бирови дер бемаврид кулма,
Тушунмаган гапга суқилма!
Соч-соқолинг буркамиш қиров
Сал босиқроқ кийин дер биров.
Хотиним ҳам шуларга қиёс
Еманг дейди эрталаб пиёз.
Эговлайди холаларим ҳам,
Насиҳатгўй болаларим ҳам.
Калишнинг ҳам пойи бўлармиш,
Гапнинг ҳам ўз жойи бўлармиш.
Сизни кўриб ўйлаб қолдим сал,
Эсарманми ё бошқа касал?”
Ёғли кўзга боқди шифокор:
“– Афсус, шундай оғир дардлар бор.
Кимларнидир қийнаб ташлайсиз,
Лек ўзингиз узоқ яшайсиз.
Сиздақалар жуда кўп, аммо,
Тополмадик шу дардга даво.
Баланд бўлсин шиддат-шахдингиз,
Бедаволик сизнинг бахтингиз”.
Кўкка қараб хўрсинди дўхтир:
“Аптекада фаросат йўқдир...”

2002

ГУНОҲЛАРИМ

Еллар ўчирди чироқларимни,
Шамол совурди япроқларимни.
Куюн хўплади гулбоғларимни,
Бўрон кўтарди тупроқларимни,
Билмайин қолдим гуноҳларимни.

Ишонганларим – сирдош бўлганлар,
Сухбати ширин, дилдош бўлганлар,
Йўлнинг ярмида йўлдош бўлганлар –
Қайда, ким кўрди ҳамроҳларимни,
Билмайин қолдим гуноҳларимни.

Жон десам, жондек жононим қани,
Ҳар сўзимга юз қурбоним қани?
Ўзи – чин, сўзи ёлғоним қани,
Мунча хор этди нигоҳларимни,
Билмайин қолдим гуноҳларимни.

Битта гулим бор – сўлмайди асло,
Мендан ўзгага кўнмайди асло.
Шукурки, ушлаб бўлмайди асло,
Сизга кўрсатай бармоқларимни,
Билмайин қолдим гуноҳларимни.

2002

МЕНИНГ ДАРДИМ

Эрта келган ўхшар хазон фасли, Салим,
Новдаларда бемор юрак расми, Салим.
Атиргулни шеърга солиб улгурмадик,
Атиргул деб келган эдик асли, Салим.
Сенинг дардинг менинг дардиммасми, Салим?

Шамол ялаб адо қилган дуволмидик,
Тошлоққа туп қўёлмаган ниҳолмидик?
Қорда қолган қалдирғочдек уволмидик,
Осмон – юксак, замин – тубан, пастми, Салим,
Сенинг дардинг менинг дардиммасми, Салим?

Оқимга терс сузган наҳанг оқиб кетди,
Оғаларим зару зўрга оғиб кетди.
Ултон хўрлаб, илигимни чақиб кетди,
Балчиқдаги балиқ – қадриммасми, Салим,
Сенинг дардинг менинг дардиммасми, Салим?

Чилвир отиб, қад кўтарган токни кўрдим,
Асрий қора хат кўтарган зоғни кўрдим.
Оймомани даст кўтарган тоғни кўрдим,
Шавқи баланд соғлар мудом мастми, Салим,
Сенинг дардинг менинг дардиммасми, Салим?

Жувонмаргнинг қабрин кучиб, чим куяди,
Ёшин ютиб, жигарлари жим куяди.
Лек жувонмарг орзуларга ким куяди?
Хунни сўраб, кимдан олай қасдни, Салим,
Сенинг дардинг менинг дардиммасми, Салим?

Атиргулни тебратмаса, ел бўпtimi,
Хуш бўйларин таратмаса, гул бўпtimi?
Бир дард билан оғримаса, эл бўпtimi,
Бу дард биздан кўра қадиммасми, Салим,
Сенинг дардинг менинг дардиммасми, Салим?

2002

ЭНТИКАРДИ...

Энтикарди адирлару далалар,
Қизил кийган қиздек қирмиз лолалар.
Қизил кийган қизни яхши кўрардим,
Билар эди тоғалару холалар.

Дирилларди мендан қочиб варрақлар,
Варрагимдан чўчиб учган лайлақлар.
Хуркак-хуркак титраб тунда юраклар
Тўлқин-тўлқин тортар эди нолалар.

Бола эдим бўшанггина, кўнгилчан,
Тўшак бўлди гўшанггага кўнгилчанг.
Мана, бугун бўйга етиб ўғилчанг
Сенга ёзган шеърларимни ёд олар.

Менинг эса қоним қайнаб жўш урар,
Тўлқин-тўлқин тортиб, гуп-гуп мушт урар.
Қайтиб-қайтиб юрагимга бош урар
Сен туғишинг керак бўлган болалар.

2002

МЕНДАН СОВИЯПТИ...

Бирдан эҳтиросга тўлдингиз,
Ёндингиз, куйдингиз, сўндингиз.
Паришон, сочингиз паришон,
Мендан совияпти кўнглингиз.

Мен ҳамма қатори боламан,
Ўзимдан зерикиб қоламан.
Билишим билмайсиз, биламан,
Мендан совияпти кўнглингиз.

Севги – чўғ, дейдилар, ўчгайдир,
Севги – ўк, дейдилар, учгайдир.
Севги йўқ, дейдилар, шундайдир,
Мендан совияпти кўнглингиз.

Қаршимда кундан кун сўлгин, хор –
Гулга сув пуркайсиз беозор.
Зарим бор, зўрим бор, зорим бор,
Мендан совияпти кўнглингиз.

Илияпти уммон, денгизлар,
Эрияпти минг йиллик музлар.
Совуққина сўзлар ва кўзлар...
Мендан совияпти кўнглингиз.

2002

ҚАЙДАН КЕЛАЁТИР

Қайдан келаётир уюр-уюр ғам,
Қайдан кўчаётир палахса ҳасрат?
Қайдан ёғаётир ширғоқдек алам,
Қайдан сизаётир лахта-лахта дард?

“Милт” этган шуъла йўқ, “йилт” этган учқун,
Ваҳима сузади баҳри муҳитда.
Оғриган чол каби руҳият тушқун,
Ўлимни кутгандек оғир сукутда.

Бундай чоғ дўст бекор, жонона бекор,
Фақат ғуссаларни тоширади май.
Туйғуларни эрмак қилган каби тор,
Суягингни тешиб ўйин қилар най.

Вақтики, ёришар чархпалак олам,
Жилва қилар руҳинг – ёғду тушган гард.
Аммо қайга кетар уюр-уюр ғам,
Аммо қайга сингар лахта-лахта дард?

2002

ПУШАЙМОН

Энг бой одам мен бўлардим,
Пушаймондан фойда бўлса.
Кўнгли тошдан тош дилбарни
Соғинаман қайда бўлса.

Ўн бешимда қолдим севиб,
Уйда юрак сиқар эди.
У ҳам кўлоб сувлар сепиб,
Яна сувга чиқар эди.

Сувни бурардим тескари,
Агарда гап сойда бўлса.
Қоши бахмалдай дилбарни
Соғинаман қайда бўлса.

Ой юзидан қайтган нурлар
Юзларида қамашарди.
Ўн беш кунлик ойдай дилбар
Менга жуда ярашарди.

Ботмас эди кундузлари
Бундай чирой ойда бўлса.
Ойга боқиб, ул дилбарни
Соғинаман қайда бўлса.

Аразлашиб қолдик бир кун,
Уч кун ўтди, кечирмади.
Юрагимни босди тутун,
Сувлар сепиб ўчирмади.

Нима дейсиз, қизлар барин
Гап-сўзлари майда бўлса.
Ўзимдай содда дилбарни
Соғинаман қайда бўлса.

Ухлаёлмай кечалари,
Кундузлари гангиб юрдим.
Икки йилча кўчалари
Саратонда чангиб турди.

Бир гапириб ўн кулардим
Калишлари лойда бўлса.
Кўнгли муздан муз дилбарни
Соғинаман қайда бўлса.

Кўкрагимни бериб ерга,
Ўйлаб ўйга етолмайман.
Келиб-келиб кимга эрга
Текканини айтолмайман.

Бундан ортиқ азоб борми,
Бир кўча, бир жойда бўлса.
Тошкентга кетдим. Дилбарни
Соғинаман қайда бўлса.

Синдирмайди йиллар кимни,
Туйғуларни силлиқлайди,
Ҳар кўрганда юрагимни
Капалаклар қитиқлайди.

Узр, олдим вақтингизни,
Кошки, гапдан фойда бўлса.
Нима қилай, ўша қизни
Соғинаман қайда бўлса.

2002

ҚЎҚОН ШАМОЛИ

Аъзам Ўктамга бағишлайман

Ўқтин-ўқтин ғазаб отига миниб,
Ваҳшат солар телба Қўқон шамоли.
Кўзларинг қисилиб, қулоғинг тиниб,
Ажрата билмайсан ердан самони.

Уч кун давом этар талотум, кутқу,
Уч кун катталарнинг тилида дуо.
Уч кун эл тақвога бурканар бутқул,
Рамазонда шунча ёдланмас Худо.

Аёллар мунис ва мушфиқ янада,
Ненидир сарҳисоб қилар эркаклар.
Дунёдан узилган сирли хонада
Ғўжалоқ болалар тинглар эртаклар.

Нам тортган деворлар қулайди гуппа,
Ўқилдизи калта дарахтлар қулар.
Қуртлаган мевалар ер билан битта,
Тегманозик гуллар, заифа гуллар...

Буюк имтиҳон бу! Буюк синов бу!
Борни бор, йўқни йўқ қилиб бергувчи.
Бошингга зўр савдо тушмасдан бурун
Кимнинг кимлигини билиб бергувчи!

Яшаш қандай енгил – шамолдан кейин
Ажиб бир хушҳоллик, бир ажиб сурур.
Ғуборсиз ҳаволар ипакдек майин...
Шамол, сенга қуллуқ, сенга ташаккур!

...Битта гап эсимдан кетмайди ҳамон:
Бир сайёҳ – эл кезиб ризқини терган,
Шамол мавсумига тушиб ногаҳон,
Кўчиб кетмайсизми, деган бу ердан?

Банда тадбир қилар, Яратган – тақдир,
Қисмат қуюнида чирпираб учдим.
Сайёҳнинг сўзидан кулгандим, охир –
Шеъримга эргашиб пойтахтга кўчдим...

Қарайман, қуртлаган юраклар тўп-тўп,
Илдизсиз оғочлар тегар ғашимга.
Аҳёнда кўтариб сурон, талотўп,
Тентак шамолларим кирар тушимга.

Нозик ниҳоллари бўлсалар поймол,
Розиман, бўйнимга барин уволи.
Бир марта тескари юрсанг, юрақол,
Тошкентда кутаман, Қўқон шамоли!

2002

ЮЛДУЗГА

Киприкларинг ўтиб кетди-ку жондан,
Маили мангу азоб, қийноқ бўл менга.
Юлдуз бўлмасанг гар туш-да осмондан,
Юлдуз бўлсанг тунда ҳамроҳ бўл менга.

2002

БИР КЎРИНИШ

Амалдан бўшаган одам бегумон,
Кўрингай ҳар кўзга ҳар хил ҳамиша.
Ўйнашин кўзига – бўшаган ҳамён,
Улфатин кўзига – бўшаган шиша.

2002

МАҲАЛЛИЙЧИ

Йўталса, ўз шеvasида йўталади,
Кўтарса, ўз хешларини кўтаради.
Лойга ботиб қолса ногоҳ ўтараванг,
Рақамингга қараб, кейин итаради.

2002

ОВОРА

Яқин ҳам келолмай, узоқ кетолмай
Ернинг атрофида йўлдош овора.
Заминни бир текис чаман этолмай
Миллиард йил нур сочиб қуёш овора.

Баҳор сизга бермиш гулдан зеб, сарпо,
Мендай ўткинчига энди не парво.
Ўйин билан бандсиз шўҳ ва бепарво,
Хиноли бармоққа тўптош овора.

Қизбола бош билан дунёни англаб,
Ақл билан чертиб, оласиз танлаб.
Ўзларин дардларин ўзлари тинглаб,
Мендай неча телба, бебош овора.

Қачонки ўзандан узилади сув –
Уч кун тўхтаб қолса, бузилади сув.
Юрагим остида эзилади сув,
Кўзимга чиқолмай кўзёш овора.

2003

ҚИЗЛАРХОН

Айрилиқни ўйласам,
Томиримда музлар қон.
Кўзларинг ҳаққи қасам,
Сенсиз кун йўқ, Қизлархон.

Ичганим қасам экан,
Қучганим тиззам экан.
Қизлархоннинг кўнглини
Кошки, билмасам экан.

Совға қилган рўмолин
Ўрамайман, дебди у.
Кўришганда аҳволин
Сўрамайман, дебди у.

Қизим ҳали ёш-ку, деб
Отаси қўймас экан.
Балоғатни, яхшилар,
Яшириб бўлмас экан.

Ҳар бир босган изига
Таъна қилиб ўтади.
Рўмолини юзига
Пана қилиб ўтади.

Айрилиқни ўйласам,
Томиримда музлар қон.
Кўзларинг ҳаққи қасам,
Сенсиз кун йўқ, Қизлархон.

Ҳолвасидан тотганман,
Сумалак яламайман.
Қизлархонни топганман,
Бошқага қарамайман.

Бирга боғ кезсак экан,
Нок узиб есак экан.
Севги йўқ, деб айтганинг
Оғзига кесак экан!

КЕЛАДИ

Қайрилиб қарамай, шартга қўл силтаб,
Елкамга тўнимни илгим келади.
Юргим келмай қолди тирикчилик деб,
Тириклик кўйида бўлгим келади.

Қаттиқлашиб борар кун сайин қахр,
Тиконда ҳам захр, гулда ҳам захр
Тирноққа арзимас борлигинг ахир,
Кўксимни тирноқлаб юлгим келади.

Юрагим оқади Фарғона томон,
Эй аччиғи ширин, гумони аён,
Севгинга ишониб яшайман ҳамон,
Ўзимнинг ҳолимга кулгим келади.

Кетсам, сенга элтар жамики йўллар,
Ёлғиз сени қучсам, юрагим тўлар.
Қандай соз, тепамда нафармон гуллар,
Сочинга кўмилиб ўлгим келади.

2003

ЮЛДУЗИМ

Юлдуз, кечир мени, кечир, юлдузим,
Иқболинг кулса ҳам бахтинг кулмади.
Ўзимга махлиё бўлдимۇ ўзим,
Кўнглингни олишга вақтим бўлмади.

Мен сенга муҳтожман, интиқман, зорман,
Билмайман, борманми-йўқми ёдингда.
Агар айбдор бўлсам, ёлғиз айбдорман –
Худонинг олдида, сенинг олдингда.

Кечалар ёдимга тушганда кўзинг,
Сомон йўлларида чангиди кулим.
Осмоним муаттар айлаган ўзинг,
Ҳамишабахорим, ҳамишагулим!

Ўзимдан, эҳтимол, сени асрадим,
Билдимки, мен билан бахтинг кулмайди.
Йиғласам, йиғига сиғмас ҳасратим,
Шеърда ҳамма гапни айтиб бўлмайди.

Юлдузни етаклаб Шошга кеч кирса,
Фарғонажонимга оқади дилим.
Мени унутмагин, мени кечирма,
Ҳамишабаҳорим, ҳамишагулим!

2003

НАВРЎЗГУЛИ

Наврўзгули, бойчечагим, бормисан,
Мен сенга зор, сен ҳам менга зормисан?
Муз ичида асрадим мен кўнглимни,
Сен ўзингни асраб, бахтиёрмисан?

Омонлиқсан, тўтиёсан кўзларга,
Севги мактубисан маъсум қизларга.
Суйкаласан дудоқларга, юзларга,
Битта ўзинг бир бутун гулзормисан?

Ниначининг қанотидек баргинг бор,
Асал ва сут бўйи келар атринг бор.
Қадрим билиб йўқладингми, қадринг бор,
Ёлғизгинам, ёлғизларга ёрмисан?

Эй кўнгилни қитиқлаган эрка гул!
Эй оламни кўмган орзу-сирга, гул!
Қайга десанг, мен кетаман бирга, гул,
Сен ҳам мендек дардга харидормисан?

Ой ҳам кулча кўринармиш очларга,
Булут кўрпа бўлиб зор-мухтожларга.
Ташна дилу руҳи яланғочларга –
Бирдек тансиқмисан, мададкормисан?

Жоним гулим, ўтинаман, сўлмай тур,
Дунё яшнаганда ҳазон бўлмай тур.
Мени етим қилма, кетма, ўлмай тур,
Сен ҳам мендек дунёдан безормисан?

2003

ЗЎРДАН ЗЎР ЧИҚАДИ

“Зўрдан зўр чиқади”, ҳайқирди кимдир,
“Зўрдан зўр чиқади”, деди ҳавойи.
“Ҳақ гап!”, тиззасига муштлади Темур,
“Маъкул”, деб жилмайиб қўйди Навоий.

2003

СИЁМ ЭГИЗАКЛАРИ

Исм бошқа холос, жисму жон битта,
Бир-бирига зимдан қарашар экан,
Баъзисида юрак, ошқозон битта,
Шулар ҳам гоҳ овқат талашар экан.

2003

БАХТ

Ташвиш ташламасин юзингга соя,
Қувончинг топмасин асло ниҳоя.
Мен бахтиёр бўлай бахтингни кўриб,
Менга шуниси бас, менга кифоя.

2004

ҚУРБОН ҲАЙИТИ

Яна нима керак
шу пайт менга?
Сенга қурбон бўлсам,
шу ҳайит менга!

2004

СУМБУЛА

Яна яхши кунлар бошланди,
Сувларингиз тинди, сумбула.
Мен сизни кўп яхши кўраман,
Сиз севасиз кимни, сумбула?

Икки кўздан баробар томган
Ёшдек кетиб борар турналар.
Ёниб, эриб, кўзёш бўларман,
Сизга етиб борар турналар.

Ярми яшил, ярмиси сарик
Капалаклар айланар бошда.
Сумбулажон, сувингиз тиниқ,
Чархпалаклар айланар бошда.

Яна яхши кунлар бошланди,
Мен кимларни яхши кўраман?
Сумбулажон, сиз менга берган
Севгиларни яхши кўраман.

Зумрад-зумрад сувларингизда
Хаёл сураш шоир балиқлар.
Турналарни кўргандир балки,
Балки мени соғиниб йиғлар.

Яна яхши кунлар бошланди,
Айтинг, кимни яхши кўраман?
Сизни яхши кўргани учун
Мен ўзимни яхши кўраман.

2004

СЕНИ СОҒИНИБ

Қоракўз қалдирғочойимсан ўзинг,
Кўксим айвон бўлди сени соғиниб.
Кўзимдан бир лаҳза кетмади кўзинг,
Кўзим гирён бўлди сени соғиниб.

Кўчангдан кечалар ўтганим пинҳон,
Келмасингни билиб кутганим пинҳон,
Ою юлдузлардан тутганим пинҳон,
Ишқим дoston бўлди сени соғиниб.

Жонимга тиғ уриб қийнайди соғинч,
Кейин тиғ суғуриб қийнайди соғинч.
Хайрлашмай туриб қийнайди соғинч,
Юрагим қон бўлди сени соғиниб.

Белгисиз хилхона, кўҳна мозорни –
Мозорки, қаровсиз харобазорни
Эшитганинг борми, кўрганинг борми?
Дилим вайрон бўлди сени соғиниб.

Саргардонлик Мажнун-Лайлига эди,
Бизники фақат гул сайлига эди.
Олисда бўлсанг ҳам майлига эди,
Боғим хазон бўлди сени соғиниб.

Нетай, пешонамда шу дард бор бўлса,
Қанийди бу дардга харидор бўлса...
Сени танлармидим, ихтиёр бўлса!
Ҳолим ёмон бўлди сени соғиниб.

2004

МАЛОЛ КЕЛМАСИН

Сизга севгим келмасин малол...

Пушкин

Юзимизга ёпманг эшигингизни,
Биз келган чоғларда шамол келмасин.
Эгаллаб олмаймиз бешигингизни,
Сизга муҳаббатим малол келмасин.

Нозик таъбингиз ҳеч бўлмасин хира,
Келсак сўрамаймиз сиздан йўлқира.

Сизга оғирлиги тушмайди сира,
Сизга муҳаббатим малол келмасин.

Шунақа беқарор туриш-турмушим,
Турмушим ўйласам келади ғашим.
Ғашланиб қарайди тагин бу кишим,
Сизга муҳаббатим малол келмасин.

Сиз ухласангиз ҳам ой сочар зиё,
Юлдузлар боқади ойга маҳлиё.
Сўраб севинг, деган қонун борми ё?
Сизга муҳаббатим малол келмасин.

Севги ҳам бир бисот – зардан зиёда,
Бисотим отда-ю, ўзим пиёда.
Яшасак яшабмиз биз ҳам дунёда,
Сизга муҳаббатим малол келмасин.

2004

МУҲАББАТ

Муҳаббат бу – ялт этган нигоҳ
Ва ҳаловат абас, дегани.
Муҳаббат бу – ўзингни севмоқ
Ва ўзгага ҳавас, дегани.

Ҳаёт иси келар исмидан,
Ҳаётингни кесса-да зимдан,
Муҳаббат бу – куй тўла зиндон,
Атиргулдан қафас, дегани.

У – қуёшдир, ета олмассан,
У – кўзёшдир, тута олмассан.
Муҳаббат бу – кета олмасдан
Жон талашган нафас, дегани.

Субҳидамда куйлаган каптар,
Эсда турмас чиройли гаплар,

Муҳаббат бу – титраган лаблар,
Арз дегани, араз дегани.

Тарихларни бузган қудрати,
Ёруғликдан ўзган суръати.
Муҳаббат бу – бахтнинг сурати,
Бахтнинг ўзи эмас, дегани.

2004

КИРИБ БОРАЁТГАН МАҲАЛИМ КУЗГА

Кириб бораётган маҳалим кузга,
Кўнгил чак-чак ёғди, кўнгил тинмади.
Гулдастадек хушбўй, хушрўй бир қизга
Юр, бахтли бўламиз, десам кўнмади.

Лолазор мисоли доғ эди бағрим,
Неча йил бу даштда чечак унмади.
Шудрингдек товланиб кетди-да меҳрим,
Юр, бахтли бўламиз, десам кўнмади.

Мен куздан баҳорга ҳатламоқчийдим,
Гулламоқчи эдим, яна бўлмади.
Яна бинафшани ҳидламоқчийдим,
Юр, бахтли бўламиз, десам кўнмади.

Дарадай хувиллар эди қучоғим,
Кўзим ва қучоғим бирдек тўлмади.
Менга ишонмади, тушунмади чоғим,
Юр, бахтли бўламиз, десам кўнмади.

Бу, балки, энг сўнгги журъат, қасд эди,
Бахт қуши айланиб ўтди, кўнмади.
Қаерга бўлса ҳам кетсак бас эди,
Юр, бахтли бўламиз, десам кўнмади.

2004

ҚАРАЙСАН

Махлиёсан кўзгуга,
Сочларингни тарайсан.
Қарамайсан кўнглимга,
Менга қачон қарайсан?!

Четга қараб пичирлаб,
Четга қараб куласан.
Ўйинчи қиз, шаддод қиз,
Бунча ўйин қиласан.

Қалқиб чиқар кўкка ой,
Қалқиб чиқар юрагим.
Сенга керагим борми,
Йўқми сенга керагим?

Мен қолиб бировлардан
Ҳолу аҳвол сўрайсан.
Қарамайсан кўнглимга
Менга қачон қарайсан?

Кўзингни бер кўзимга,
Бу шунчалар қийинми?
Севги сенга эрмакми,
Севги сенга ўйинми?

Сенга қараб қолганман,
Қалбимга ўт қалайсан.
Қарамайсан кўнглимга
Менга қачон қарайсан?

СИЗ...

Мудом ёруғ бўлсин дарчаларингиз,
 Менга кўчиб ўтсин барча дардингиз!
 Мен сизни авайлаб чарчамадим ҳеч,
 Сиз кўнглим оғритиб чарчамадингиз.

Гоҳо ёмон қараб, гоҳ қарамасдан,
 Гоҳо ёлғон кулиб, гоҳ кулиб ростдан,
 Гоҳо эркаланмай, эркаламасдан
 Сиз кўнглим оғритиб чарчамадингиз.

Кимнинг қўлини сал узоқ тутдингиз,
 Қайгадир кетдингиз, шошиб кетдингиз.
 Ёнимдан кўрмаган бўлиб ўтдингиз,
 Сиз кўнглим оғритиб чарчамадингиз.

Ёш бола эмасдим, кўпни кўргандим,
 Ҳамманинг устидан кулиб юргандим.
 Лек сизга боладек қаттиқ ўргандим...
 Сиз кўнглим оғритиб чарчамадингиз.

Хоҳласанг оласан, агар шоҳ берса,
 Қаёққа борасан, Тангри – Ҳақ берса.
 Нима ҳам дер эдим, Сизга завқ берса...
 Сиз кўнглим оғритиб чарчамадингиз.

2004

БИЛСАНГ ЭДИ...

Кел, деганда, ноз қилмасдан келсанг эди,
 Гул берганда, қайрилмасдан олсанг эди.
 Ўзинг қандоқ яхшилигинг биласан-у,
 Сени қандай севишимни билсанг эди!

Бу дунёга озиб-ёзиб бир бор келиб,
 Наҳот ўтсам ҳижронларда бағрим тилиб?
 Сен юрасан дардим билмай, қадринг билиб,
 Сени қандай севишимни билсанг эди!

Музни қандай куйдиришни биласан-а,
Суймаганни суйдиришни биласан-а,
Лайлолардан қолган ишқни биласан-а,
Сени қандай севишимни билсанг эди!

Чора истаб бечораман мен чорасиз,
Феълинг сабаб иккимиз ҳам оворамиз.
Ичи қора қиз экансан, эй қора қиз!
Сени қандай севишимни билсанг эди!

Етти иқлим, сув-ҳавони биласан-у,
Бешта қитъа, ер-самони биласан-у,
Менга қара, ҳар балони биласан-у,
Сени қандай севишимни билсанг эди!

2004

УДУМ


Рустам Қосимжоновга

Жаҳонгир боболар шавкати-шони
Хаста кўнгилларни шод қилиб келган.
Эл, ёвқур ўссин, деб ўзбек ўғлони
Рустам дostonларни ёд қилиб келган.

Ақл ҳамда кучдир ғолиблик шарти,
Миллатин кўтарар миллатнинг марди.
Шунда бегонанинг бўлса ғам-дарди –
Адолат ўтиниб, дод қилиб келган.

Жаҳон тожин кийиш – удум ўзбекка,
Руҳи омон, оти сапчийди кўкка.
Гоҳо Рустамжондек бир ўзи якка
Тенгсиз рақибларни мот қилиб келган.

2004



Кўнглида нима бор, билмайман

ЎЗБЕК

Манглайга кафт қўйиб олисга боқсам,
Эдилдан кўринар бўйларинг, ўзбек.
Туш каби жимирлаб минг йил оқса ҳам,
Номинг айтар Энасойларинг, ўзбек.

Нух тўфони, демак, қисмат шамоли,
Кимнингдир камоли, кимнинг заволи.
Саргашта кун кўрдинг оху мисоли,
Шундан ҳамон мунгли куйларинг, ўзбек.

Дили қонга тўлиб, кўзлари – ёшга,
Алп Тегин бир ҳикмат чегирди тошга:
“Бизнинг қайғумиз йўқ боладан бошқа...”
Болангга боғлидир ўйларинг, ўзбек.

Бир замон оловни илоҳ билган эл,
Қуёшга қарашни гуноҳ билган эл,
Ҳар бир босқинчини қўноқ билган эл,
Ёвга сўқмоқ бўлган кўйларинг, ўзбек.

Исмингни айириб кечди асрлар,
Хонликни бекликка бўлган не сирлар?
Кентларга сочилган ўрда, қасрлар...
Қумдан қорилганми лойларинг, ўзбек.

Дил кўзғалса, элни тўхтатиб бўлмас,
Сел кўзғалса, гилни тўхтатиб бўлмас.
Занжир узган қулни тўхтатиб бўлмас,
Тиғ бўлди ҳар битта мўйларинг, ўзбек.

Бўйнингдан кетган йўқ ҳали дор изи,
Қўй, қора кунларнинг ўчсин қораси!
Сен борсан – Темурнинг улуғ вориси,
Осмонингга қайтди ойларинг, ўзбек.

Катта қишлоқ экан Париж, Лондон, Рим,
Даламни соғиниб эзилди кўнглим.
Дунё гўзали – сен, қадоққўл синглим,
Гўзалдир ўнгиган кўйлагинг, ўзбек.

Ҳафталаб йўл қараб сарғаймас Кумуш,
Тоғни толқон қилди бобомерос мушт.
Тин олди довонга боқиб Алпомиш,
Тоғларни қўпорди ёйларинг, ўзбек.

Кўлингни кўзимга сурай, отажон,
Ёнингда ул бўлиб юрай, отажон,
Яхши кунларингни кўрай, отажон,
Совимасин қўлда чойларинг, ўзбек.

Онажон, ҳаволи боғлар муборак,
Ҳандалак банд берган чоғлар муборак.
Келин юзидаги доғлар муборак,
Буғдойларга тўлсин уйларинг, ўзбек.

Сунбула – тўкинлик, тўйлар мавсуми,
Бир қўзғалиб олар боғбоннинг хуми.
Асли бир сатрдир шеърим мазмуни:
Тўйларга улансин тўйларинг, ўзбек!

2004

АЙТГИЛ, ДЎСТИМ

Бошинг эгиб таъзим айла, шукрона айт
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Элдан кетиб эл бўлганни ким билади,
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан,
Қачонгача кўкдан чалпак кутадирсан?
Ахир Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Бунча бино қўйма заррин чопонларга,
Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга.
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен.
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен:
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

2004

ДАДАМ ҚАБРИ

Қора қишдан қутулмасдан туриб олам,
Дадам қабри устидан ўт кўклаб чиқди.
Нима қилиб юрибди, деб, бебош болам,
Балки, кўнгли тинчимасдан йўқлаб чиқди.

Одам борми бу манзилга келмайдиган,
Одам борми келишини билмайдиган?
Тирик одам борми сени тергайдиган –
Деган савол майсаларни чулғаб чиқди.

Эл қатори насихатдан безганим рост,
Умидимни ўзим тишлаб узганим рост.
Қайда бўлмай, бир нигоҳни сезганим рост,
Гуноҳ қилсам, ўткир нигоҳ тизлаб чиқди.

Баъзан қўлим, баъзан эса сабрим етмас,
Ҳаётимни оқлаш учун умрим етмас.
Онамни ҳаж қилдиргани қурбим етмас,
Ҳайит кунни юраккинам инграб чиқди.

Йиллар ўтиб ким улғайди, ким қариди,
Кимдан ору номус, кимдан дард ариди.
Акаларга тўқай, деб дил ғамларини –
Ўксиб борсам, эшигидан йиғлаб чиқди.

Билдим, нега эл олдиға ош қўйишар,
Қачон ёстиққа бемалол бош қўйишар.
Кўкламасин деб, устиға тош қўйишар...
Менинг дадам қабридан ўт кўклаб чиқди.

2004

БУНЧАЛАР...

Қуёшга интиққан каби ғунчалар
Юрак сокин-сокин қўнғироқ чалар.
Нима деб куйлайди қўнғироқчалар,
Бунчалар севдирдинг мени, бунчалар?

Оҳу қарашлими, жоду қарашли,
Либоси ярашли, нози ярашли,
Бунча яхши бўлдинг, бунчалар яхши!
Бунчалар севдирдинг мени, бунчалар?

Эртақлар ҳақиқат эканими бу,
Юракка кўкрак тор келганими бу?
Ё висол, ё ўлим деганими бу,
Бунчалар севдирдинг мени, бунчалар?

Сенинг кўзинг тушган ғунчалар яхши,
 Қанча кўп қарасанг шунчалар яхши.
 Бунча яхши бўлдинг, бунчалар яхши!
 Бунчалар севдирдинг мени, бунчалар?

Ой – кўкка таваккал чертилган танга,
 Холбуки, ҳар икки олам бир менга.
 Айт, нима ёмонлик қиловдим сенга?
 Бунчалар севдирдинг мени, бунчалар?

2004

ФАРИШТА

Мен ерга боғланган бир банди эдим,
 Сахар бориб, оқшом қайтардим ишдан.
 Сен келдинг...
 Сен, ахир, қайлардан келдинг?
 Кўклардан тушдингми, маъсум фариштам?

Бир хушбўй саболар таралди бирдан –
 Юракни сийпалаб, эркалагувчи.
 Одамлар одамдан зериккан ердан
 Инсонлар тарафга етаклагувчи.

Эсладим,
 оловлар гурлаб қўйнимда –
 Бир буюк вулқонлар портлаганини.
 Кейин сукунатда
 тунда
 бўйнимда
 Киприк капалакдай потраганини.

Шу мунис туришда
 бу кўҳна олам
 Севгига зорлигин эслатиб турдинг.
 Чақноқ кўзларингга кўзим тушган дам
 Юрагим борлигин эслатиб турдинг.

Мен сенга боғланган бир банди, асир,
Сен учсанг, узилиб тушар жон риштам.
Менга раҳминг келсин,
шафқат қил, ахир –
Дунёнинг ҳолига ачин, фариштам!

2004

ДИЛИМ ХУФТОН

Дилим хуфтон, кундузимни тундай қилиб,
Учрашувга келмади у, шундай қилиб.
Хўрликларим келиб кетар туриб-туриб,
Энди уни унутаин қандай қилиб?

Исмимни ҳеч айтолмасди, уяларди,
У жилмайса, кун чиққандай туюларди.
Исмин айтсам, оламга нур қуйиларди,
Энди уни унутаин қандай қилиб?

Кўзим юмиб очсам агар, соғинардим,
Чекиб дардлар, ёзиб хатлар соғинардим,
Бармоқларин ўпиб, баттар соғинардим,
Энди уни унутаин қандай қилиб?

Дилим хуфтон, кундузимни тундай қилиб,
Ваъдасида турмади у, шундай қилиб.
Балки, бир кун сўзларини унутарман,
Кўзларини унутаин қандай қилиб?

Худо, дейман, ғамга тўлсин юраклари,
Мени ўйлаб, адо бўлсин юраклари.
Бировларни севмай ўлсин юраклари...
Энди уни унутаин қандай қилиб?

2004

БОРМИ?

Ўн беш кунда ой туғади янгидан,
Ит термулиб увламаган ой борми?
Бир яйловда ўтлаб хачир, хангидан
Панд емаган тулпор борми, той борми?

Ютсанг басдир томоқдаги луқмани,
Тайёр турар миннат тиғин суққани.
Менга айт-чи, ай одамнинг туққани,
Беминнат бир салом борми, чой борми?

Маймун ернинг киндигига чўп солди,
Қалдирғочни чилвирилон ўпволди.
Сурбетликнинг ўзи давлат бўпқолди,
Тўнғиз тумшуқ ботирмаган сой борми?

Сиринг айтсанг сири кўчмайдиган ва
Фойда деса, ўқдек учмайдиган ва
Дўст деб ёлғон қасам ичмайдиган ва
Тупук билан ийланмаган лой борми?

Сизга буткул топшираман дунёни,
Ағдар-тўнтар қилинг еру самони.
Лекин ёмонламанг Иқбол Мирзони –
Ёмон кетиб, яхши келган жой борми?

2004

КИЧКИНА ОДАМ

Хўрдани кўтариб, бурдани урар,
Шимириб ютади, ўпириб ейди.
Тирикни тунайди, мурдани урар,
Қарасанг, “Биз кичик одаммиз”, дейди.

Катта сандиғида катта сармоя,
Нафси ўта соғлом, иймони майиб.
Гар саволга тутсанг, “Узр, ҳамсоя,
Биз – кичикина одам”, дейди жилмайиб.

Ўз кўмочи бўлса, тортиб қолар кул,
Дурбинда ҳам фақат ўзини кўрар.
“Бизлар фақир киши”, такрорлар нуқул,
“Кичик одаммиз”, деб панага урар.

Юзингни тескари қилсин, илойим,
Одам бўлдингми сен? Қайда одамсан?!
Кўшқўллаб урибди сени худойим,
Сен кичкина эмас,
майда одамсан!

2004

НИМА ҚИЛАЙ

Нима қилай, баргдан гул кўп чаманзорда
Ўхшашингни тополмасам нима қилай?
Гулбаргича дил бўлмаса сен дилдорда,
Юрагингни ўполмасам нима қилай?

Нима қилай, қоракўзим, нима қилай,
Икки олам ора ўзим, нима қилай?
Қошларингдан пора кўксим, нима қилай,
Кўзларингни тутолмасам нима қилай?

Дард берарда сахий, бахтга хасис менга!
Зардаларинг, аччиқларинг лазиз менга.
Сен турган жой пойтахт менга, азиз менга,
Фарғонамга кетолмасам нима қилай?

Не сайёдсан, не жаллодсан, не золимсан,
Тиғида нур ярқираган ҳилолимсан!
Умидимсан, орзуимсан, хаёлимсан...
Ўйлаб ўйга етолмасам нима қилай?

Бир бандиман, сенки хурсан, нима қилай,
Кўкда бўлсанг, ерда юрсам нима қилай?
Шу ҳолимга яхши кўрсам нима қилай,
Ўхшашингни тополмасам нима қилай?

2005

НОЗ ВА ФИРОҚ

Ўлай агар, аразнинг хўп гашти бор,
Агар араз беғараз, бегард бўлса.
Энди етар! Хизматига мен тайёр –
Яраштириб қўядиган мард бўлса.

Жон-жон дердим агар жоним олса ҳам,
Совиб кетмай ўртансайди, куйсайди.
Учрашганда ёлғон қовоқ солса ҳам,
Четга қараб ростдан кулиб қўйсайди.

Сал чўзилиб кетди фироқ бу сафар,
Ўйиндан ўқ чиқмаса деб қўрқаман.
Шайтон бор-да ўртада, шу баччағар
Тумшуғини тикмаса деб қўрқаман.

Алоқ-чалок тушга ўхшар ҳаётим,
Кўнглим боғда, ўзим эса тоғдаман.
Учолмасанг, ортиқча юк қанотинг,
Бир баҳона тополмасдан доғдаман.

Муддат керак экан нозу аразга,
Агар ишқда шу қийноқлар шарт бўлса.
Совға оберадим, айтиб у қизга
Яраштириб қўядиган мард бўлса.

2005

БУНАҚАСИ КЕТМАЙДИ

Аввал бағрин очди у,
Кейин захрин сочди у.
Берган атиргулимни
Юрагимга санчди у.
Бунақаси кетмайди –
Гул яраси битмайди.

Билак ташлаб бўйнимга,
Кулиб кирди қўйнимга

Кейин деди: “Барибир –
Бошқа биров үйимда...”
Бунақаси кетмайди –
Тил яраси битмайди.

Ширин кулган шумасми,
Боғлаб олган шумасми?
Соч силкитиб, жонимга –
Тузоқ солган шумасми?
Бунақаси кетмайди –
Қил яраси битмайди.

Ұпса нетар, дедилар,
Ювса кетар, дедилар.
Ҳар қандайин жароҳат –
Бир кун битар, дедилар.
Бунақаси кетмайди –
Дил яраси битмайди!

2005

ИСТАГИМ

Истагим шу – қолсам эди шамол бўлиб,
Бошгинангда айланардим савол бўлиб.
Бошдан оёқ гулбаргига ўрар эдим,
“Нега мени севмадинг?” деб сўрар эдим.

Дарду ғамим, изтиробим, кулфатларим –
Бош устимда чарх уради калхатларим.
Осмонларда қолиб кетган ойқиз ўзинг,
Бахтсизлигим сабабчиси ёлғиз ўзинг.

Тўйиб нафас ололмайман кўксим тўлиб,
Ҳеч бўлмаса қолсам эди ёмғир бўлиб.
Деразангга юзларимни урар эдим.
“Нега мени севмадинг?” деб сўрар эдим.

Тузалмайман, энди одам бўлолмайман,
Мактуб ёзиб саболардан йўллолмайман.
Жондан яхши кўраман-у, кўролмайман,
“Нега мени севмадинг?” деб сўролмайман.

2005

САЛОМ СИЗГА

Хаёлимдек абад озод
саболардан салом сизга,
Куйчи кўнглим каби маҳзун
наволардан салом сизга.

Мен сўз айтсам топиб айбин,
мудом аксин ўйлагайсиз.
Тош юракка тегиб қайтган
садолардан салом сизга.

Жингил ичинда ўгрилиб –
ўгрилиб сайрайди булбул,
Ноласи беадоғ, умри
адолардан салом сизга.

Наҳотки бемурувватлик
кишини бой этур охир,
Табассум деб қўл узатган
гадолардан салом сизга.

Жабр устига жафолар
қўйиб ҳаволанди дилбар.
Жафолардан салом сизга,
ҳаволардан салом сизга.

Неча дил бердиму Иқбол
неча бор тавбалар этдим.
Ҳақиқатдан завқи устун
хатолардан салом сизга.

2005

ГУЛМИСИЗ?

Гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз,
Хурмисиз, пайкармисиз, жононмисиз?
Ҳажрингизда ўлмаган жоним менинг,
Мен-ку лол, сиз ҳам менга ҳайронмисиз?

Қош бўлиб қўнмиш икки куйган ҳилол,
Қошига юлдузчалар уйган ҳилол,
Ёлворурман, кўзни оч, уйғон, ҳилол,
Оймисиз, офтобмисиз, осмонмисиз?

Гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз,
Қушмисиз, гулмоҳмисиз, жайронмисиз?
Дурмисиз, инжумисиз, олмосми ё,
Бормисиз ростдан ёки ёлғонмисиз?

Хўп ғалат ҳолат эмиш ошиқ иши,
Ким дегай роҳат эмиш ошиқ туши.
Беҳол, бетоқат эмиш ошиқ киши,
Бир нафас кўз қирини солғонмисиз?

Гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз?
Тоғмисиз, дарёмисиз, сайҳонмисиз?
Вожаб, мендан сўрайдир дўстларим
Қулмисиз, ошиқмисиз, қурбонмисиз?

2005

АГАР ЖАННАТ КЎҚДА БЎЛСА

Олисдаги маҳмадана, эй эски олчоқ,
Менга қадам ташламоқни ўргатмагин сен!
Ўзингга боқ, кейин, майли, ноғорангни қоқ,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!

Тинчликни деб юрак бағри куйик элдир бу,
Яратганнинг қошида энг суюк элдир бу!
Ўтмиши ҳам, келажаги буюк элдир бу,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!

Дала –даштлар ўз-ўзидан Эрам бўлмагай,
Лекин сендан беминнат бир қарам бўлмагай.
Ўзбек эли ҳеч кимсага қарам бўлмагай,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!

Китобингда даҳоларим сўзлари бордир,
Деворингда боболарим излари бордир.
Мағрур халқнинг эту тирноқ дўстлари бордир,
Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен!

Агар жаннат кўкда бўлса, остидадир Ўзбекистон,
Агар жаннат ерда бўлса, устидадир Ўзбекистон!

2005

КУЗДА

Кузда учиб кетар бахт қушлари ҳам,
Омад ҳам бетайин қушга айланди.
Кеча туйғуларни кўклатган кўклам
Бугун жон сўраган қишга айланди.

Шароб ичмай туриб юрардим сархуш,
Бошимдан юлдузни эларди гардиш.
Кунларим кечарди кўрган каби туш,
Энди ўша кунлар тушга айланди.

Мен ҳам ишонмасдим аввал айтсалар,
Товоним силаган майин майсалар
Ётсам, юрагимга урар найзалар...
Қош каби майсалар нишга айланди.

Сен нени биласан, осмондаги қиз,
Баҳордай билдирмай қарийди бу ҳис.
Эсиз, ёшлигимиз, севгиларимиз...
Бугун севги оддий ишга айланди.

2005

ҒИЙБАТЧИЛАР, ХОРМАНГЛАР!

Салом беринг ва лекин
Яқинига борманглар.
Ассалому алайкум,
Ғийбатчилар, ҳорманглар!

Сиз борсиз – қизиқ ҳаёт,
Сиз борсиз – динг қулоқлар.
Сиз борсиз – биз эҳтиёт,
Камроқ бўлар гуноҳлар.

Эркаксифат хотинлар,
Хотинчалиш эркаклар.
Хабари йўқ ўзидан,
Кўринганни эрмаклар.

Тўқийверинг гап-тўрлар,
Ўзингиздан ортманглар.
Ассалому алайкум,
Ғийбатчилар, хорманглар!

Писмиқлар, мулойимлар,
Эй сиз ирkit жўжалар,
Эй бекорчиойимлар,
Эй бекорчихўжалар!

Мен ўзимга муаммо,
Ўзим ўзимга ташвиш.
Таъқиб қилар доимо,
Кун бермас турли миш-миш.

Уриб бошим ёрманглар,
Тегиб лойга қорманглар.
“Савобталаб” нусхалар –
Ғийбатчилар, ҳорманглар!

Бировнинг чўнтагида
Пул санаган ўшалар,
Сарбонлардан ақлли
Йўл танлаган ўшалар.

Кимда қанча диёнат,
Ўшалардан сўранглар.
Қачон келар қиёмат,
Ўшалардан сўранглар.

Менга қолса барини
Бирма-бир босар эдим.
Каттароқ бир асбобга
Тилидан осар эдим.

Замон кўтармас лекин,
Маили, яқин борманглар.
Ассалому алайкум,
Ғийбатчилар, хорманглар!

2005

ҒИРРОМ ДУНЁ

Эл оғзида ажиб ишқим қиссаси бор,
Бу қиссада ағёрларим ҳиссаси бор.
Дам урмаса шамол олов гурлармиди,
Менинг дардим билан кимнинг ғуссаси бор?

Отасизлик қандай бўлар экан дердим,
Одам бунга қандай кўнар экан дердим.
Дод деган сўз қайдан келар экан дердим,
Қўлларимда кулфатнинг тол ҳассаси бор.

Ғирром дунё алдовига учган манам,
Бу дунё деб у дунёдан кечган манам.
Шайтонларнинг қўлидан май ичган манам,
Шоирлар бош чаноғидан косаси бор.

Севги ёмғир эмас, кўқдан сочилмайди,
Ишқсизларга самодан гап очилмайди.
Энди сендан ўзгага лаб очилмайди,
Лабларимда лабларингнинг мазаси бор.

2005

ЁМОН ОДАМЛАР ЙЎҚ

Ёмон одамлар йўқ дунёда буткул,
Ёмон хаёллар бор, ёмон ўйлар бор.
Касалга чалинса агар атиргул,
Хазон нафаси бор, хазон бўйлар бор.

Баъзан кўз етолмай қолар юлдузга,
Мавҳум кўланка бор, оғир булут бор.
Ёмон одамлар йўқ дедим-ку сизга,
Ёмон шароит бор, ёмон муҳит бор.

Каззобни онаси суяр эркалаб,
Боласи суйкалар, ўпади дилдор.
Аслида, ҳаммамиз яхшилик тараф,
Ёмон одамлар йўқ, манфаатлар бор.

2005

ҲАЁТ

Ўлимим яқин, деб солаверма дод,
Қазо ҳукмига бош эгмоқ керакдир.
Кетмоғи шарт бунга келган одамзод,
Ҳаёт секинлашган ўлим демакдир.

2005

ЖИНОЯТЧИ

Лабларин четида ҳароми кулгу,
Қалбида кўпирар ёввойи туйғу.
Қундалик юмуши – одам савдоси,
Қанча дўстларини сотиб бўлган у.

2005

ШОИР

Лўттивоз жўралар, сатанг хонимлар,
Ташаккур! Ҳаётнинг фаҳмига етдим!
Даламни соғиниб юрагим йиғлар,
Мен сиздан зерикдим. Қишлоққа кетдим!

Шоирлик урф эмас ҳозир, биламан,
Не қилай, кўнгилни қўймайди ҳавас.
Бугун савдогарнинг даври гуллаган:
Песи бўлса ҳамки “Мерс”и бўлса бас!

Ивиган ипакдек чувалар мезон,
Димоғ ўрилган ўт ҳидини туяр.
Довон ўнгирида жайдари дехқон
Олдимга тўрлаган қовунни кўяр.

Гувала ўчоқда ҳабашдай қумғон
Томоғини йириб қилар ғарғара.
Хижолат аралаш камсуқум мезбон
Белбоғин тўшайди: нони қоп-қора.

Адабий гапларни тушунмайди у,
Фақатгина, “раҳмат, ота”, деёлдим.
Дилимда уйғонди туғишган туйғу:
Олифта шеърларим учун уялдим.

Қишлоқда қўшқўллаб кўришар бари,
Бегона ҳурмат бор нигоҳларида.
Торайган бўтанасув ариқлари,
Ажриқлар ҳурпайган қирғоқларида.

Узоққа кетгандим ўзимни излаб,
Беҳуда иш экан, англадим, билдим.
Бир пайт назаримга кирмаган қизлар,
Иқболим ахтариб сизларга келдим.

Сиз менга ишонинг, сиз мени севинг,
Ўйлагани қўрққан ўй – сирингизман.

Эрка боласиман шу оғир элнинг,
Мен сизларнинг ошиқ шоирингизман!

Битта кўшиғини куйлар бедана,
Қовокдан жонсарақ излайди кўноқ.
Мен сизни куйлайман яна ва яна,
Майлига, десинлар: маддоҳ ва нўноқ.

Кўсакқуртдек семиз, танбал, ялтироқ
Шундай тоифа бор – бўлганман улфат.
Еганда ўз ғамин ейдилар кўпроқ,
Мен ичу этим еб, чекканман кулфат.

Майли, омон бўлсин ёмон бўлса ҳам,
Шулар бор, зерикиб қолмайсан сира.
Фақат башарасин эслаганинг дам
Кўнгил ғаш тортади, дил бўлар хира.

Сиз заҳмат фарзанди, меҳнат асири,
Укангиз, акангиз, дўстингизман мен.
Каттамнинг кетмонда битган асари,
Сизнинг айтолмаган сўзингизман мен.

Бугун қошингизда дардим дастурхон,
Юрагим қовундек сўяман ҳозир.
Минг хижолат чекиб, ғўра ва нордон
Шеъримни нон каби қўяман ҳозир.

Ижозат, бўз тупроқ кечайин мен ҳам,
Бўйинбоғим отиб келганман атай.
Сопол косада чой ичайин мен ҳам,
Китобимни ёқиб қумғон қайнатай.

Ўзинг баҳо бергил, яратгувчи эл!
Сенинг фармонинг ҳақ, сенинг амринг ҳақ.
Овозсиз, қоғозсиз дардлашайлик, кел,
Мен сенинг шоиринг, жабрдийда халқ!

ЎЗБЕК ЎҒЛИ

Икки дарё ўртаси кенг дастурхон,
Туз тотгансан, тузлигингни унутма.
Дастурхонни белбоғ қилиб ўстирган
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!

Садарайҳон букилгани – сўлгани,
Эр йигитнинг эгилгани – ўлгани.
Йўл бермагил душманларга кулгани,
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!

Ўзбек десам жаранлаган тор келур,
Ундан олдин номус ила ор келур.
Бургут келур, лочин келур, сор келур,
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!

Унутмагил насабингни, зотингни,
Умид билан отанг қўйган отингни.
Асра эрта кунингни – зурёдингни,
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!

Бўшамасин зинҳор ёғоч бешигинг,
Қулф кўрмасин дарвозаю эшигинг.
Йиғилмасин супадаги тўшагинг,
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!

Қўпга келган кулфатларга чап берма,
Маҳмадана майналарга гап берма.
Қўнгил обод бўлсин, сиртга зеб берма,
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!

Ночор қолсанг нокас қўлини тутма,
Арслонсан-ку, тулки йўлини тутма.
Ўзингдан ўзгадан марҳамат кутма,
Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!

ҚАНИ

Кўнглимдай бўш кўчалар,
Фарғона, Машраб қани?
Пул сочган бойваччалар,
Девона Машраб қани?

Кунлар ўтар бемаъни,
Ҳеч ким тушунмас мани.
Ишониб сир айтгани,
Девона Машраб қани?

Этагин тутай, десам,
Кўзимга суртай, десам,
Қўлларин ўпай, десам,
Девона Машраб қани?

Битмадим шохбайт ҳали,
Лекин йўл йўқ қайтгали.
Шеърларимни айтгали
Девона Машраб қани?

Тўнимни ечай, десам,
Дунёдан кечай, десам,
Бирга май ичай, десам,
Девона Машраб қани?

Бахтимга тенг кулфат йўқ,
Дўст йўқ, ёр йўқ, улфат йўқ.
Юрагимда қувват йўқ,
Девона Машраб қани?

2006

У ДУНЁ

У дунё ҳам чакки бўлмаса керак,
Ҳеч ким таърифини айтиб келмади:
Қанча инжик хотин, қанча кўрс эркак
Тўғри келмади, деб қайтиб келмади.

2006

САВОЛ

Олмос она Озод Шарафиддиновдан хабар олгани борганда, домла: “Йўқ оёғим зирқираб оғрийди”, деб арзи ҳол қилган экан.

Жонин ҳузурини ўйлайди кўплар,
Ўзларин жиловлаб, тўхта, дейдилар.
Эҳтиёж туғилса тўғри сўзга гар,
Афсус, Озод домла йўқ-да, дейдилар.

Курмак босган ўзбек адабиётин,
Ким бунга қўяди нуқта, дейдилар.
Ҳаёт бўлганда-ку берарди додин,
Афсус, Озод домла йўқ-да, дейдилар.

Чумчуқни булбул деб ёзган сизмасми,
Ҳайф сизнинг амалу унвонларингиз!
Йўқ иймон оғриғи дилни эзмасми?
Оғриқ бермасми йўқ виждонларингиз?

2006

ОЙ ВА ҚУЁШ КАБИ...

Ой ва қуёш каби изчил изма-из
Ҳижрон – зулмат қувиб собитқадаммиз.
Бирлашмоқ қисматда йўқ экан, гарчи
Икки вужуддаги битта одаммиз.

Қўл ушлашиб тушар кўқдан лайлакқор,
Чечакларин жуфтлаб сочади баҳор.
Мен бунда зорман, сен унда интизор,
Икки вужуддаги битта одаммиз.

Бизни гўдак билиб ўйнади тақдир,
Устимиздан кулиб ўйнади тақдир.
Қўлларинг ушлашга қўймади тақдир,
Икки вужуддаги битта одаммиз.

Сенсиз маъносизман, сенсиз кимман, ким,
Ярим ой булутга беркинади жим.
Юрагим нимтадир, эй гўзал ярмим,
Икки вужуддаги битта одаммиз.

Синов бу, деймиз-да, бу кўхна савдо,
Дунёни унутсин, дедими Худо.
Қиёматни кутсин, дедими Худо,
Икки вужуддаги битта одаммиз.

2006

ЮРТ ҚЎШИҒИ

Бобомнинг байти бор япроқларингда,
Момомнинг тафти бор чорбоғларингда.
Онамни эслатар райҳонинг, юртим,
Дадамнинг ҳиди бор тупроқларингда.

Сўлим Хонободдан Кийиксойгача,
Қутлуғ остонадан суюк ойгача.
Чироқлар юлдуздек порлар ҳар кеча,
Мудом ўт гурласин ўчоқларингда!

Тоғларинг бағрида лиммо-лим тилсим,
Минг йилким, мўйсафид Шоҳимардон жим.
Сангардак қўшиғин шарҳлай олар ким?!
Тилло қумлар ўйнар булоқларингда!

Мавлоно Лутфийлар улфатдир менга,
Шеър лутфи энг тотли суҳбатдир менга.
Улуғлар исми ҳам қувватдир менга,
Туғёним – ўйноқи тойчоқларингда.

Бир куйчи ўғлингман, баётим ўзинг,
Тилимнинг остида новотим ўзинг.
Бағрим, жоним ўзинг, ҳаётим ўзинг,
Дил торим қалампирмунчоқларингда.

Кизғалдоқзорингда кўмилиб ётдим,
Биллур шабнамларда чўмилиб ётдим.
Дунёни унутдим, ўзни йўқотдим,
Мен ҳам ватан бўлдим кучоқларингда!

2006

СИНГЛИМГА

“Кўнгил” деган сўзга қофия “сингил”,
Синглим!
Сени десам исийди кўнглим.
Юрак хинагулдек ўйнайди енгил,
Мунисгинам, синглим,
анисим, синглим!

Эсимда
қировлар боғлаган дала,
Туманда адашган икки мурғак жон.
Пахта жондан азиз бўлган маҳаллар,
Дзапўчоқдек хор бўлганди инсон.

Жовдираб-жовдираб турардинг қақшаб,
Кўлчаларинг куҳлаб иситардим мен.
Тушида гапирган тентакка ўхшаб
Алмойи, пойма-пой шеър айтардим мен.

Шеър юпанч эдими, таскин эдими,
Шеър афсун эдими, афсусмиди ё?
Саккиз яшар дилга илҳом бердими,
Ачиндими худо, кулдими худо?

“Кўнгил” деган сўзга қофия “сингил”,
Синглим!
Сени десам исийди кўнглим.
Хирмонин кўтарди бугун ўттиз йил,
Яна Фарғонага бошлади йўлим.

Шўх эдим, уришқок, безори эдим,
Хайдалган пайкаллар тайёр жангмайдон.
Қаҳрамонлигимни сен кўрсанг дердим,
Мақтангим келарди сенга, сингилжон.

Токи сен ғурурлан акангга қараб,
Хотиржам бўл, сенинг ҳимоячинг бор.
Дунё бир тарафу ўзим бир тараф,
Яна нима керак?
Сенга не даркор?!

Мунисгинам синглим,
анисим синглим,
Туйғу сўзга кўчса – сийқа, бачкана.
Ўйласам бузилиб кетади кўнглим,
Уни шеърга солиб турибман, мана...

Сенга ҳасратимни қандай айтайин,
Сочга қиров тушди кузак келмасдан.
Ёмонга яхшилик қилдим атайин,
Яхшига ёмонлик қилдим билмасдан.

Хамма юракка тиғ урар, албатта,
Нишон сифатида керакман асли.
Не қилай, юрагим ўзимдан катта,
Одам шаклидаги юракман асли...

Қисмат кимни сийлар,
кимни камситар,
Ким обрў – мартаба истаб овора.
Бечора эмасдир мажруҳ кимсалар,
Аслида синглиси йўқлар бечора!

Мени шоир қилди ўша далалар,
Мени пахтазорга кўминглар, ўлсам...
Кечир мени, синглим,
ғафлатда агар
Ёмон кун ёнингда бўлмаган бўлсам.

Сен борсан, ёнимга келолмас ўлим,
Мен борман, кулфатлар тентирайди хор.
Кўнглимга энг гўзал қофия синглим,
Хотиржам бўл, сенинг Иқбол аканг бор!

ТОНГ

Сутчи хотинлардек шошиб келар тонг,
Тандирга ўт ёқиб жўнайди кеча.
Дастёр бола қўли куйиб тахлар нон,
Сахар чоғи кенгроқ туюлар кўча.

Ҳали биров тегиб-тегинмаган тонг,
Ҳали олинмаган кундуз қаймоғи.
Ҳали ғубор боғлаб лойланмаган онг,
Ҳали уйғонмаган виждон қийноғи.

2006

МАРДИКОРЛАР

Ҳаёт қалбга қарши, виждонга қарши,
Ҳаёт – жигарни хом чайнаган қаттол.
Мунофиққа яхши, қаллобга яхши,
Кўйлагига сиғмас аблаҳ ва баттол.

Менинг мўмин отам, дарди бедаво,
Овора ҳашағу пояси билан.
Худодан қўрқади, иши йўқ аммо
Худонинг ердаги сояси билан.

Кунини ишониб қўйган Эгамга,
Эртагаям Ўзи пошшо, билади.
Баъзида юраги тўлиб аламга
Мардикор ўғлини дуо қилади.

Мардикорлар!
Менинг акам, дўстларим!
Сўник кўзларида яланғоч нафрат.
Биламан, ёқмайди сизга сўзларим,
Лекин нима қилай?
Ичим тўла дард.

Мардикорлар!
Хўрлик, хорлик – насиба,

Ҳақорат домида тутқун беҳуқуқ,
Тизгин доим сурбет, пастнинг дастида,
Адолат ғар бўлса, ҳақиқат – дудук.

Боён ўз халқиға бермас бир тукин,
Мараз қўлга кирган нарсани юлган.
Тарих гувоҳ:
давлат ва миллат юкин
Йўқсил мардикорлар кўтариб келган.

Оқпошшони сўкиб, қарағай кесган,
Қарғалар учса ҳам энтиккан увол,
Кир қорда ҳандалак бўйларин сезган
Киприги яхлаган мардикор – тимсол!

Йигирма биринчи мудҳиш асрда
Онасин, боласин, хотинин қўмсаб,
Яратган қарғаган ит топмас ерда
Сургунда яшаркан маҳбуста ўхшаб,

Қайғурманг!
Ҳаммамиз ягона инсон,
Ҳаммамиз ҳам ҳаёт эзган мардикор.
Кимсасиз гадодек ютманг қора қон,
Қон қусган шоирнинг умидлари бор!

Сиздан ўзгасининг топгани макрух,
Егани ҳаромдир, ичгани ҳаром.
Бошни мағрур тутинг,
баланд бўлсин рух,
Сизға ярашади Инсон деган ном!

Ҳаёт қалбға қарши, иймонға қарши,
Ҳаёт – жигарни хом чайнаган қаттол.
Муханнасга яхши, жаллобға яхши,
Кўйлагига сиғмас аблаҳ ва баттол.

Сизнимас, ўзимни юпатмоқчиман,
 Мен ҳам душманман манфур ҳаётнинг.
 Назм биносида бир сувоқчиман,
 Мен ҳам мардикори адабиётнинг!

Чорраҳада кутиб харидорини,
 Атрофга хижолат назарин ташлаб,
 Миршаблардан чўчиб, ютиб зорини
 Ёнимда ўтирар Навоий, Машраб...

2006

МЕХР ҲАҚИДА

Зилзиладан тўрт кун ўтганда,
 Бом¹дан –
 Бир хабар юракни титратди яна.
 Қизчасин паналаб қулаган томдан,
 Омон асраб қопти жонфидо она.

Қанча фурсатимни ёқиб исиндим,
 Оловга тобладим мудроқ танимни.
 Бирдан шу лаҳзада рўй-рост ҳис қилдим
 Онамни қанчалар соғинганимни.

Меҳр – қуёш демак. Ҳар тонг дарчадан
 Қатим шуъла тушсин, толим зар тушсин.
 Тенг тушсин меҳрнинг нури барчага,
 Огаҳий айтгандек, баробар тушсин!

...Турсун Али полвон бир гап айтганди:
 Эркалаб – суйганни билармиш илон.
 Одамзоднинг меҳри товланган пайти
 Одамдай мўлтираб йиғлармиш илон.

Кўзёш томсагина қутураркан сув,
 Ер ҳам силкинаркан қўпса низолар.
 Дунёни қутқарар фақат бир туйғу –
 Меҳрихон аялар,
 Меҳринисолар...

2006

¹ Эрондаги шаҳар.

СУВРАТ

“Эслаганда кўринг... Кўргач эсламанг...”

Имзо. Сана. Расм – қоғоз... Севгилим.

Хаётдан ранг кетди ва тинди оҳанг,
Биздан суврат қолди холос, севгилим.

Хушбахт кунларимдан хотира – ёдгор,

Ўзимдан қизганиб қарайман такрор.

Бахтнинг соясидан бўлак нима бор,
Биздан суврат қолди холос, севгилим.

На шахду на шиддат, на журъат қолди,

На аҳду на рағбат, на суръат қолди.

Тушда кўрган каби шул суврат қолди,
Биздан суврат қолди холос, севгилим.

Ҳеч қачон ҳеч кимга етмас-ку додим,

Етса, инобатга ўтмас-ку додим.

Армон шу – сувратда қотса ҳаётим,
Биздан суврат қолди холос, севгилим.

Сувратдек сарғайиб ўчар изимиз,

Мазмунин йўқотиб борар исмимиз.

Жисмимиз юрибди, фақат жисмимиз...

Биздан суврат қолди холос, севгилим.

2006

ҲИЖРОН

Бошим букиб қўйиб ўлим-азасиз,

Тўйга борган ўйинчидек шод ҳижрон.

Ёрсиз мазмунсизман, ёрсиз мазасиз...

Балки, унга бегона ва ёт ҳижрон.

Ер юзида юлдуздан кўп бандалар,

Ҳаммасининг лабларида ҳандалар.

Нега ҳадеб битта одам танланар,

Нега фақат мени айлар ёд ҳижрон?

Мени хазон қилгудайин шаштинг бор,
Имконимдан минг бор узун дастинг бор.
Нима қилдим, менда нима қасдинг бор,
Сен ҳам гўё бир одамий зот, ҳижрон!

Ҳийла қилиб чиқиб бўлмас йўлингдан,
Уриб қочиб кетолмайман қўлингдан.
Тутқунингман, маҳкумингман, қулингман,
Осгил мени, отгил мени, сот, ҳижрон!

Толейимга ёзилгани қарғишдай,
Бошқаларга висол оддий бир ишдай.
Мен замондан ортда қолган дарвишдай...
Дод дастингдан, дод дастингдан, дод, ҳижрон!

2006

АЙЛАНАЙИН

Атрофингда айланади тўрт фасл,
Гул айланар, ўргилади қор сендан.
Ой айланар, ер айланар муттасил,
Энди ўзим айланайин, ёр, сендан.

Томирида гулоб оққан гулойим,
Гулдек яшнаб тур бахтимга, илойим.
Мени яхши кўраркан-да худойим,
Энди ўзим айланайин, ёр, сендан.

Ўн олтида оққуш бўлдинг, шайландинг,
Йигирмада тақдиримга бойландинг.
Ўттизингда алангага айландинг,
Энди ўзим айланайин, ёр, сендан.

Қул подшога борса шоҳнинг иззати,
Подшо қулга келсаям шоҳ ҳиммати.
Неки қилсанг ўзгармайди қиймати,
Энди ўзим айланайин, ёр, сендан.

Ҳамма ошиқ бугун менда жам бўлди,
Кўзларингни ўпсам кўзинг нам бўлди.
Қанча ўпсам яна шунча кам бўлди,
Энди ўзим айланайин, ёр, сендан.

Агрофингда айланади тўрт фасл,
Гул айланар, ўргилади қор сендан.
Ой айланар, ер айланар муттасил,
Энди ўзим айланайин, ёр, сендан.

2006

АСРАГИЛ

Капалак ўзин урмас ҳароратсиз шуълага,
Чигиртка ҳам жўр бўлмас бегона ашулага.
Нурдек қадим қонинг бор,
Довруғинг бор, шонинг бор,
Бўй берма чалажаноб ёки чаламуллага.
Қалб кўрғонин чечаги – пок ниятни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Боласин ўйламаган кумурсқа ё қуш қайда,
Бешикнинг дук-дукидек юракка товуш қайда?
Ўзбекка ор маънодош,
Ибо-ҳаё – кўзу қош,
Гурусиз Бек қайдаю ибосиз Кумуш қайда?
Юрагинг тумор бўлсин, қутлуғ хатни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Отасини унутган, иблис этагин тутган,
Кутса хат-хабар эмас, нафсига малҳам кутган,
Бетизгин, салт, бежилов,
Ўзига ҳам ўзи ёв,
Мушук ўйнаган ғалтак каби чувалиб кетган –
Кетган кас-нокаслардан қадриятни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Манзил-мароҳил тайин бўлмаса жилмас корвон,
Ҳеч курса сардобага етгунча тинмас корвон.
Ўйсиз йўловчи бўлмас,
Мақсадсиз овчи бўлмас,
Олис йўлни кўзласа, йўрғага минмас корвон,
Ўркак-ўркак ғурур-ор, ҳамиятни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Бугунги кеча учун ҳам эртаги тонг учун,
Осмон кумушжомида қуёш урган бонг учун,
Янги юриш бошланди,
Сўнгги уруш бошланди –
Эътиқод-иймон учун, қалб, тафаккур, онг учун!
Қоракўз болаизор – жамиятни асрагил,
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

2006

ЯНГИ ЙИЛ

Қор заррасин тутиб қололмас нигоҳ,
Гоҳ зарра нигоҳдан бағрим тилинди.
Қор ёғсин – ёпилсин изларинг, гуноҳ.
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Қорми – кул остида милтирайди чўғ,
Кетганлар жон узиб кетмаганлар, йўқ!
Сенга етганлар бор, етмаганлар йўқ,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Дехқоннинг уйини тўлдир буғдойга,
Сабр бер мискинга, инсоф бер бойга.
Тинчлик, кўнгли тўқлик шоҳу гадойга,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Қирқ йилда бир йигит келар оламга,
Йигит юрагимни қўмма аламга.
Яна қирқ йил хизмат қилай онамга,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Арчажон, юмшатгил игналарингни,
Кел, ташла, аразу гиналарингни.
Кўкка чиқай босиб зиналарингни,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

Кўк тоқига ҳилолчиरोқ илинди,
Ёруғ ғуссаларга ошно дил энди.
Киприklar ҳам оппоқ атиргул энди,
Янги йил, яхши йил бўлиб кел энди.

2006

ЭСКИ ДАРД

Мулойим, беозор, гулгун капалак,
Қорақош капалак, дуркун капалак...
Қуртга айланаркан бир кун капалак,
Сенга нима керак, айт, нима керак?

Шоиргарчиликни тушунгинг келмас,
Қадимда, эҳтимол, севгандирман, бас!
Асиринг бўлганман, маҳбусинг эмас,
Сенга нима керак, айт, нима керак?

Рухимни қозонга солдинг – қовурдинг,
Умидимнинг латиф гулин совурдинг.
Қанча шоҳбайтларим кулин совурдинг,
Сенга нима керак, айт, нима керак?

Жон қуши ҳилпираб этмоқда парвоз,
Оқ юлдуз парпираб сўйламоқда роз.
Кўнглимга бурнингни суқма, илтимос,
Сенга нима керак, айт, нима керак?

Ненинг бадалига ўлпон сўрайсан,
Кимсанки, бетиним қурбон сўрайсан?
Сув ичида туриб уммон сўрайсан,
Сенга нима керак, айт, нима керак?

Кеча соғлом эди, соғ эди юрак,
Бугун тўнка бўлди кечаги терак.
Қуртга айланаркан бир кун капалак,
Сенга нима керак, айт, нима керак?

2006

ЎЙИН

Ёзиб яшил топпон – япроқларини
Дарахтлар кўксимга бердилар ҳаво.
Баҳор ёқди яшил чироқларини,
Муҳаббат, Сизга йўл очиқ, марҳабо!

Умримни тикканман ғирром ўйинга,
Биламан бор-будим ютқазимни.
Яна қанчасини олиб бўйинга,
Яна жонимни ҳам тутқазимни.

Сиз ўта ақли, сиз эҳтиёткор,
Томоша қиласиз, ғийбат қиласиз.
Қанча эҳтирос бор, қанчалар шавқ бор,
Сиз телба туғённи қайдан биласиз!

Учиб келгунича қора қарғалар
Ва сариқ чироқлар ёқилгунча то,
Узр, ҳаёт тамом меники бўлар,
Меники бўлади батамом дунё!

2006

АЗИЗ

Кимга саҳро азиз, кимга боғ азиз,
Кимга дарё азиз, кимга тоғ азиз.
Кимдир ҳайвонларни азиз тутмишдир,
Кимга муҳтож бўлсанг, шу кўпроқ азиз.

Азизам, дардларинг азиздир менга,
Гинали хатларинг азиздир менга.
Андух, ҳасратларинг азиздир менга,
Мактуб қатидаги гул-япроқ азиз.

Худо, азиз қилгин ёлғиз боламни,
Дуоси тинмайди мунис онамнинг.
Қатим нур ёритиб турар оламни –
Онам сочидаги толим оқ азиз.

Юракда пок тутиб мудом ниятни,
Инсонликка чорлаб одамиятни,
Устозлар қучдилар абадиятни...
Муҳаммадлар ўтган йўл, сўқмоқ азиз.

Шу ойнинг нурида шеър битган бобом,
Шу куннинг қўрида эр етган бобом,
Кўкларга термулиб, ер кетган бобом,
Менга шу кўк азиз, шу тупроқ азиз.

2006

ОНАМ

Ой каби қошимда парвонам, онам,
Офтобдек меҳрда ягонам, онам.
Бошимга тилла тож, кўнглимга таскин,
Туну кун тилимда шукронам, онам.

Олтин-кумуш асли тош бўлар экан,
Онасиизнинг кўзи ёш бўлар экан.
Онаси бор доим ёш бўлар экан,
Меҳр уммонида дурдонам, онам.

Қайга борсам йўлдош, ҳамроҳ тафтингиз,
Сиздан бахт топдим, сиз нима топдингиз?
Мудом манглайимда илиқ кафтингиз,
Толеймдан ёруғ пешонам, онам.

Ёнимда ўғлим деб турсангиз, она,
Яшайман ғамлардан ғолиб, мардона.
Келсангиз юксалар ғариб остона,
Кетсангиз мунғаяр кошонам, онам

Кўрдим дунё етти мўжизасини,
Топмадим қалампирмунчоқ исини.
Кўзларимга сурай босган изини,
Жаннат боғларидан нишонам, онам!

2007

ЎЗБЕК БИЛАН ТУРКМАННИНГ

Бир дарёдан ҳовучлаб сув ичган эл,
Дарёси бир ўзбек билан туркманнинг.
Ою қуёш нурлари тенг тушган эл,
Зиёси бир ўзбек билан туркманнинг.

Бир-бирига суянч бўлиб қадимдан,
Ўксиганда юпанч бўлиб қадимдан,
Битта нонни икки бўлиб қадимдан,
Дуоси бир ўзбек билан туркманнинг.

Махтумқули куйларининг сири бор,
Икки қўлни тутган битта пири бор:
Ҳар бир уйда Миралининг шеъри бор,
Навоси бир ўзбек билан туркманнинг.

Гижинглайди туркманнинг тулпори,
Ер депсинар ўзбегим Бойчибори.
Ҳайт, деганда тарқаб кетар ғубори,
Сафоси бир ўзбек билан туркманнинг.

“Туркман”, десам “ман” деб айтар тоғлар, ҳай!
Болга тўлган биз ишонган боғлар, ҳай!
Бундай чоғлар дилни мудом чоғлар, ҳай!
Дунёси бир ўзбек билан туркманнинг.

2007

ОДАМЛАР

Ичида ит хурган одамлар,
Айбим излаб юрган одамлар.
Сизга ёрдам бергим келади,
Мени ёмон кўрган одамлар.

Кимга ному нишоним ёқмас,
Ё Бағдодим, Кўқоним ёқмас,
Эрта олган унвоним ёқмас,
Мени ёмон кўрган одамлар.

Даврангизга кира олмайман,
Кирсам кўнглим ёра олмайман.
Сизга талант бера олмайман,
Мени ёмон кўрган одамлар.

Осай дейсиз, сиртмоғингиз йўқ,
Урай дейсиз, тўқмоғингиз йўқ.
Ўладиган аҳмоғингиз йўқ,
Мени ёмон кўрган одамлар.

Сизга ука, ака, жўраман,
Дуоингиз қилиб юраман.
Мен сизларни яхши кўраман,
Мени ёмон кўрган одамлар.

Мушук ётар – шер хаёлида,
Кийик тутиб ер хаёлида.
Мен юровдим шеър хаёлида,
Мени ёмон кўрган одамлар.

Болангиз юрт учун яшасин,
Душманга ҳам жонин тўшасин,
Фарзандингиз менга ўхшасин,
Мени ёмон кўрган одамлар.

ВАТАН КҰНГИЛДАДИР

Қайда жон топсанг, абад жонинг анда,
Тўрғай даштда куйлар, булбул – чаманда.
Мен сенингман, сен менинг руху танда,
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Гўдақларнинг сабий кулгусида сен,
Ўсмирларнинг ширин уйкусида сен.
Йигитларнинг уйғоқ туйғусида сен,
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Дарёлар мавжида кўрганман сени,
Ўланлар авжида кўрганман сени.
Юраклар ганжида кўрганман сени,
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Сулув келинларнинг бешигида сен,
Исириқ осилган эшигида сен.
Турналарнинг олис кўшиғида сен,
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Сен учун ошиқиб тошар жилғалар,
Сенинг дийдорингга шошар жилғалар.
Гулзорингга гуллар кўшар жилғалар,
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.
Нигоҳлар, қарашлар, қароқлардасан,
Хокларда, тошларда, тупроқлардасан.
Дехқон кафтидаги қадоқлардасан,
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Мангу озод бўлгин, мангу обод бўл,
Шонинг кўтарганга куч бўл, қанот бўл!
Асл ўғлонларга қасам бўл, онт бўл:
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда!

ШОИР УКАМГА ҲАЗИЛ

Давлат Полвон, қор ёғмаса қиш бўптими,
Қор кураш ҳам иш бўптими, Давлат Полвон?
Таъбир билан фолга қолган кунинг қурсин,
Ўнг келмаса туш бўптими, Давлат Полвон?

Ёнимизда ўйинчи кўп, ўйноқи кўп,
Урушқоқ кўп, ундан кўра қайроқи кўп.
Кўшиғимни расво қилган сайроқи кўп –
Олақарға қуш бўптими, Давлат Полвон?

Кўнгил излаб кўзинг кўкрак атрофида,
Жимирлайди недир юрак атрофида.
Бугун қизлар кўзи чўнтак атрофида –
Шуям энди ишқ бўптими, Давлат Полвон?

Давлат Полвон, шоир укам, қалай энди,
Сен ҳам, мен ҳам сўзбозорда малай энди.
Болари кам, чаёнчалар талай энди –
Оғритмаса, ниш бўптими, Давлат Полвон?

Бағдодимнинг болалари содда бўлар,
Катта шаҳар савдолари котта бўлар.
Ичиб олса, боланг сенга ота бўлар,
Тил тутмаса, тиш бўптими, Давлат Полвон?

Ҳар инсонда бир ҳайвоннинг хислати бор,
Суврати бор, қудрати бор, иллоти бор.
Инсон бўлиб, жим юрганнинг иззати бор –
Шоирлик ҳам иш бўптими, Давлат Полвон?

ЯХШИ

Яхши! Жуда яхши! Жудаям яхши!
 Майли, омон бўлинг! Бахтиёр бўлинг!
 Омадингиз берсин – эмасман қарши,
 Бахтли бека бўлинг, бахтли ёр бўлинг.

Одамзод қўлида шодлик ва қайғу,
 Гоҳо оқибатни ўйлагинг келмас.
 Дўзахни танламоқ ихтиёрий-ку,
 Жаннатга кирмоқлик мажбурий эмас.

Хайр, мени ўйлаб қайғурманг асло,
 Не бўпти кўнгилда гул кулмаганда.
 Мени эслагувчи топилгай, илло,
 Азроил йўқлайди ҳеч бўлмаганда.

2007

ТАҚДИР

Муҳаммаджонга

Шунга уйлан, дер ота,
 Уйланинг, дер сингил ҳам.
 Севги бўлиши шартми,
 Кўникади кўнгил ҳам.

Шуни олгин, дер ака,
 Хўп де, дейди опаси.
 Сиқилади Муҳаммад,
 Сиқар кўкрак қафаси.

Тўйни тезлат, дер хола,
 Бош бўламан, дейди у.
 Кўриб қолай тўйингни,
 Мен... ўламан, дейди у.

Насихат қилар тоға,
Ялинади аммаси.
Уйлан, дейди ошналар,
Уйлан, дейди ҳаммаси.

Бутун бошли қишлоқнинг
Бундан зарил иши йўқ.
Айт, кўнглингда ким бор, деб
Сўрайдиган киши йўқ.

Мен устози, не дердим,
Ука, кўнмай нетасан?
Севмай туриб уйлансанг,
Шоир бўлиб кетасан.

2007

ИЛЛАТ ТЕККАН

Иллат теккан олма – курраи замин,
Ичидан зил кетган, дарди ичида.
Бир эпкин ўчирар тириклик шамин,
Ҳаёт титраб турар шамнинг учида.

Бузилгандир олам мувозанати,
Қақраган денгиз ва кўнгил тўлмайди.
Охир ғолиб келди иблис лаънати,
Бу олам ҳеч қачон одам бўлмайди.

Янги шаклдаги бедаво дардлар,
Фитна ва хиёнат, ёлғон ва риё.
Нафсига ҳирс қўйган валламат мардлар,
Зулматни симириб семирган зиё.

Бошидан тожини ечяпти қуёш,
Тириклар тирилмас, ўлик ўлмайди.
Кимдир тепамизда тўкяпти кўзёш,
Энди бу одамзод одам бўлмайди!

2007

ОШИҚЛИГИМНИ АЙТИНГ

Эй яхшилар, дилдорга
ошиқлигимни айтинг,
Ҳамроз бўлди дил торга,
ошиқлигимни айтинг.

Дилнавозу дилрабо,
кўргаймикин дил раво?
Дилафрўз, дилозорга
ошиқлигимни айтинг.

Ҳоли ёмон деб айтинг,
боғи хазон деб айтинг,
Гулзода, гулбаҳорга
ошиқлигимни айтинг.

Чоҳлар қазиб юрмасин,
кўнглин бузиб юрмасин,
Душманимга, ағёрга
ошиқлигимни айтинг.

Юраги доғлиқ мардлар,
юракка боғлиқ дардлар,
Таскин бўлар, беморга
ошиқлигимни айтинг.

Қаноти йўқ не хабар?
Эл қолмасин беҳабар,
Жарчи солиб бозорга
ошиқлигимни айтинг.

САМАРҚАНД ИЛҲОМЛАРИ

Фахрия

“Ҳамма йўллар Римга элтади...”
эски гап

Самарқанд – оламнинг сайқали, кўрки,
Самарқанд – кимга дарс, кимгадир сабоқ.
Қайтадан ўзини топгали, кўрки,
Шаҳримга ошиқар юз минглаб сайёҳ.

Бир замон чорасиз, яъни бечора
Ҳалокат домида ётганда гаранг
Темурбек кирганди жонига оро –
Гўри Мир қошида таъзимда фаранг.

Сайёҳлар оқади – чорлар тарона,
Кўзларда қувончга қоришиқ ҳайрат.
Сирли ва сеҳрли куй – Сўғдиёна,
Бобосин қисматин эслатар, албат.

Зўрнинг дастидан зор жар ёқасида
Ўлимтик қидирар муаллақ калхат...
Афросиёб – тарих чорраҳасида –
Тақдирин белгилаб олар халқ, давлат.

“Мағлубнинг ҳоли вой” – гердаяр юнон,
“Йўл бўлсин – чўл бўлсин” – пишқирар мўғул.
Куч адолатдадир, дер Соҳибқирон,
Замин – она бизга, барчамиз – ўғил...

Колизейда Қайсар ваҳшатга тўлиб,
“Ўлим!” деб бармоғин ниқтаган вақти –
Эр Тўнга илдизга ёндош хум кўмиб,
Қумлоқда ўстирди минг-минг дарахтни.

Кимки яқин келса бахт топди, ногоҳ –
Кимки йироқ кетса, азият етди.
Дунёга даъвогар не-не султон, шоҳ
Самарқанд тупроғин васият этди.

Темур ҳузурига келган элчидек
Сайёҳлар тавозе келтирар бот-бот.
Ёрлиқ олган каби кутмаганда бек –
Ўзбек дўпписини кийганига шод!

Ҳаяжондан титраб қоқ қўллари ҳам
Мўйсафид италён кўнгил ёради:
“Менинг она шахрим – Рим йўллари ҳам
Бугун Самарқандга олиб боради”.

Замин айланади, югурар замон,
Демангким, беҳуда вақт кетаётир.
Буюк Амир Темур даҳоси ҳамон
Қалб ва шуурларни фатҳ этаётир!

2007

Самарқанд. Сирли нигоҳ

Самарқандни кезсанг, ажиб синоат,
Елкангга қўйгандек кимдир кафтини –
Ҳис қилаверасан бетиним, бот-бот,
Бир сирли нигоҳнинг илиқ тафтини.

Бу не ҳол? Не юмуш бажардинг, деган
Ялангтўш Баҳодир сўроқларими?
Ё энг олис юлдуз қатига етган
Улуғбекнинг тийрак нигоҳларими?

“Бизлар қурган эдик, шукур, болалар
Томоша-сайрга яраб турибди”, –
Уятдан ёноғи бўлиб лолалар –
Балки Бибихоним қараб турибди.

Ҳар қалай, шунчаки кўзлар эмас бу,
Юракка етгудек сеҳри бор ўхшар.
Толиб Алишербек лабида кулгу,
Ўсмирнинг самимий меҳри бор ўхшар.

Ҳар замон бир зотнинг замони бўлган,
Ҳирийда Шайбоқнинг бўзларими бу?
Фирдавсмонанд шаҳар армони бўлган
Бобурбекнинг ўткир кўзларими бу?

Син солиб термулар бир соҳир нигоҳ:
“Кимсан? Матлабинг не? Сўйла, ғофил кас?”
Йўқ, Темур кўзлари эмас бу, иллоҳ –
Темур нигоҳига бардош топилмас!

2007

Гўри Мир. Гумбазлар

Гумбаз қобиғида яна бир гумбаз...
Ҳеч ерда учрамас бундай ёдгорлик.
Ҳавоза минг йилга бардош берса, бас –
Не боис бу қадар эҳтиёткорлик?

Биров дер, кичиги таянч бўлгандир
Маҳобатли гумбаз қурмоғи учун.
Биров дер, усталар ҳисоб олгандир
Ҳарорат мўътадил турмоғи учун.

Булар бор гап, аммо моҳият бошқа,
 Теран етиб борган мантиққа Амир:
 Саид Баракани кўтариб бошга
 Ўзига пойгақдан жой олмиш, ахир!

Зариф нақши нигор ички гумбазда,
 Қобиқ ҳам мустаҳкам ёмғирга, селга.
 Ташқи кўринишдан айрича бизда –
 Кўнгилга эътибор устун, кўнгилга!

Сиз сувратга тушинг кошинни силаб,
 Эсдаликка далил – расмлар етар.
 Ичкарида сизга омонлик тилаб
 Мунис мусичалар тиловат этар.

Қалбингизга эриб кириб борар нур,
 Фақат абад қолгай руҳ ва эзгу ном.
 “Иймнинг авайла!” – буюрар Темур,
 “Қалбингни асрагил!” – ўргатар Исломи!

2007

Буюк Ипак Йўли

Қумлар сочиб, йўл очиб, тасбеҳдек карвон ўтар,
 Туяларда чайқалиб давр ўтар, даврон ўтар.

Мушкни мурчга, гуручни адрасга айирбошлаб,
 Алакни бўзга, бўзни атласга айирбошлаб,

Гоҳида инсоф билан, гоҳида иймон билан,
 Йўлнинг танобин тортиб, тош билан, довон билан,

Бирда алдаб, бирида ғафлатда қолиб ўзи,
 Гоҳ йўлидан, гоҳида ўзидан нолиб ўзи,

Турфа либос, дил билан турли карвонлар ўтар,
 Нортауя одимидек вазмин замонлар ўтар.

Сахро – улкан кумсоат. Қор тўкилар оқ кумдай,
Тужжорнинг насибаси гоҳи заҳар-заққумдай,

Лекин Ипак йўли бу – ҳақ йўли, урфон йўли,
Инсоният жисмида жон йўли бу, қон йўли.

Шу йўл боис Румода чиний жарангослари,
Олмонларда қўлма-қўл Самарқанд қоғозлари.

Хуржуннинг бир кўзида ҳалвою новвот кетар,
Бир ёнда Самарқандий китобу довот кетар.

“Адолат сари юргил, юзлангин илм томон!” –
Дуога жуфтланган кафт, ҳовуч каби Регистон.

“Олам симобдек титрар, ўзингдан бўлгил огоҳ!”

–
Кўз юммас Шоҳи Зинда – абадий барҳаёт шоҳ.

Қанча савдогар бунда эл бўлиб қолиб кетган,
Кетганлари маърифат, маърифат олиб кетган.

Вале Буюк карвоннинг юмуши битгани йўқ,
Ҳануз йўлдадир, ҳануз манзилга етгани йўқ.

2007

Расадхона. Улуғбек юлдузи

“Темурхон наслидин султон Улуғбек...”¹
Юракка чўғ солар учган юлдузлар.
Фонус теграсида парвоналардек
Ой тўғарагида ғужғон юлдузлар.

Коинот – ақлга абадий сўроқ,
Тафаккурга мангу қийноқ – коинот.
Салтанат тизгинин силтаб турган чоғ
Султон нега кўкка солар бетин от?

¹ Алишер Навоий сатри

Фақирми, саидми, хўжа ё вали
Бу юртда самони кўзлаган мудом.
Осмон билан ёлғиз қолган маҳали
Ўзининг юлдузин излаган мудом.

Бибихоним қучиб кичик Мирзони
Бобонгиз дунёни олди, дегандир.
Эркалаб, кўрсатиб ўтлиғ самони
Сизга сайёралар қолди, дегандир.

Акс этмаган “Зижи Кўрагоний” да
Улуғбекнинг порлоқ толе юлдузи.
Дерлар, гард бўлмаса дил, иймонида
Юлдузни кўргайдир ҳатто кундузи.

Яшириб не қилдим: фалакда эмас,
Заминнинг ўзида юлдузни кўрдим.
Озод сунбулага томири пайваст
Ўсмирнинг кўзида юлдузни кўрдим!

Ўзбегим, дунёга шоҳ бердинг, ажаб –
Шоҳлар олим чиқди, олам мот бўлди.
Кимлар юлдузини топди сен сабаб,
Кимга илму шахднинг қўшқанот бўлди.

Улуғбек юлдузин кўрдим – қалқди ёш,
Тонгда тиллоланиб кетди осмоним:
Қалбимга бобомдек кўр тўқди қуёш –
Бу – сенинг юлдузинг, Ўзбекистоним!

2007

Шоҳи Зинда. Садо

“Сўйлагин жонларга оловлар ёқиб,
Сухбатдошинг гавҳар тергандек бўлсин.
Лутфу карамингга, завқингга боқиб,
Ҳазрат Навоийни кўргандек бўлсин!

Шунчаки бир миллат эмасмиз-ку биз,
Иймонинг тош-метин қўрғондек бўлсин.
Сенинг суҳбатингга бурар чоғи юз,
Ҳазрат Нақшбандни кўргандек бўлсин!

Ҳар кимда халқининг ғурури, шаъни,
Ёв кифтида ари юргандек бўлсин.
Сенга қараб шерни кўргандек, яъни –
Ҳазрат Бобурбекни кўргандек бўлсин!

Кўксингга тиғ уриб этмасин яра,
Ҳезланса, худойим ургандек бўлсин.
Ўтли кўзларингга, бастингга қараб
Ҳазрат Темурибекни кўргандек бўлсин!”

2007

Ҳазрати Хизр мақбарасида

Шундай ривоят бор эл орасида:
Яъни Хизр бува – кароматгўй зот
Гоҳи дўст, гоҳ ота қиёфасида
Йигитга икки бор келтирар имдод.

Хизрни таниса, қўлидан тутса,
Ғанимлар чекинар, бахти кулади.
Мушкуллар ечилар, кетади ғусса,
Қазо солиғидан дархон бўлади.

Даврон шамоллари йиғди булутни,
Халқим сел-дўлларда зор-зор суринди.
Чақмоқ ярақлатди шамшир, совутни –
Темур тимсолида Хизр кўринди!

Элим нажот топди, завол терс бўлди,
Беклик давлат бўлди, давлат – салтанат.
Бизга қараганнинг толеи кулди,
Аъмолимиз бўлди лутфу марҳамат.

Бироқ... Кажрафтор чарх айланиб чаппа,
Қондошлар ичига ташлади нифоқ.
Залолатга ботди эл-улус ёппа,
Хурофотга ботди яна баттарроқ.

Пароканда давлат – тувоқсиз қозон,
Эринмаган шоқол тегиниб ўтди.
Қонга қон деб қилич солди хонга хон,
Хонга жон деб элат эгилиб ўтди.

Шу тахлит йилларни емирди ойлар,
Икки бошли бургут жигарим ўйди.
Улуғ салтанатни пажмурда айлаб
Қилич билан кесиб, чегара қўйди.

Тангри инояти – тангри раҳмати,
Таназзул топмагай темурий миллат.
Зое кетмас уйғоқ фарзанд захмати,
Истибдод охири ҳалокат, зиллат.

Эй, халқим, жафоқаш, жабрдийда халқ,
Кечмишинг эртаққа йўйиб юборма.
Хизр бармоғини тутганлигинг ҳақ,
Ҳеч қачон бу қўлни қўйиб юборма!

2007

МАРҒИЛОН ИЛҲОМЛАРИ

Марғилонийлар

Шохдор шоҳлар ўтган довон-қирлардан
Ўтдим сир олай деб кўҳна сирлардан.
Бир барбод, бир обод бўлган ерлардан
Болам, деб сас берди марғилонийлар.

Жаннат қопқасида метиндир тартиб,
Ким муштлаб киролмас, ким кирар чертиб.
Кўкламда ягона бўйрасин чиртиб
Чумчуққа хас берди марғилонийлар.

Ҳаммаси хунарманд, бори эл толиб,
Ўтирмас замондан, макондан нолиб.
Буюк Ипак Йўлин толасин олиб,
Шоҳи атлас берди марғилонийлар.

Сабоқ берсинлар деб фикҳу аҳкомдан,
Муҳиблар қўл чўзди Бағдоддан, Шомдан.
Бурҳониддин бўлиб дини исломдан
Арабга дарс берди марғилонийлар.

Қодирий бобони қаратган надир,
Марғилонга бермиш Яратган надир.
Ибоми, ҳаёми, оқибат, кадр,
Шавқу ҳавас берди марғилонийлар.

Гоҳ Маъмуржон бўлиб, гоҳи Жўраҳон,
Товушларда туғён, юрак тўла қон.
Ғижжак, танбурларга ато этди жон,
Найга нафас берди марғилонийлар.

Соябонинг бордир, бошга ёғмас дўл,
Меҳрибонинг бордир – бошқа ёғмас дўл.
Бугун пири муршид сийлаб, берди қўл,
Тарихга даст берди марғилонийлар.

2007

Абадият

Ўчакишган жоҳил – чархи ситамгар
Уқубат устига кулфатин солди.
Қўли, кўзи очиқ кетди Искандар,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Мўғул исканжага олди қутуриб,
Очлик қамал қилди – на сув-нон қолди.
Кимдир ёвдан қочиб, кетди қутулиб,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Қарғалар жунжикар эди қаҳридан,
“Қиринг, деб буюрди, неки жон қолди!
Супуриб ташлангиз дунё саҳнидан!”
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Минорни йиқсалар, теракдек ўсди,
Бармоқ тишлаганча каззоб хон қолди.
Иймон деворлари ёв йўлин тўсди...
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Кетса, йиғлаб кетар маҳси-ковуш ҳам,
Лекин бу муҳаббат... Эл ҳайрон қолди.
Бир кулиб, бир йиғлаб кетди Кумуш ҳам,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Неча Помпейларни тупроқ, кул босди,
Неча халқдан на ном, на нишон қолди.
Юраги қонаса атиргул босди,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

Қоронғи ўтмиши – лайлатулқадр,
Қадр умидида жон омон қолди.
Шу кунларни кутиб айлади сабр,
Марғилон кетмади,
Марғилон қолди.

2007

Такаллуф

Ҳар битта шаҳримнинг ярашиғи бор,
Ҳар бир вилоятнинг ўз ҳикояти.
Ҳаммаси бетимсол, бари бетакрор,
Бу ҳам Яратганнинг бир инояти.

Марғилон лафзидан калом қуйилар,
Асал қўшилгандек гўё сўзларга.
Тўғриси, гоҳида эриш туюлар
Бундоқ такаллуфлар биздек қўрсларга.

Эринмай ҳол сўрар йўл сўрасангиз,
Сўнг манзират қилар: меҳмон, чой тайёр!
Қизларин шеvasи шу қадар лазиз,
Тилларин остида новвотлари бор!

Хитойи тавозе ҳаммага таниш...
Ким хуржунга шойи солиб кетгандир.

Ипак йўлларидан топиб қониқиш,
Лутфу эҳтиромни олиб кетгандир.

Ҳар битта шаҳримнинг ярашиғи бор,
Ҳар бир вилоятнинг ўз ҳикояти.
Ҳаммаси бетимсол, бари бетакрор,
Бу ҳам Яратганнинг бир инояти.

Байрам нашъасидан самовий сурур,
Ипакдек беғубор бугун осмоним.
Қўллари кўксида,
Кўнглида ғурур,
Меҳмон кутаётир жон Марғилоним!

2007

ҚИРҚ ЁШ

Мана қирқ ёшни ҳам қоралаб келдим,
Сенга гулдасталар саралаб келдим.
Сенинг ҳузурингга етгунимча то
Қанча балоларни оралаб келдим.

2007

СИЗ ҲАМ

Сиз ҳам юрибсиз-да ҳақиқат излаб,
Кўзингиз етмаган жойларни кўзлаб.
Худодан қўрқмасдан, хотиндан чўчиб,
Худони сенсираб, хотинни сизлаб.

2007

ВАТАН

Сени десам юрагимда
очилар гуллар,
Ёмғир бўлиб самолардан
сочилар гуллар,

Саҳролардан, дарёлардан
сочилар гуллар,
Юрагимнинг гулисан сен,
гуллаган Ватан!

Исминг айтиб уйғонади
чучук жилғалар,
Сунбулалар тонглариңдан
тақар сирғалар,
Кипригимда ёғдуларинг
солар жилвалар,
Тилагимнинг гулисан сен,
гуллаган Ватан!

Хушбўй-хушбўй олмаларда
жаннат ҳавоси,
Тоғларингнинг бағрида минг
дарднинг давоси,
Шудир, ахир, бир инсоннинг
умр сафоси,
Юрагимнинг гулисан сен,
гуллаган Ватан!

Ҳовуч-ҳовуч, зилол-зилол
сувингдан ичдим,
Меҳринг қанот бўлди, мовий
кўкларда учдим,
Яна қайтиб сенга келдим,
тупроғинг қучдим,
Тилагимнинг гулисан сен,
гуллаган Ватан!

... Юрагимнинг гулисан сен,
гуллаган Ватан!

МЎЎТАБАРХОН АЯНИНГ АЛЛАСИ

Чатнаб-чатнаб тутар исирик,
 Патлаб-патлаб тутар исирик,
 Бешигингни тумандай буркаб,
 Пастлаб-пастлаб тутар исирик.

Бешикдаги боланинг, алла,
 Бек бўларин ким билар, алла.
 Амма, тоға, холанинг, алла,
 Аламини шу олар, алла.

Кир, бувиси, бабовлар қочсин,
 Эгалари келди, деб айтгин.
 Бешигини ўзи тўзғитсин,
 Бўжилари ўлди, деб айтгин.

Алла, десам, алладай, алла,
 Лола, десам, лоладай, алла.
 Айтинг, борми мўжиза, алла,
 Бешикдаги боладай, алла.

Бешиккинанг тўлдириб ётсанг,
 Кулиб, бизни кулдириб ётсанг,
 Жоним сенга садаға, жоним,
 Борлигингни билдириб ётсанг.

Вуй, жонимнинг ардоғи, алла,
 Вуй, кўзимнинг қароғи, алла.
 Тошдай ухлаб, қушдай уйғонгин,
 Умидимнинг чароғи, алла.

Киннаю суқ, ойга бор, ойга,
 Тоши қуруқ сойга бор, сойга.
 Сандиқ қучиб ухлолмай ётган
 Сандиққорин бойга бор, бойга.

Гижинглаган той бўлгин, алла,
Бўлсанг, иймонбой бўлгин, алла.
Меҳр улаш, яхшилик улаш,
Болам, хотамтой бўлгин, алла.

2008

БАҲОДИР ИСОГА

Мен ҳам нур-зиёга ҳавас қиламан,
Гувраган дарёга ҳавас қиламан.
Нур-зиё таратган дарёдил инсон –
Баҳодир Исога ҳавас қиламан.

Мансаб илинжи йўқ, шон илинжи йўқ,
Хирмон илинжи йўқ, дон илинжи йўқ,
Она кишлогини ўйлаб, тинчи йўқ,
Баҳодир Исога ҳавас қиламан.

Шеърнинг қийматини билиб қўйган у,
Чаламуллаларни илиб қўйган у.
Қиладиган ишин қилиб қўйган у,
Баҳодир Исога ҳавас қиламан.

Мен шунчаки лайлак ҳайдаб юрмадим,
Не-не буюк билан суҳбат қурмадим.
Лек ундан шоирроқ шоир кўрмадим,
Баҳодир Исога ҳавас қиламан.

Кўнгил султони у, кўнгил қули у,
Йигитнинг гули у, элнинг тили у.
Дарди бор инсоннинг жони-дили у,
Баҳодир Исога ҳавас қиламан.

Мен туғма шогирдман, хомман, сал бўшман,
У – худонинг дўсти, ишқи рост тушган.
Худонинг душмани унга ҳам душман,
Баҳодир Исога ҳавас қиламан.

У қумри куйини қўшиққа солган,
Йўлдош Сулаймоннинг дуосин олган.
У – тирноқ – ҳазрати Машрабдан қолган,
Баҳодир Исога ҳавас қиламан.

Олдин сўйлар, кейин ўйлар жўралар,
Бир кун сизлардан ҳам ҳисоб сўралар.
Қўл ювиб кўришинг, эй сиз, тўралар!
Баҳодир Исога ҳавас қиламан.

У фақат яхшилик қилишга қодир,
У сизлар билмаган ёлғиз даҳодир.
Шеърим ўзимгаю сизга баҳодир,
Баҳодир Исога ҳавас қиламан.

2008

КИПРИКЛАРИНГ

Киприкларинг куюқдир бирам,
Тирноқларинг табиий гулдор.
Тирноғингга арзимасам ҳам
Ўтиб кетма бепарво, дилдор!

Фурсат кетиб борар қасдма-қасд,
Бу не алам, бу не ситамки,
Кетиб қолма, сенга шу нафас
Бевафолик ярашса ҳамки.

Хайр, дема, хайр қил менга,
Тошкўчада бўлмасин дил хор.
Юрагимни берай қўлингга,
Бир эркалаб ўпиб қўй, дилдор.

Жилмаясан шеъримни тинглаб,
Ташна лабга тутма захарни.
Қўй, ярамни уйғотма тирнаб,
Қўй, эслатма анавиларни.

Дилгинамга тушди ялт-юлт чўғ
Беҳаловат зирақларидан.
Ўзим кетдим, ҳайдашгани йўқ
Данғиллама юракларидан.

Кейин сенга бўлгунча ошиқ
Осмонга ҳам ерга сиғмадим.
Чақмоқлардан ўргандим қўшиқ,
Булутларга ётиб йиғладим.

Кулиб боқсанг садақа жоним,
Мендан кулиб кетмагин зинҳор.
Қайтиб келмас менинг замоним,
Ўтиб кетма бепарво, дилдор!

2008

ДАДАМНИ СОҒИНИБ

Сизнинг дунёнгизга сиғмайман, дўстлар,
Ҳафталаб уйимдан чиқмайман, дўстлар.
Кулгили туюлар балки ҳолатим –
Дадамни соғиниб йиғлайман, дўстлар.

Мени Яратгандан тортиқ билади,
Ҳатто отасидан ортиқ билади.
Ёстиқдошим эмас, ёстиқ билади,
Дадамни соғиниб йиғлайман, дўстлар.

Қирқ ёшдан ўтдим-у, дард ўта қолмас,
Кўксимга муз боссам, совута олмас.
Бугун мени онам овута олмас –
Дадамни соғиниб йиғлайман, дўстлар.

Хурматим жойида, иззат жойида,
Улуғ устозларим сўзи – қоида.
Халқимнинг бошида, пошшо пойида
Дадамни соғиниб йиғлайман, дўстлар.

Кўнглимга келганни қайтармай ёзиб,
Кўнгилларда кўноқ бўлдим муносиб.
Кўнгилчан ўғлимни бағримга босиб,
Дадамни соғиниб йиғлайман, дўстлар.

Ҳасратимга қулоқ солиб тургандир,
Теран хаёлларга толиб тургандир.
Менга жаннатдан жой олиб тургандир,
Дадамни соғиниб йиғлайман, дўстлар.

2008

БОЛА-ЧАҚА

“Мен кетдим!” – деди Широқ,
Бу сўнги қарор эди.
Сен ҳам борардинг, бироқ
Бола-чақанг бор эди.

Туғ кўтарди Эр Тўнга,
Кетди Зарафшон бўйлаб.
Секин қайтдинг ортингга
Бола-чақангни ўйлаб.

Бола-чақа деб сотдинг
Ёвга Юрт оғасини.
Ичкаридан қулатдинг
Тошканд дарвозасини.

Сен ҳам одамсан нахот,
Ўрнинг йўғу бордайсан.
Дўппи тор келган заҳот
Бола-чақам бор, дейсан.

Қуригардим зотингни,
Ўтирмасдим шеър сўйлаб.
Айтолмайман отингни
Бола-чақамни ўйлаб...

2008

ЛАФЗ

Келаман, дейди у, лекин келмайди,
Кутаман, дейди-ю кутмайди бу ҳам.
Қизиғи, ҳеч кимса уят билмайди,
Қизиғи, ҳеч кимга қилмайди алам.

Бош устига, дейди, ичади қасам,
Йигит сўзим, дейди, албатта, ишон!
Ёлғонни билади икки тараф ҳам,
Ишонгандек тутар иккала томон.

Севаман, дейди у, гулим, азизам,
Сизсиз яшолмайман, жоним, дейди бу.
Ўзгага уйланиб кетар хотиржам,
Қизгина ҳам ортиқ чекмайди қайғу.

Бу ҳам бир касаллик – лафзсизлик деган,
Тартиб шу: панд бериб, тугал панд ейсиз.
Милён йил кечикмай вақтида келган
Фасллар чалкашиб кетса, не дейсиз?

Қовоғингиз солиқ: мавзу-ку долзарб,
Шоир не сабабдан кечикиб ёзди?
Мен аллақачонлар ёзгандим, рост гап,
Ваъдабоз муҳаррир кечикиб босди.

2008

ЛАЙЛАКЛАР

Бир ажиб ҳикмат бор Тошкент тонггида,
Бирдан ҳақиқатга дўнар эртақлар:
Чигатойдан пастда, Чорсу ёнида
Сайр этиб юрибди оппоқ лайлаклар.

Орзулар – уфққа санчилган йўлдай,
Қалб ва юрт бораркан саришта бўлиб,
Осмондан тушдими оқ атиргулдай
Оппоқ лайлақларим фаришта бўлиб?

Ноғорани ёдга солар куй чалса,
Ўзимизга ўхшар феълу тилаклар.
Агар полапонга хавф солар бўлса,
Илоннинг бошини янчар лайлаклар!

Элимда эзгулик тимсоли бўлиб
Олтин уруғларни сочган қуш ўша.
Қора булутларни чақмоқдек бўлиб,
Оғу лойқасини ичган қуш ўша.

Иймоним комилдир, ҳар битта патдан
Қутлуғ ерда ўсар кумуш тераклар.
Қаранг, шундоқ Ҳасти Имомдан пастда
Юрар оқ яктакли мўмин лайлаклар.

Дуода тинчликни сўрар ёш-қари,
Шоқоллар омондир ҳамон барибир.
Бир оёқлаб турса – ёвузлик сари
Камони Чочийнинг пайконларидир!

Тошкент тонглаарида бор ажиб афсун,
Қўрганлар албатта келишар қайтиб.
Қаранг, файзли юртда сизу мен учун
Лайлаклар юрибди шукрона айтиб!

2009

КЕЧАГИНА

Кечагина ғўр шоир эдим,
Ғўр эдим-у, зўр шоир эдим.

Шеър тўқирдим дангал, қўрқмасдан
Ва ўқирдим ҳар гал қўрқмасдан.

Бугун эса ўйлаб ёзаман,
Битта шеърни ойлаб ёзаман.

Ғазал битсам бирор жононга,
Тегмасмикан куда томонга?

Атрофимда қиз кўп, аёл кўп,
Жавоб берай десам савол кўп.

Шаббодалар сўз бўлиб оқар,
Юлдузлар ҳам кўз бўлиб боқар.

Унвони бор катта шоирман,
Лек ўлгудай латта шоирман.

На кўнглимни тўка оламан,
На ўғлимни сўка оламан.

Кечагина ғўр шоир эдим,
Ғўр эдим-у, зўр шоир эдим...

2009

ОҚҚАН ДАРЁ

Муҳаббат аяга

Оққан дарё оқар, қуёш тўхтамас,
Ғубор боғламагай мерос заковат.
Бир дарё кўнглимдек тўлғин шу нафас,
Дарёки, лиммо-лим меҳру муҳаббат.

Не-не замонларга гувоҳ кўҳна Шош
Кўрган зеру забар савдоларни ҳам:
Шабнам бу – тунда ой тўккан аччиқ ёш,
Ҳовур бу – қуёшнинг кўксида алам.

Очлик, қаҳатчилик, хўрлик, қатағон
Халқ бошига тошдек тушганда такрор
Юрагида умид, қалбида иймон,
Шу юртда ҳаётни асраганлар бор!

Гоҳ душман ҳасади эшик тимдалар,
Гоҳ муҳтожсан дўстинг далдаларига.
Нима қилоларди куйган бандалар
Худойимнинг суйган бандаларига!

Бир замон туялар чўккан манзилда
Орзуманд фотиҳа тортиб турибмиз.
Карвон бўлиб умр аталган йўлда
Эзгулик юкини ортиб турибмиз.

Мева чамасида дарахт баҳоси,
Кўнгил боғингизни гулга ўраймиз.
Яратган хирожга ҳар нени олсин,
Эвазига узоқ умр сўраймиз.

Она сайёрада она табиат
Она халқим учун сочса дурдона,
Сиз бизга бердингиз чексиз муҳаббат,
Сиз мунис мураббий, онажон, она...

Қуёшдан нур олган ой-юлдуз каби
Қавму қариндошлар юзида зиё.
Худо бир, биттадир тилак – матлаби:
Мудом оқиб турсин бу улуғ дарё!

2009

ДЎСТЛАРИНГ КЎП БЎЛСА

Дўстларинг кўп бўлса, душман шарт эмас,
Дўстона сотишар сирингни олиб.
Йўқ, улар атайин қилмайдилар қасд,
Дўстона бурашар буровлар солиб.

Бири ўзагингга салади болта,
Бири чўнтагингга тушади секин.
Дўстинг меҳр билан урар ҳар ҳолда,
Дўстинг йиғламсираб сўяди лекин.

Жон дўстинг жонингга доим харидор,
Нон дўстинг ошиқдир дастурхонингга.
Яна дил оғриғи – дўсти нодон бор,
Чумчуқ чақиради сепган донингга.

Юзма-юз қолганда ҳаммаси аъло,
Икков суҳбат қурсанг – суҳбати жонон.
Сен душман борлигин унутма асло,
Дўстлик санъатини эгалла, инсон.

2009

ҲЕЧ БЎЛМАСА

Ҳеч бўлмаса тушимда
кўрсат уни, художон,
Бўлмаса, надир уйқу,
бўлмаса, надир ором.
Унинг нигоҳларидан
ўзин покласин то жон,
Агар уни кўрмасам
уйқу ҳаром, туш ҳаром.

Художон, сен билгувчи
зорикқаним, зоримни,
Ошиқ қилиб қўйгансан,
қўй, бошқа урма мени.
Уйғонсаму ўнгимда
кўрмас бўлсам ёримни,
Уйғотиб юрма мени,
уйғотиб юрма мени.

2009

ЁМҒИР КЕЧАСИ

Райҳон гулидек оқ ёмғирлар ёғди,
Бир хушбўй ёмғирлар ёғди эланиб.
Чинор баданида сирқираб оқди
Чақмоқ ёғдусига беланиб.

Соллана-соллана тушди ёмғирлар,
Ёмғир этагини кўтарди шамол.
Эзилиб сизилди юрак-бағирлар,
Ойнадан буғланиб боқди бир аёл.

Ёмғир кечасида, ёмғир кечасида
Ҳеч кимни соғинмаган мен эдим.
Кечиб келган эдим нечасидан,
Ёмғир кечасида Машрабга тенг эдим.

Эй, бахтли бўлишга қўярмиди ҳаёт,
Эй, узлат тотини тотмаган инсон!
Ёмғир ёғаверар айланиб озод,
Хушбўй сочаверар оқ гулли райҳон.

2009

СЕН БЎЛМАСАНГ

Сен бўлмасанг нима қилардим,
Қандай йиғлаб, қандай кулардим?
Яна кимдан бахтим тилардим,
Сен бўлмасанг нима қилардим?

Суяқларим қақшайди ёмон,
Исканжага олади дардим.
Яхшиямки, сен бор – меҳрибон,
Сен бўлмасанг нима қилардим?

Чалғувчилар тинмай чалади,
Йиқилсаму лой бўлса қадрим –
Тўғрилигим ким ҳам билади,
Сен бўлмасанг нима қилардим?

Юлдуз учса тегар бошимга,
Мен ҳаммани дўст деб билардим.
Ўзинг гувоҳ аччиқ ёшимга,
Сен бўлмасанг нима қилардим?

Умрим бўлсин кўйингда адо,
Мен барибир сенга келардим.
Бу кимсасиз оламда, худо,
Сен бўлмасанг нима қилардим?

2009

ДЎСТ

Дўстим Олимжонга

Рухимга шом чўкиб, барг узилганда,
Турналар мунчоқдек саф тизилганда,
Бир дардқаш тополмай дил эзилганда
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,
Гоҳида пинҳона йиғлаб олдим, дўст.

Гулзор кўп-у, лекин гул топилмайди,
Дилдор кўп-у, аммо дил топилмайди.
Дўсти йўқ етимга йўл топилмайди,
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,
Гоҳида пинҳона йиғлаб олдим, дўст.

Ёлғизлик йўллари ўтилган азал,
Юрак қони билан битилган ғазал.
Гоҳо туғишгандан тутинган афзал,
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,
Гоҳида пинҳона йиғлаб олдим, дўст.

Дўст деб тутганларим улфат бўлдилар,
Ризқимга чанг солган калхат бўлдилар.
Бошимда айланиб кулфат бўлдилар,
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,
Гоҳида пинҳона йиғлаб олдим, дўст.

Фойда дастгоҳида лой бўламан, дер,
Оёғи қалтираб бой бўламан, дер.
Бой бўлса, энди худой бўламан, дер,

Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,
Гоҳида пинҳона йиғлаб олдим, дўст.

Кек сақлаш ҳам ёмон аломат дедим,
Майли, ўтган ишга саловат дедим.
Жўра, боргин энди саломат дедим,
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,
Гоҳида пинҳона йиғлаб олдим, дўст.

Қуёш бор, ойлاردан кулиб ўтаман,
Ёв отган ёйлардан кулиб ўтаман.
Ичимда бойлардан кулиб ўтаман,
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,
Гоҳида пинҳона йиғлаб олдим, дўст.

Биз кўкка етайлик, осмон тушмасин,
Ёмғирга айланиб шайтон тушмасин.
Дўстим, ўртамизга ёлгон тушмасин,
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,
Гоҳида пинҳона йиғлаб олдим, дўст.

Кўзим етган жойга сўзим етади,
Зўр шоир бўламан, кўзим етади.
Мен етмаган бахтга дўстим етади,
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,
Гоҳида пинҳона йиғлаб олдим, дўст.

2009

БИЗЛАР ЧИН ДУНЁДА БИРГАМИЗ

Кўмилиб илоҳий сирга биз,
Чўмилиб самовий нурга биз,
Эсдан чиқарамиз ҳаммани,
Бизлар чин дунёда биргамиз.

Бу хою ҳаваслар ўткинчи,
Ҳой, ҳаваспарастлар ўткинчи,

Баландлар ва пастлар ўтқинчи,
Бизлар чин дунёда биргамиз.

Ёлғондир, сўзлари ёлғондир,
Қарагин, кўзлари ёлғондир.
Ўзлари, ўзлари ёлғондир,
Бизлар чин дунёда биргамиз.

Бизга бу дунёда висол йўқ,
Валекин севгига завол йўқ.
Ҳа, майли, ортиқча савол йўқ,
Бизлар чин дунёда биргамиз.

Мен сенинг борлигинг билдим, бас,
Кўзимга ҳеч нима илинмас.
Мен куёв эмас, сен келинмас,
Бизлар чин дунёда биргамиз.

На қилай, мени эл танийди,
Ҳар босган қадамим санайди.
Ёлғон дунёда ҳам, қанийди...
Бизлар чин дунёда биргамиз.

2009

БЎЛМИШДИР

Тангрига саловат, ўзбегим диёри
Тўрт фасли мукамал чаманда бўлмишдир.
Эй дўстим, гул ҳидлаб, гул экиш барори
Бир санда бўлмишдир, бир манда бўлмишдир.

Соҳибқирон ўтди суронлар солганча,
Мирзолар гоҳ улус, гоҳ юлдуз олганча.
Жалолиддин қолмиш хаёлга толганча,
Армони туғишган масканда бўлмишдир.

Ётволиб Оролдан сув ичган кунларим,
Боботоғ, дўстимсан, деб қучган кунларим,

Ёвни эргаштириб қум кечган кунларим
Мен Широқ бўлдим, шоҳ шарманда бўлмишдир.

Халқим, дунёни ҳақ йўлга бошладинг,
Ал-Бухорий бўлиб чорлов ташладинг.
Шеър айтиб тож-тахтни олган Машрабинг
“Анал-ҳақ” деб Ҳаққа арзанда бўлмишдир.

Нонингга кўз тиккан донидан айрилди,
Номингга кўз тиккан шонидан айрилди,
Жонингга кўз тиккан жонидан айрилди,
Тўнингга кўз тиккан кафанда бўлмишдир.

Хоразмий дунёнинг бирини ўн этди,
Замахшарий араб имлосин ўнг этди.
Фарғоний илм-фан миқёсин чўнг этди,
Нур сочи хоҳ Рум, хоҳ Аданда бўлмишдир.

Дарахтман, фақат шу заминда гулловчи,
Самога қўл чўзиб санолар йўлловчи.
Кел, менга суяниб тин ол, эй йўловчи
Ки, мудом илдизим Ватанда бўлмишдир.

2009

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

Қор-қиров қўшинлари
пешлаганда найзалар
Илдизига чекиниб
жон сақлайди майсалар.
Яшин урган дарахтлар
неча ёниб-куйсалар,
Қайта куртаклар отиб,
яна сочалар баёт,
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Бори ҳикмат тупроқда –
қат-қат кимё яширин,
Она ер ўзагида
қайноқ зиё яширин.
Товонинг тагида ҳам
юз минг дунё яширин
Рўёбини тополмай
пинҳон чекади фарёд,
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Бу ҳаёт уммонида
ҳаракатсиз чўккайсан,
Бор барака қилмасанг,
баракатсиз чўккайсан.
Гизли тўқнашувларда
ҳалокатсиз чўккайсан,
Аллалаб ҳам эркалаб
тортиб борар гирдибод,
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Кўкнори хаёлларда
наҳс босган даврон ўтди,
Қўнғироғига латта
тиқилган карвон ўтди,
Қиличда қуралайлар
сўйилган замон ўтди,
Моҳларойим сурмаси
томди-ю, тошди довот,
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Наҳотки етган жойим
шуми, дема, биродар,
Ғуссанинг адоғи йўқ,
сен ғам ема, биродар.

Ихтиёрдан наридир
манзил, кема, биродар,
Қани пири муршидинг,
Қайси тарафда нажот?
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Сафсата сотар ҳаёт
иймони йўқ олимдай,
Бўғиб-сиқиб қийнайди
яроғи йўқ золимдай.
Жон ва онг оғриғидан
ҳол бормикан ҳолимдай,
Жонинг озод бўлса-да,
руҳинг бўлмагай озод,
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Бош оғриғи коинот
бухронидангинамас,
Суякка зах ургани
зиндонидангинамас,
Озор-уқуб занжири
замонидангинамас,
Одам Ато қўлларин
ёйди – битмади қанот –
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Мен, дея муштлайвериб
кўксингни яро қилдинг,
Адоват излайвериб
ўзингни адо қилдинг,
Бурғулар чалинганда
на сас, на садо қилдинг,

Ўзига тузоқ қўйиб,
Ўзин пойлаган сайёд,
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Эрта баҳор чоғида
гулимни ерга кўмдим,
Ўксинмасин деб ёлғиз
дилимни бирга кўмдим.
Бедил бўлиб тизгинсиз
тилимни шеърга кўмдим,
Бир байти йиғи бўлди,
бир байти бўлди сабот,
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Бир юракнинг устига
юрагим қўйса эдим,
Кафтимда қўшмағиздай
эркалаб суйса эдим,
Ўпаман деб энгашиб
сут ҳидин туйса эдим,
Шивирласа эдим мен:
Мана шу адабиёт...
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт.

Умр деганлари ҳам
кўпга келган тўй, дўстим,
Яхши гаплардан гапир,
менинг кўнглим қўй, дўстим.
Умар Хайёмдан қолган
косаларга қуй, дўстим,
Қалбларга қон югурсин,
юраклар бўлсин обод,
Ҳаёт давом этади,
давом этади ҳаёт!

МУНОСАБАТ

Хонанда дўстига шоир
бир кўшиқ ёзиб эди,
Кўшиқчи хурсанд бўлиб
“Кўлинг дард кўрмасин!” деди...

2010

ХОЛИС ХИЗМАТ

Майхонага тик оёқда етаклашиб,
Қайтаяпмиз бирга-бирга эмаклашиб.
Юрибмиз-да ўзимизга чоҳлар қазиб,
Юрибмиз-да Азроилга кўмаклашиб.

2010

САЛОМ

Бунда бир дўст бўларди, дўст,
ўшал дўстга салом айтинг,
Самимий нур ёниб турган
қийиқ кўзга салом айтинг.
Гапи тагдор эмасди ҳеч,
заҳар томмас эди зинҳор,
Агар тўғри келиб қолса,
тўғрисўзга салом айтинг.
Шу манзилда яшарди у,
чехрасида очиқ кулгу,
Кўли очиқ, кўнгли очиқ,
очиқюзга салом айтинг.

Кўзимни боғлади йиллар.
Уни на айлади йиллар?
Исми ўхшаш, жисми ўхшаш...
аммо ўзга... салом айтинг.
Мени истаб келиб ҳайрон
бўшашганлар тушар ёдга,
Кечикдикми? Кечикдимми?
Қайтдим изга... Салом айтинг!

2010

ТУРОН ШЕРЛАРИ

Энг ваҳшатли йиртқич эди у,
Оч қолса гар одам овларди.
Қанча ботирларни еди у,
Ҳалол енгди қанча довларни.

Ниҳоят, зот қирилиб битди,
Муҳитга мослаша олмади.
Шерлар еёлмасди ўлакса этни,
Уларга

егулик қолмади.

2010

МУНОСИБ

Гулгун гулчехраларга гулзор муносиб,
Наргис қатори сенга, эй ёр, муносиб.
Гулни гулга қўшсанг гулдаста бўлгай,
Диловар йигитларга дилдор муносиб.

Қоятошга қад кериб сор қўнса, ҳай-ҳай,
Арчанинг кўк тўнига қор қўнса, ҳай-ҳай.
Кулбамизга бир ишқи бор қўнса, ҳай-ҳай,
Бизнинг даврага авжи баҳор муносиб.

Қирмиз гулбаргга мовий шабнам ярашгай,
Гулоб базмига латиф ҳамдам ярашгай,
Тўнқарилган косага шам ҳам ярашгай,
Дўсту ёрларга олқиш, алёр муносиб.

Узмай шароб тутиб турсанг инсонга,
Беш кунлик бу ҳаёт тегарми жонга?
Ҳасадга, тухматга, дардга, ҳижронга
“Йўқ!” “Асло!” “Ҳеч қачон!” “Зинҳор!” муносиб.

Қўлда мудом кўза ё қадаҳ бўлса,
Маи ноб қалқиниб ёқа доғ бўлса,

Бармоқлар шилинса ё қадоқ бўлса,
Малҳамга кўзлари хумор муносиб.

Дилдош улфатларим, садақа кетай,
Умр тугамасдан тугамасин май.
Бир алёр тўқидим сиз учун атай,
Шеърим ёқса, қадаҳ такрор муносиб!

2010

БОЛАЛИҚДА

Болалиқда –
онамга меҳрим
Бўлинмаган ёмби кезлари
Юзларига термулардим жим,
Ташвишли бўларди кўзлари.

Рўзғор ғами ёки мактаб, иш,
Балки, инжиқлиги дадамнинг,
Балки, онасини соғиниш,
Балки, касаллиги каттамнинг...

Ненидир ўйчан пичирлаб,
Бирда қовоғини уярди.
Сочимни паришон силаб,
Эркалаб қўярди.

Дердимки, узо-оқ яшасин онам,
Кимга суйкаламан, суяман?
Онамсиз керакмас олам,
Яшамай қўяман!

Худойимга раҳмат! Онам ҳаёт,
Хазинам бор, кўнглим тўқ.
Фарзандлардан ортсам йўқлайман бот-бот,
Лекин ташвишлардан ортиш йўқ...

2010

ЎЗБЕК ЧИРОҚЛАРИ

Ким қора чироққа мой топган чоғлар,
Тўшак сўкиб, пилик эшган замонда –
Зухро юлдузидек мавжланиб порлар
Ўзбек чироқлари Афғонистонда.

Тортилган симлардек туташган томир,
Менинг ҳам бенаво наволарим бор.
Мени ҳам кечалар босар хавотир,
Унда макон топган боболарим бор.

Афғон деган муҳр босилган қачон,
Қайдасан мардумнинг ўғай онаси?
Наҳотки бу замин машқ учун майдон,
Янги қуроолларнинг синовхонаси?

Сўйла, ҳаётми шу – на нажот, на эрк,
Дамо-дам қиёмат шайланиб турса.
Ўлимтик ахтарган ўлаксахўрдек
Жангари учоқлар айланиб юрса.

Мен туғилиб ўсган Қўштегирмонда
Қийиққа тугилган тишлоқ ноним бор.
Қандаҳор йўлида – Ажалдовонда
Қизил иблис тўккан қирмиз қоним бор.

Ё қайғу, ё севинч кўзга берар ёш,
Йўлчи юлдузларим чорлаб турибди.
Мозори Шарифда кўнглимдек нурпош
Ўзбек чироқлари порлаб турибди.

Қишда қор сўрасанг бермайди нокас,
Оби раҳмат – сувни қизғонар бадкор.
Аммо дўстнинг қўли муаллақ қолмас,
Оқибати бутун Инсонлар ҳам бор!

Савоб ва саховат ўзбекка мерос,
Шу боис қулбалар зиёга тўлди.

Навоийнинг руҳи шод бўлгани рост:
Боболарим қабри нурафшон бўлди.

Ғафлатдан сесканиб уйғонар дунё,
Тиниқ тортар Темур сув ичган булоқ.
Боболар чироғин ёқибсиз, илло,
Ҳеч қачон ўчмагай Сиз ёққан чироқ!

2010

ЁМОНЛАМА

Жа яхшисан ўзинг ҳам,
Ёмонни ёмонлама.
Менга қара, эй одам,
Замонни ёмонлама.

Порлаб турар илми ғайб,
Чорлаб турар илми ғайб.
Учолмасанг кимда айб?
Осмонни ёмонлама.

Муздирсан ё чўғдирсан,
Балки, билган йўқдирсан.
Отанг отган ўқдирсан,
Камонни ёмонлама.

Ўз-ўзингдан битдингми,
Бирдан кўкка етдингми,
Бошоқ бўлиб кетдингми?
Сомонни ёмонлама.

Илик қоқиб еб бугун,
Илигим тўқ деб бугун,
Чўнтаги йўқ деб бугун
Чопонни ёмонлама.

Эй одамзод зурёди,
Тасодифнинг бунёди.
Замон – худонинг оти,
Замонни ёмонлама!

2010

КЎКЛАМДА

Омоч ағдарган тупрок
Оқариб бораётир.
Шудгор узра гала зоғ
Гала чарх ураётир.

Танбал кўлмак осмонда
Аксини кўраётир,
Титраниб ҳаяжонда
Хаёллар сураётир.

Лайлитолнинг сочини
Шаббода ўраётир,
Бу кўкламда совчининг
Келишин сўраётир.

Майсанинг оқ илдизин
Туғёнлар бураётир,
Ялпиз уқалаб кўзин
Хазонни сураётир.

Четан уйини лайлак
Бошқатдан кураётир,
Бош ирғаб сарак-сарак
Синч солиб ўраётир.

Қари ит боқиб кўкка
Эриниб ҳураётир.
Офтоб тегиб юракка,
Оҳиста нураётир.

2010

Кўнглимда нима бор, билмайман

ТҮПА ҲАҚИДА ЖИННИЧА ҲИКОЯ

*“Тўпа, Тўпа, Тўпача,
Етган ери тепача,
Тепачада капача,
Капачада супача”.*

Ярашарди қишлоққа
Шалдир-шулдир Тўпача.
Кўнгилчанроқ аёллар
Тўшар эди кўрпача.

Айби – бироз гарангроқ,
Лек овози чиннидай.
Кулгани-кулган эди
Жиннимисан жиннидай.

Бекорчи болаларга
Кун бўйи эрмак эди.
Узлатдаги қишлоққа
У жуда керак эди.

Ўйинга ҳам тушарди,
Ҳиндча салом қиларди.
Дўмбалоқ ҳам ошарди,
Дуони ҳам биларди.

Бир гапга тушса борми,
Икки соат тинмасди.
Бу ғаройиб гўдакнинг
Ёшин ҳеч ким билмасди.

Мен, тўғриси, чўчирдим,
Кўрсам, таққа тўхтардим.
Беркинардим эшикка,
Ундан қаттиқ кўрқардим.

Юз юварди ариқда,
Кўйлаги сочиқ эди.

Юраги тоза эди,
Кўнгли ҳам очик эди.

Довдир-довдир боқарди,
Жовдир-жовдир боқарди.
Мозорбувага бориб
Гоҳо чироқ ёқарди.

Жин чалган дейишарди,
Бир қарасанг соғ эди.
Қўллари кир бўлса ҳам
Кўнгли жуда оқ эди.

Қизиқ бўлди бир куни,
Хазанакни биласиз,
Ғужум-ғужум узумни
Чайнаб маза қиласиз.

Қотиб кулар Тўпача:
Бу – қўйнинг қумалоғи.
Жаҳлим чиқади: – Узум –
Асалнинг думалоғи!

Хазанак орасидан
Сўнги шингилни тердим.
Оғиз суви суйилган
Тўпага тўплаб бердим.

Узумнинг уруғини
Юраги, деб кўрсатди.
Юпқагина пўстини
Кўйлаги, деб кўрсатди.

Бирдан дайди кучукка
Қиём шингилни тутди.
Кучукда ҳам таъб нозик,
Битта-битталаб ютди.

Гирт жиннисан, Тўпача,
Ўзинг очсан чамаси.
Кучукнинг хўл бурнидан
Ўпволганинг нимаси?

Гоҳи кулгим қистайди,
Ўйимга йўқ ниҳоя.
Бор-йўғи шу бўлган гап,
Бор-йўғи шу ҳикоя.

Эҳ-ҳе, қанча яшадим,
Тентакларни кўп кўрдим.
Ахмоқни тўда-тўда
Жиннини тўп-тўп кўрдим.

Олчоқларни учратдим,
Гумроҳларни учратдим.
Лабин учуқ ўраган
Кўрқоқларни учратдим.

Яна қанча овсару
Гарангларни кўрганман.
Ўғрилиқда устаси
Фарангларни кўрганман.

Бахтни шиша ичидан
Ахтарганни танийман.
Камтарман, деб уч соат
Мақтанганни танийман.

Хушфеъллар ҳам кўпчилик,
Соддалар ҳам бир талай.
Аммо ўша Тўпадек
Анойи йўқ ҳар қалай.

Гала-гала ўйинчи
Одоб, уятдан халос.
Қорин рақси қилади,
Нафсин ўйлайди холос.

Тўпа, Тўпа, Тўпача,
Бордир сенга хурматим.
Ўз ризқин ётга берган
Бошқа жинни кўрмадим.

2010

ЎША КУН

Ўша кун мен маст эдим,
Маст эдим – менмас эдим.
Бормас эдим соғ бўлсам,
Севаман демас эдим.

Мақтадим кўз-қошингни,
Чимрилиб қарошингни.
Билдим ишқ шароби ҳам
Оғритаркан бошингни.

Сен хафа бўлмадингми,
Кўнглингга олмадингми?
Ишқилиб шеърларимга
Ишониб қолмадингми?

Ерга уриб қадримни
Достон қилдим дардимни.
Ожизлигимни кечир,
Кечир муҳаббатимни.

Ўша кун мен маст эдим,
Маст эдим – менмас эдим.
Фақат сени билардим,
Ўзимни билмас эдим.

2010

ДЎСТИМ ОЛИМЖОНГА АТАЛГАН ШЕЪР

Меҳринг меҳригиё тану жонимга,
Бир ҳафта кўрмасам девонадайман.
“Она” сўзин қўшиб қутлуғ номингга,
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Сенда ё ой тиниқ, ё кўзим равшан,
Сенда димоғим чоғ – райҳондай ёвшан.
Рухинг гуллаб турса, даштинг ҳам гулшан,
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Хуморинг тутганда эсу ҳушим йўқ,
Илк севгим кирмаган ширин тушим йўқ.
Сени соғинишдан бошқа ишим йўқ,
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Ҳазиний бувамнинг изларин босиб,
Кўнглимни ёзганман, шеъримни ёзиб.
Юрагим интиқиб, ичикиб, озиб,
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Кимгадир тириклик моддий кўринар,
Келиб-кетмоқлик жўн, оддий кўринар.
Мен кўзим юмсам ҳам водий кўринар,
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Бормисиз, ҳей азиз ёру дўстларим!
Юзингиз нуридан ёруғ юзларим.
Қорадарахтларим, қоракўзларим,
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Йўлда йўлчивиндек ҳориганим рост,
Қирққа кириб-кирмай қариганим рост.
Сенинг дардинг билан оғриганим рост,
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Кўнглимни кўтарар синиқ тоғларинг,
Кўйлаклари ғижим қизғалдоқларинг.
Менга шамол бўлиб келар оҳларинг,
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Довондан бағрингга жилғадек шошиб,
Шеър айтиб келаман, юрагим тошиб.
Жон сўраб келганда жонимни қўшиб,
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

2010

ОЗОРЛАР ЕТДИ

Ёмғирлар сочилди, ғуборлар кетди,
Сенга гул тутолмай баҳорлар кетди.
Еллар ҳовучида уфорлар кетди,
Шамолча ҳимматим бормиди менинг?
Мендан сенга фақат озорлар етди.

Барча гўзалларни рашк қилгувчи – мен,
Бокмаса юрагин ҳам тилгувчи – мен,
Қўл етмас юлдузга интилгувчи – мен,
Дилимда иллатим бормиди менинг,
Мендан сенга фақат озорлар етди.

Оқшом умид билан чироғинг ёқиб,
Тошкент томонларга юрагинг оқиб,
Унсиз йиғлагансан расмимга боқиб...
Юрагим, билмадим, бормиди менинг...
Мендан сенга фақат озорлар етди.

Энди ҳар битта сўз – заҳарли тикан,
Эй надомат юки бошини эгган!
Кошки, кўзёшингга арзисам экан,
Бир пуллик қимматим бормиди менинг,
Мендан сенга фақат озорлар етди.

2010

БИЛИБ ТУРИБ

Сен ўзингга ўзинг кафан бичдингми,
Билиб туриб ўз бахтингдан кечдингми?
Ой деса ой, кун деса кун сен эдинг,
Кундошликнинг оғу ошин ичдингми?

Сенга қанча дов йигитлар осилган,
Игна билан исминг қўлга ёзилган.
У игнанинг оғриғи-ку босилган,
Билиб туриб ўз бахтингдан кечдингми,
Кундошликнинг оғу ошин ичдингми?

Қаноти йўқ бўлса, тўрғай тўрғайми,
Чарх урғайми, кўкда бўзлаб юрғайми?
Худо урса, бундан ортиқ урғайми?
Билиб туриб ўз бахтингдан кечдингми,
Кундошликнинг оғу ошин ичдингми?

Кўзларингда дарё-дарё ғам кўрдим,
Ёқангни ҳўл, энгларингни нам кўрдим.
Севгини кўр, бошларини ҳам кўрдим,
Билиб туриб ўз бахтингдан кечдингми,
Кундошликнинг оғу ошин ичдингми?

Севардиму гул кўтариб юрмасдим,
Йўл бошида йўлинг пойлаб турмасдим.
Мен ўзимни сенга раво кўрмасдим,
Билиб туриб ўз бахтингдан кечдингми,
Кундошликнинг оғу ошин ичдингми?

Кундош бўлдинг, ҳаловатга ёв бўлдинг,
Рози бўлиб ўлжа бўлдинг, ов бўлдинг.
Ўзингга ҳам, менга ҳам биров бўлдинг,
Билиб туриб ўз бахтингдан кечдингми,
Кундошликнинг оғу ошин ичдингми?

Гулюзгинам, гулифорим, гулойим,
Сўра, мени афу этсин худойим.
Бу менинг энг кечирилмас хатойим,
Билиб туриб ўз бахтингдан кечдингми,
Кундошликнинг оғу ошин ичдингми?

2010

СЕЗАРМИКИНЛАР

Юрагим анордек узармикинлар,
Кейин кафтга олиб эзармикинлар?
Висолин қизғониб жоним олганлар
Соғинчдан ўлганим сезармикинлар?

Менинг умрим умид, овунч йўлидир,
Ғуссага ўралган севинч йўлидир.
Сизнинг йўл эмас, бу – соғинч йўлидир,
Соғинчдан ўлганим сезармикинлар?

Бармоғи ингичка, кўнгли нозик қиз,
Шундоқ кўргуликни сиз ёзибмисиз?
Айтинг, шу савдога муносибмисиз,
Соғинчдан ўлганим сезармикинлар?

Мен йўқ гулшанда шод кезармикинлар,
Гул билан гулюзни безармикинлар?
Соғинч кўчасидан ўтмаган гўзал
Соғинчдан ўлганим сезармикинлар?

Бахт шу-да, қўлларинг қанот саналса,
Довоннинг тошлари новвот саналса.
Бахтлиман агар туш ҳаёт саналса,
Соғинчдан ўлганим сезармикинлар?

2010

МИСОЛ

Ошиқлик кўп оғир кулфат:
мисол учун,
Кеча-кундуз чекдим-а дард
висол учун.
Кеча дарди оғир, кундуз –
ундан оғир,
Шундай кечар куним баттар
кундан оғир.
Онам мени қийноқ учун
туққан экан,
Билмайман бу севги қайдан
юққан экан.
Кўзим юмсам, кўзи кулиб
тураверар,
Кўзим очсам, ўзи кулиб
тураверар...
Унутамаман дейман, аҳдим –
унутамаман,
Кимлигимни кўрган вақтим
унутамаман...
Бармоғида кўзим боғлаб
олган ўша,
Кўнгилжонимни ачоқлаб
олган ўша...
Ҳа, шунақа, дунё чаппа
мисол учун,
Фақат кулфат ўнг келади
Иқбол учун...

2010

ТОШКЕНТ ХОМАСИ

Музей ҳам хилхона қадар муқаддас,
Шовқин солинмайди бу ерда зинҳор.
Осори-атиқа сокин берар сас,
Бунда аждодларнинг уйғоқ руҳи бор.

Камони Чочий бу – машҳури жаҳон,
Қай бир бобом кийган ушбу жомани.
Илкис кўриб қолдим дўсти қадрдон –
Суякдан йўнилган қалам – хомани.

Мўжизага жазман бани одамзод,
Хайратга ҳамиша талабгор олам.
Биринчи мўжиза мана шу, ҳаёт,
Биринчи инкишоф шу – хома – қалам!

Масихдан аввалроқ, милоддан нари,
Бинкат осмонига сочган қатим нур –
Энг қадим идрокнинг тасаввурлари,
Биринчи даҳодан мерос тафаккур!

Кўзойнагин артиб бўйинбоғига,
Қайта тикилади оқсуяк жаноб.
Маърифат ахтарган зот сўроғига
Ундов белгисидек шу хома жавоб.

Танга-терсакларда жозиба бордир,
Қилич-тўфангларда даъво, истило.
Вале кимки қалам тутмоққа қодир,
Дилида эзгулик, зехнида зиё.

Чин солномалари “Чже” деб ёзган,
Камон товушини эслатар бу сўз.
Боболар хат боғлаб камондан узган:
“Бизга чин дўст керак, садоқатли дўст!”

Нурга чулғадими Миср кўкини
Буруқсаб Искандар кутубхонаси?
Бобил таназзулин битди ўкиниб
Қадимий ўзбекнинг суяк хомаси.

Бу шундай элдирки, қон-қонигача,
Суяк-суягига қадар маърифат.
Бир ёруғ сўз учун жонидан кечар,
Тўнға омонлик тилайди фақат.

Кўҳакийнинг қутлуғ қўллари тутган,
Шошийлар илкида азиз бу қалам.
Битса, дўсту ёрга мактублар битган,
Хома билан яқдил бўлгандир қалб ҳам.

Қодирий қўлини қайирган қаттол
Дилимга сиёҳдек сочган аламини.
Кейин ёқа тутган ақли шошиб, лол,
Ойбек бармоғида кўриб қаламини.

Биларсиз, Оқсарой пештоқларига
Зўр Темурий ҳикмат ёзилганини.
Биларсиз, Тошкентнинг янги тархига
Қаламда таҳрирлар чизилганини.

Ватаним саждагоҳ каби муқаддас,
Тошканди азимнинг сирли саси бор.
Зўлдирдек айланган чоғ курраи арз
Таянч нуқта топган мадрасаси бор.

Тошкент – севганники, ой – ҳамманики,
Меҳрим изҳор этай дилнома билан.
Фарзандлар сафида турибман токи,
Қўлда отамерос шу хома билан.

2010

ЙЎЛ

I

Кўп нарсани англаб етган йўқ кўплар,
Кўз билан кўрганин ҳаёт деб ўйлар.
Тирсакка ёнбошлаб, беғам чой хўплар,
Ўзидан кўпайиб ётибди қўйлар.

Қорин тўйса, қайтиб очмайдигандек,
Очқаб қолса, тўйиш маҳолдек гўё.
Кун ботса, қайта нур сочмайдигандек,
Кун ўтса, толега камолдек гўё.

Кўплар хурофотнинг тўрқовоғида
Масала ташлайди даққионусдан:
Чувалчангга қанот битган чоғида
Хеббимдан фойдами ёки даюсдан?

Носвойни қадрият деб билар мулло,
Паловхонтўра деб улуғлар ошни.
Дуоси – қадахсўз, майсўзи – дуо,
Азада эслайди қавм-қариндошни.

Кўп нарсани англаб етган йўқ кўплар,
Оламда нима гап, қилмайди парво.
Кимдир қалам йўниб, ясайди чўплар,
Кимдир ихлос билан сочади иғво.

Кўздек қўшниман, деб кўролмастар бор,
Оғалик даъвосин қилганлар қанча.
Этакка илашган қўйतिकан бисёр,
Тикон сочиб мамнун кулганлар қанча!

Шайтон ва фаришта омухтаси у,
Тангри ва иблиснинг эрмак-овунчи.
Бир томирда ваҳшат солади қутку,
Бир томирда урар жаннат соғинчи.

Тош давридан мерос хунхор худбинлик,
Қулдорликдан қолган эгалик ҳиси.
Ўзга маҳлиёлик, ўзга мафтунлик,
Қоришиқ исириқ ва ўлим иси.

II

“Оқбўйранинг суви тезроқ оқиб кетсин”,
Қатронларни ювиб кетсин, қатронларни.
Қурбонларнинг фарёдига худо етсин,
Юрагимга кўмдим барча қурбонларни.

Мана фитна, мана нифоқ, найранг сизга!
Олтибетли дунё ўйин кўрсатади.

Одамзодга қирғин келса байрам сизга,
Бу байрамлар кўз бўяшни ўргатади.

Зиёратга боролмайман, Сулаймонтоғ,
Жон ўрганар экан ситам – азиятга.
Ўқ теккандек юрагимда чандиғу доғ,
Ҳар бир сатрим айланяпти васиятга.

Муғаннийлар сози синган, ранги сомон,
Шу пайтда ҳам мен ўзимнинг ғамим ейман.
Қиёматда қўл узатса Шавкат Раҳмон,
Қай юз билан қўл чўзаман, нима дейман?

III

Худудни билмайди озод турналар,
Шамоллар ошади чегара – ҳаддан.
Баҳор на ҳужжат, на муҳрни билар,
Чегара билмайди аслида Ватан!

Зобитлик ғарази ҳавасимда йўқ,
Юртимдан ўзга ер этмасман даъво.
Фақат кенгроқ бўлгин, дейман, тасаддуқ,
Қаҳрингни юмшатгин, дейман, эй дунё!

Эй одам, барчага етади олам,
Эй инсон, барчадан қолар бу жаҳон.
Нечун қисматингда бунча ғам-алам,
Нега пешонангда нолаю афғон?

Худодан кўркмаган ботир саналмас,
Ўйласам, жонимдан қочар дармоним.
Мен ҳам Алишердан мудом олдим дарс,
Бобур қайда бўлса, андадир жоним.

Келгин, эътиқодинг берай чегалаб,
Иблисни қувайлик, қардош, қайтадан.
Ваҳшийлар йўлини тўссин чегара
Ва ер юзи бўлсин инсонга Ватан!

IV

Осмон залворини тоғлар кўтарар,
Тевада нима гап, билмаймиз бизлар.
Икир-чикир билан кунимиз ўтар,
Кўп нарсага парво қилмаймиз бизлар.

Боши берк саволга учраган чоғда
Э, худо билади, деймиз силтаб қўл.
Мабодо онгимиз қолса қийноқда,
Катталар бор, деймиз, ўзи топар йўл!

Ёшлар-ку янгича, ўктам, жарангдор,
Юракда ёли бор – маълум кўзидан.
Шу боис улардан ҳамма умидвор,
Йигит сўзиданми, арслон изидан.

Сиз энди ортиқча қилманг даҳмаза,
Сиз ҳам катта йўлга ўзни чоғланг, дўст.
Офтоб кўрмаса гар – қовун бемаза,
Қовғани ўрмаклаб белни боғланг, дўст!

V

Халқаро ифвогар сизга ҳам ғаним,
У харомхўр инсоф топса қанийди.
Ҳар бир бармоғидек билар ҳаммани,
У сизни ҳаммадан яхши танийди.

Чунки сиз меҳнаткаш, содда, тўпори,
Барчани ўзидек оқкўнгил билган.
Тарих далолати: аблахлар бари
Самимий одамнинг терисин шилган.

Ҳали жанг олдинда – пинҳон, ошкора,
Зўрлигу зорликни йўргаклаган жанг.
Не-не бегуноҳга чапланар қора,
Қаловини топар устаси фаранг.

Кўп нарсани англаб етган йўқ кўплар,
Нақадар қалтис бу озодлик йўли.

Уйдан чиқманг, шу рўзгорга керак бўлса гар ёстик,
Отангизга болиш бўлинг, онангизга парёстик.
Билагимни болиш қилиб юлдуз санаб ётаман,
Армон менинг ёпинчиғим, менга мудом дард ёстик.

2011

ЧОҒЛАР

Бир яқин, бир йироқ кўринар тоғлар,
Келинг кўнгиляқин дўстлар, ўртоқлар.
Музлаган кўнгимдан кўчар титроқлар
Қоялар бошида қор кўрган чоғлар.

Ер тепиб депсинар дулдул юрагим,
Эшилиб буралар сунбул юрагим.
Эзилиб йиғлайди булбул юрагим
Ножинслар қўлида тор кўрган чоғлар.


Ошиқ қисматига кўнгим келади,
Ёр қаддига қурбон бўлгим келади.
Хушбўй чилвирларда ўлгим келади
Гўзаллар белида дор кўрган чоғлар.

Бир нафас ёришиб кетади дунё,
Юракни сийпалар ипақдек зиё –
Кўрган чоғ қизларнинг юзида ҳаё,
Йигитлар шаҳдида ор кўрган чоғлар.

Ўзини бозорга солган ановлар,
Харидор ахтариб қолган ановлар.
Сўнг ўзлари сотиб олган ановлар
Яйрагай азизни хор кўрган чоғлар.

Кўрганда элаган ёр бўлмас эмиш,
Ёр бўлса, йўлингга зор бўлмас эмиш.
Иқбол у жойларда бор бўлмас эмиш,
Унга зор бўлмаган ёр кўрган чоғлар.

2011



Қўл ёзишга, бундан
қўл ёзишга, бундан
қўл ёзишга, бундан

ПАСТКАШ

Сиз ўйламанг, у эски гадой – пасткаш,
Гап шундаки, бугун янги бой пасткаш.

Гўрни кўrsa Гўрўғлиман дейди у,
Гўр кўпориб солар ҳовли-жой пасткаш.

Хўрлик ёмон, хорлик ёмон жонзотга,
Эшак бўлар агар минса той пасткаш.

Камсукумман, деб хотинга кечалар
Солдиради бошқа-бошқа жой пасткаш.

Ўнг чўнтакдан чап чўнтакка пул солиб,
Сўнг ўзига қуйиб олар чой пасткаш.

Оёғини судраб-судраб ташлар у,
Ҳеч бўлмаса илашсин, дер лой, пасткаш.

Вақт сўрасанг, соатдан ҳам уради,
Жавоб бериб дудмал, пойма-пой пасткаш.

Темирсандиқ очса, фақат пул кўшар,
Сандиқ очса, очади чирой пасткаш.

Чиқим десанг, жони чиқар даюсинг,
Чиқим дедим, эшитдингми, ҳой пасткаш!

2011

ЖОНИМ

Жонимдан тўйганман, ҳаётдан панд еб,
Ким сўз очса, қалбим ярасин очар.
Агар ўлиб кетсам ўксимагин деб
Ўлиб кетай агар, юрибман ночор.

Кўрган куним қурсин, кунимни кўрдим,
Юзлаб юзсизларга бўлдим юзма-юз.
Худо урганларга ўзимни урдим,
Йўлдан урган билан кетдим изма-из.

Азизам, ўзинг айт, бедилда не дил?
Ўт-ўлан ичра ўт ичрадир ўлан.
Азизам, эгилсанг осмонга эгил,
Суҳбат қур кўнглини қурганлар билан.

Кимга керагим бор? Яшашга йўқ эп...
Қўлсиз, оёқсиз ғам юрагим очар.
Агар ўлиб кетсам ҳафа бўлма деб
Ўлиб кетай агар, юрибман ночор.

2011

СЕНИ ЎЙЛАСАМ

Гул, келдинг умримнинг куз палласида,
Шамоллар гувлайди сени ўйласам.
Гулбўрон – илк қорлар арафасида
Юрагим гуллайди сени ўйласам.

Қайси феълим ёқиб меҳрибон худо
Сендай гулни менга айлади ато?
Энди хато қилсам бўлади хато,
Худойим қўллайди сени ўйласам.

Қайтмас бўлиб мендан кетган гулюзлар,
Ёнимга қайтишга ёниб йўл излар.
Олисдан кўз қисиб бир-бир юлдузлар
Бўсалар йўллайди сени ўйласам.

Тилим – юрагимнинг давомидир, гул,
Юрагим икки юрт довонидир, гул,
Довонда бир гулнинг товонидир гул,
Ўлиб ҳам бўлмайди сени ўйласам.

2011

Кўнглида нима бор, бўлмайман

ЎТТИЗИНЧИ АСР МУЗЕЙИДА

Акагинам С. га

Манов қути – телевизор.
Шўрлик ота-боболар
Босим ўтириб, бундан
Кўрган кино-пинолар.

Манов қути – компьютер.
Минг йил аввалги аждод
Дунё билан боғланган,
Деган бу зўр кашфиёт.

Манови – учар кема.
Бунда кўкка учишган,
Ибтидоий боболар
Коинотни қучишган.

Қўл теккизиш мумкинмас,
Барчаси ноёб мерос.
Қатъий талаб, жаноблар,
Полга туфламанглар нос!

2011

К ОРАҚАЛПОҚ ИЛҲОМЛАРИ

Коса


*Нукусдаги Савицкий музейида
коса учун теридан тикилган ғилоф бор.*

Бир тери ичида неча бор озиб,
Неча бор семирар ушоқ мол, дерлар.
Ултонда аввал ҳам тузбўрон тўзиб,
Яна лим-лим тўлган Кўк Орол дерлар.

Умидим бор Тангрим марҳаматидан,
Қардошим хўрсинса, кўзим тўла ёш.
У ҳам бовурим деб тушиб отидан
Чинни косасида тутар гўжа ош.

Оёғим тагида кулдиргичим бор,
Битта жойни босиб туролмайман ҳеч.
Ахир, йўлларимда Хива интизор,
Ўшдаман саҳарда, Мўйноқдаман кеч.

Кўшиқлар тўқийман оғир ва қувноқ,
Жон бериб тинглайман эл баётини.
Сафарда топганман, дўст қорақалпоқ,
Кўнгил косасининг эҳтиётини.



Коса учун теридан тикилган ғилоф бор.

Устюрт чўлларида юрагим куйган
 (Кўй юнгин жингала қилар бу офтоб).
 Сарвиноз, қимизми, қимрондан қуйгин,
 Юрагим буғланиб кетади шу тоб!

Кўнгил кўнгилдан сув ичса қонажак,
 Жонон коса бердим сенга, жонона.
 Ажиниёз бўлиб сочайин чечак,
 Розиман, қўлингда тўлсин паймона!

Тўнкариб қўйилган коса – ўтов бор,
 Кўбиз бор, чанқовуз, шу-да чанғароқ.
 Ўртада муҳаббат ёққан олов бор,
 Тутуни йўқ ҳисоб, чўғи ярқироқ.

Терисига сиғмас дийдордан ўзбек,
 Фироққа тополмас айни дам бардош.
 Дўппимни қўйнимда сақлаганимдек
 Қора қалпоғингни асрагил, қардош!

2011

Мўйноқда ёзилган шеър

Қорақалпоқ десам очилар қучоқ,
 Дастурхон ёзилар, “Қоратов”, вой-бўй!..
 “Тўйда кўришгаймиз!” дер қорақалпоқ,
 Биз қачон кўришсак, ўша кунни тўй!

2011

Эллик биринчи қалъа

Неъматилла оғага

Сирга тўлиб ётар чексиз далалар,
 Ўйга чўмиб ётар кўхна қалъалар.

Дарё хотираси – ултонларда сир,
Хирқа кийган дарвиш султонларда сир.

Аёзқалъа, Тупроққалъалар бугун
Асрор чилвирида чигал бир тугун.

Тўкилган, нураган мазгиллар қатор
Олам жумбоғини ачомлаб ётар.

Бу нечук салтанат, бу нечук маъво,
Бобом нафасини келтирар ҳаво.

Сирли қалъаларда сир босиб юрдим,
Қалъалар ичинда бир қалъа кўрдим.

Ертепа бўлса-да бошқа қалъалар,
Бу қалъани мангу баҳор аллалар.

Гарчи қалъаларим бари сир тўла,
Бунисининг бағри кумуш нур тўла.

Абадий қўрғон у! Абад қалъа у!
Кўзларида юлдуз ёнган бола у!

Оғажон, бағрингга босиб болангни,
Асра келажагинг – Кўнгилқалъангни!

2011

Шоир

*Мўйноқ йўлида “Ажиниёзни зиёрат қилайлик”, дедим.
Йўлдошлар “Йўл оғир, шоирнинг ёнига бориб бўлмайди”,
деб қатъий жавоб беришди.*

Йўл оғир. Жонликни бодроқ қилар ёз,
Тиниқиб бир нафас олиб бўлмайди.
Юз йилки, йўлимга зор Ажиниёз,
Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Шеърни ҳар куйга, куйга солиш мумкин,
 Шоирга андоза, қолип бўлмайди.
 Шоир кўшиқларин ёд олиш мумкин,
 Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Ер ютган минора – сувсиз қудуқлар
 Садосин билмаган ориф бўлмайди.
 Чинқириб учади безовта руҳлар,
 Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Тўп кўпорган қабр чекмоқда фарёд,
 Уриб, бошларингни ёриб бўлмайди.
 Узоқлашиб борар тобора Хирот,
 Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Терисин шилишар, дорга осишар,
 Бу жангда мағлуб йўқ, ғолиб бўлмайди.
 Оғочга суяниб қотиллар йиғлар,
 Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Шоирлик – инсоннинг болалик пайти,
 Бу даврда абадий қолиб бўлмайди.
 Болалиқдан кетдик ҳаммамиз дайдиб,
 Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Мен ҳам кетгандирман балки ўзимдан,
 Ҳатто ўзингдан ҳам нолиб бўлмайди.
 Дўстларим, эргашманг фақат изимдан,
 Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

2011

ЭРКАК АРБОБГА

Севмаёқ кўй бутун аҳли оламни,
 “Аёл!” деган сўзга қулоқлар тўлди.
 Рози қил биргина мушфиқ онангни,
 Хотинингни хурсанд қип кўйсанг бўлди...

2011

БЎЛМАСМИ?

Қонинг жўшса, кўзёш қайноқ бўлмасми,
Тўксанг, кўксинг куйса қийноқ бўлмасми?
Ичга ютсанг юрагинг доғ бўлмасми,
Ишқ гулхани бизга сабоқ бўлмасми,
Бўлмасми ёр, бўлмасми ох, бўлмасми?

Елган эдик оқ тулпорга мингашиб,
Шаршарадан сув ичардик энгашиб.
Ортимиздан ой юрарди эргашиб,
Сўзломаса кўрган гувоҳ бўлмасми,
Бўлмасми ёр, бўлмасми ох, бўлмасми?

Кўзим юмсам ҳалқа-ҳалқа тушдирсан,
Тушларимдан учиб чиққан қушдирсан.
Мен ўзимни кучоқлайман кучдирсанг,
Кўзни очиш энди гуноҳ бўлмасми,
Бўлмасми ёр, бўлмасми ох, бўлмасми?

Иқбол куйса, сен бепарво кулдинг деб,
Тирноқ солиб жон томирин юлдинг деб,
Нима қилмадингу нима қилдинг деб,
Охиратда сенга сўроқ бўлмасми,
Бўлмасми ёр, бўлмасми ох, бўлмасми?

2011

ИШ БИТГАЧ

Иши тушса, эшакни
Тоға деб тиз чўкди у.
Иш битгач, ўз тоғасин
Ҳе, эшшак, деб сўкди у.

2011

НИМА ЯХШИ-Ю НИМА ЁМОН

Мени устоз билганинг яхши,
Дил дафтарим титганинг ёмон.
Қора тортиб келганинг яхши,
Қора тортиб кетганинг ёмон.

2011

ЭНДИ

Энди сизга ҳаво етмай қолдими,
Энди ғашлик келиб, кетмай қолдими?
Мисингиз чиққани қачон эди-ю,
Сийқа обрўйингиз ўтмай қолдими?

2011

БЎЛМАГАЙ

Яратганнинг инояти – кўкдан келар имдодлар,
Оби раҳмат деб ёмғирга кафтин тутган аждодлар,
Тўғон қуриб дарёларга тўғаноқ бўлган зотлар,
Офтоб сочган зиёларнинг йўлин тўсиб бўлмагай,
Дарё-дарё дуоларнинг йўлин тўсиб бўлмагай.

Бу дарёда қозоқ қувган маролнинг ҳам ҳаққи бор,
Махтумқули экиб кетган ниҳолнинг ҳам ҳаққи бор.
Нон урмасин, туз тутмасин, Оролнинг ҳам ҳаққи бор,
Самум чалган наволарнинг йўлин тўсиб бўлмагай,
Дарё-дарё дуоларнинг йўлин тўсиб бўлмагай.

Кишда қорни қизғангувчи пастдан Ўзи асрасин,
Хамсояга чоҳлар қазган қасдан Ўзи асрасин.
Табиатдан қайтар қасос-қасддан Ўзи асрасин,
Сирли-сирли нидоларнинг йўлин тўсиб бўлмагай,
Дарё-дарё дуоларнинг йўлин тўсиб бўлмагай.

Ҳасадгўйнинг қўрғонига қуш ҳам қўнмас дейдилар,
Худойимнинг берганига номард қўнмас дейдилар.
Ношукурнинг тўғоню қўнгли тўлмас дейдилар,
Саболарнинг, ҳаволарнинг йўлин тўсиб бўлмагай,
Дарё-дарё дуоларнинг йўлин тўсиб бўлмагай.

2012

ҚИЗИМ КУМУШОЙ

Менга олтин нима, менга нима дур?
Баридан аълосан, қизим Кумушой.
Ёруғ дунё нима, олам нимадир,
Қароғим гавҳари – кўзим Кумушой.

Кулсанг ёришади зимистон хонам,
Қошингда мунтазир онангу онам.
Ягона худойим берган ягонам,
Йиғласанг, ёш ювар юзим, Кумушой.

Кулгинг кумуш бўлса, чехранг тўлин ой,
Кечалар узаниб силар қўлинг ой.
Қуёш хизматингда, содиқ қулинг ой,
Юлдузчалар тизим-тизим, Кумушой.

Сен дунёга келдинг, дунё хуш бўлди,
Ёмон кунлар қолди, эски туш бўлди.
Жужуққинам, нега қўлинг мушт бўлди?
Менинг айтолмаган сўзим – Кумушой.

Сенга қўшиб худо берди фароғат,
Момик сочларингда ажиб тароват.
Термулсам бир ҳузур, ўйласам роҳат,
Жонингдан айланай ўзим, Кумушой!

2012

ЎХШАЙДИ

*Қайда бўлсанг сен билан
Севгим яшар, ёр-ёр...*

Муҳаммад Юсуф

Қизлар айтган ёр-ёрда
Армон борга ўхшайди.
“Висол оқшоми”да ҳам
Ҳижрон борга ўхшайди.

Келинчакнинг боши ҳам,
Кўзи намга ўхшайди.
Йиғлаб-йиғлаб сўнгги дам
Кўникканга ўхшайди.

Дугонаси недандир
Хабардорга ўхшайди.
Изтиробга, ташвишга
Сабаб борга ўхшайди.

Куёвбола паришон,
Маили йўққа ўхшайди.
Мажнун бор-у, ёнида
Лайли йўққа ўхшайди.

Келин-куёв кўнгилсиз,
Дили ғашга ўхшайди.
Севгисиз ҳаёт, эсиз,
Тузсиз ошга ўхшайди!

Менинг хаёлим бузган
Аламимга ўхшайди.
Келин менга хат ёзган
Аллакимга ўхшайди.

2012

ТОШОТАР

Булар жуда жиддий – қошлари тугун,
Сопқонда сўз отиб, йиғиб турибди.
Муқбил тошотарлар ўрнига бугун
Мухбир тошотарлар чиқиб турибди.

Муқбил тошотар тош отарди ёвга,
Ҳақсизликни кўрса қилмасди тоқат.
Мухбир тошотар тош отмас бировга,
Пойлаб ўзиникин чайнайди фақат.

Кўкрак кериб, мағрур юарди Муқбил,
Ким кўрган йигитнинг чекинганини?
Отини, зотини яширар мухбир,
Кўринг, интернетга бекинганини!

Шармандага кенгдир бугун интернет,
Сичқон ҳар жойга бош суқиб турибди.
Муқбил тошотарлар ўрнига сурбет
Мухбир тошотарлар чиқиб турибди!

2012

БИР ТЎЙ ТАЪРИФИДА

Ҳазил

Тўю томошо дерлар, тўйи томоша бўлди,
Думбасин кўтаролмай қўйи томоша бўлди.

Куёв бенгал шамидек, хитой фонусдек келин,
Кўз тегмасин, бўйлари бўйга яраша бўлди.

“Лимузин”, “Форд”, “Мерс”... ўттиз чоғли мошин
келди-ёв,
Кам деб чиқмади келин. Андак хархаша бўлди.

Шер келди, Юлдуз келди ва сунъий юлдузчалар,
Мумтозга эстрада қўшилиб “каша” бўлди.

Кеча “депорт” бўб қайтган уста Ўктам сочган пул
Отарчининг бошига томдан тараша бўлди.

Бир ариқ арақ бўлди, бир ариқ бўлди вино,
Миркомил Миша бўлди, Сойибжон Саша бўлди.

Мезбоннинг ҳисобидан меҳмонга тутиб шароб,
Герлаб Фахриддин зикна саховатпеша бўлди.

Кудағайлар ўйнади уриштириб қорнини,
Сархушроқ ўйинчи қиз шу жойда пашша бўлди.

Қистирилган долларни чўнтакка урди қуда,
Урди худо, қудалар аро машмаша бўлди.

Чимилдиққа келинни ғилдиратди тойбола,
“Қувват берсин”, “Бўш келма”, “Июв! Ҳа, яша!” бўлди.

Келинлик касб эмасдир, ҳунар эмас куёвлик,
Кудағайлар ташвиши қўшилиб қўша бўлди.

...Келин кетди ҳўппайиб, куёв қолди сўппайиб,
Сезиб турганингиздай, яқуни... ўша бўлди.

2012

УНУТМА

Унутма, худойим бизни эркалаб
Учраштириб қўйган кунни унутма.
Унутма, юзингдан олгунимча лаб
Қушдек учиб кетган тунни унутма.

Бир тола сочингни айлаган тумор,
Бўйларингдан масту бўйингга хумор –
Ким бўлса, ўшани унутма зинҳор,
Бағри қон, юраги хунни унутма!

Умрим ором билмай ўтар аломат,
Сен қаерда бўлсанг, шунда ҳаловат.
Қайларда бўлсанг ҳам бўлгин саломат,
Мен сени севаман, шуни унутма!

2012

ЛАБИ ҒУНЧАДЕК

Лаби ғунчадек, тиши –
Қордек эди, ўйласам.
Ўртамизда нимадир
Бордек эди, ўйласам.

Қуралай кўзларининг
Қири билан қарарди.
Ўн уч ёшли қизчанинг
Сири билан қарарди.

Қоши қора қундуздек,
Бармоқлари ингичка.
Айёр бўлар қиз бола
Кирганида ўн учга.

Қайрилма кипригини
Пирпиратар атайин.
Мен бетоқат, безовта,
Нимасини айтайин!

Мехрдан сал каттароқ,
Севгидан сал кичкина –
Ўн уч ёшдаман, бироқ
Ухлолмайман тинчгина.

Қараб қўйса бошқалар,
Терим қизир – ор эди.
Айтдим-ку, орамизда
Нималардир бор эди.

Ўйин бошлади ҳаёт,
Қувалашиб кетдик биз.
Йўл чигал, манзил чалкаш,
Чувалашиб кетдик биз.

Нолимайман тақдирдан,
Шукур, каму кўстим йўқ.
Фақат кўнглим олисда,
Кўнгил деган дўстим йўқ.

Тасаввур-да, у менга
Зордек эди, ўйласам.
Ўртамизда нимадир
Бордек эди, ўйласам.

Кўнгил деган зорманда
Тўлмас экан, дейсизми?
Одам зоти армонсиз
Бўлмас экан, дейсизми?

Энди ортга қайтиш йўқ,
Умр ўқдек, ўйласам.
Ҳамма нарсам бор, аммо
Недир йўқдек, ўйласам.

2012

ШОГИРД

Устозга гул тутган баъзи нокаслар
Мушт кўтариб келар шогирд қасдига.
Устозга тишлари ўтмаган пастлар
Шогирдга ташланар хуморбосдига.

Яшаш чидаганга чиққан, жон жўра,
Кимнинг мушти, кимнинг юраги қадоқ.
Ҳаёт мактабида устоздан кўра
Ҳанимлари кўпроқ бераркан сабоқ.

2012

ДАРАХТЛАР

Бардошингиз учун қуллуқ, дарахтлар!
Бир жойда кўкариб, ёйдингиз қулоч.
Чидадингиз бўрон қутурган вақтлар,
Қаҳратон қаҳрида юпун, яланғоч.

Челаклаб сув урди кузги булутлар,
Қора совуқ тиглаб бағрингиз ёрди.
Баъзан пойингизга туташди ўтлар,
Гоҳ бошингиз чақмоқ уриб юборди...

Сиз ўсавердингиз қатъий ва ўжар,
Юксалавердингиз матонат билан –
Кўксингиз ўйса ҳам дурадгор қушлар,
Ризқингиз қийса ҳам чирмовиқ – илон.

Қаноат қилдингиз йил келса қурғоқ,
Япроқлар мушт бўлиб тугилди қатор.
Танангизни қучиб боссалар қулоқ,
Жаннат ариғининг шовурлари бор.

Мевалар тўкасиз дастурхонларга,
Тозалаб берасиз аччиқ хавони.
Суяниб сиздаин қадрдонларга,
Ўйлайман бетайин, саёқ дунёни.

Пўстлоғингиз силаб томиримда нур,
Қўшиғингизда бор хушбўй дараклар.
Борингизга шукур, Сизга ташаккур,
Ватандош дарахтлар, юртдош дарахтлар!

2012

АКАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Акалар – шумтакалар
 Укаларни яккалар.
 Араз урдик, еб кетди
 Маккаларни ҳаккалар...

Бола эдим беш яшар,
 Акаларга эргашар.
 Акаларимга эрмак,
 Доим туртиб-тергашар.

Эсингизда бордир-а,
 Қийнайди бир хотира.
 Сутдек туман, Жийдали,
 Юрак потир-потира.

Мен жонсарақ йўрғаман,
 Йўл танийман зўрға ман.
 Акаларим ёнимда,
 Айтинг, кимдан қўрқаман?!

Акалар-шумтакалар
 Атрофимда ҳаккалар.
 Бирдан ғойиб бўлишди
 Ёрилди ўтакалар.

Анов қора бўрими,
 Анов шарпа ўғрими?
 Акаларим йўқ, айтинг,
 Манави йўл тўғрими?

Аввал йиғлаб бақирдим,
 Исмин айтиб чақирдим.
 Тасаввур қилаверинг
 Жужуқ бола пақирни.

Юрагим тамом тушди,
Томирларим увушди.
Қўққис қибла томонда
Оч бўрилар улишди.

Ерни қучиб йиғладим,
Елкам учиб йиғладим.
Сутдек туман ичида
Чўчиб-чўчиб йиғладим.

Худди чиққандек ердан
Акалар пайдо бирдан.
Қулишади хахолаб
“Ўл-а, сендай ботирдан!”

Акалар-шумтакалар
Қийқиришиб ҳақкалар.
Жичча уят, жичча ор
Юракчамни тилкалар.

Кифоя шу ҳикоя,
Топган яхши ниҳоя.
Лекин пича оғриқ бор,
Юрагимда бор соя.

Ҳаёт экан, кейин ҳўб
Акалар топдим тўп-тўп.
Ўйин қилиб кўнглимни,
Озор бергани ҳам кўп.

Жиддийроқ иш лек энди,
Бири қўққис чекинди.
Қўлин юлиб қўлимдан
Туман ичра бекинди.

Гоҳо ўпкам тўлади,
Акам яйраб кулади.
Бўри бўлиб ўзича
Кўрқитмоқчи бўлади.

Акалар – шумтакалар
Укаларни яккалар.
Араз урдик, еб кетди
Маккаларни ҳақкалар...

Дилимни дард лаънати
Сурнай қилиб чалади.
Ярим йўлга етганда
Бу ўйинлар ғалати.

...Ўшанда билмагандим,
Ростдан дил тизлагандим.
Акаларим адашиб
Кетди деб йиғлагандим...

2012

ЎТИНЧ

Менким, Ёфас ўғли, Саага қоғони,
Тангри ёрлиғ берди – бағри бут бўлдим.
Тарих отасининг бош қахрамони –
Олтойдан Ёйиққа тангрикут бўлдим.

Тойғоқ ўтлоғида ҳайдадим сурув,
Тангри тоғдан ошдим уюрим билан.
Ҳийқириб Бойкўлга ташладим ғулув,
Даштларни уйғотдим сурурим билан.

Отдан ҳам эгардан тушмаган кезим
Ёғийлар қасд қилиб овора бўлди.
Илк бор узангини кашф этдим ўзим,
Душман ҳам отланиб сувора бўлди.

Дағдағамдан пусиб оқарди Эдил,
Кулсам, гумбурларди момоқалдироқ.
Ўқларим ёғмурдек ёғилар эди,
Илкимда қиличдек чақнарди чақмоқ.

Тик туриб ухлашга ўрганди отим,
Совутга – кежимга кўникди тулпор.
Тинчлик учун уруш эди муродим,
Кураш учун яшаш ботурга шиор.

“Тўрт булунғ қап яғий” қаттиқ замона,
Йиртқич ўкирикка тўлмишди очун.
Ер емиш сўрарди яна ва яна,
Чечаклар сувсинга сўрар эди хун.

Дили хун, бағри хун, хун бўлдим охир,
Тинмади қонимга ташналаб ғаним.
Гоҳ ёвни ўкузга чўктирдим бир-бир,
Гоҳ бошим ахтариб тентиди таним.

Эпкиндек чегара билмай ошиқдим,
Буюк девор ошдим лочин сингари.
От ила Колизей йўлига чиқдим,
Фақат олға юрдим, босдим илгари.

Симобдек омонат, югурик қисмат,
Равнақнинг адоғи таназзул бўлгай.
Нечун самовотдан тўкилади гард,
Наҳот юлдузлар ҳам куйиб кул бўлгай?

Билга қоғон эдим, Эр Тўнгға эдим,
Кутлуғ эсаргулар тескари эсди.
Салтанатни ички терсчилик еди,
Сўнг ёғий босди-да, боғлади, кесди.

Кейин Энасойда кун кўрдим йиллаб,
Томирлар отга ем, менга ош бўлди.

Ўрхун битикларин чекурдим йиғлаб,
Битиктош бошимда қабртош бўлди.

Тангри рост келтурди, кўзимни очдим,
Эл кўзини очдим, сочдим ҳидоят.
Пок иймон, эътиқод шарбатин ичдим,
Кулоҳимни кийиб йиғдим ҳикоят.

Мўғул ҳам, тотор ҳам ўз уруғимдан,
Қонида қоним бор, жонида жоним.
Дўстлик кимдан етур, ёвчилик кимдан,
Ўзинг мадад бергил, Соҳибқироним!

Улуғбек Мирзоман, ўз қўлим билан
Ханжар чархлаб бердим Абдуллатифга.
Хонум деб енгимда сақладим илон,
Фақат юлдузларни солдим тартибга.

Навосиз улусга наво бахш этдим,
Занжирини узиб шер айлади жаҳд.
Каъбада шоҳ учун юкунмоқ эдим,
Этагимни босиб қолди пойи тахт.

Самарқандни қурдим, Кобул, Ҳиротни,
Барокўҳ тоғига солибмен хужра,
Обод эта келган байти ғоратни
Яна одам борми одамзод ичра?

Синдни кечиб ўтдим дилда яролар,
Ограда тош кесиб қудуқ кавладим.
Армоним тимсоли “Боғи вафо”лар,
Андижонга савол ҳиндий давлатим.

Кўкалдошим эди темурий меърож,
Кажрафтор фалакда қуёш терс юрди.
Саркаш шаҳзодалар талашаркан тож,
Бек мадраса бузиб, мақбара қурди.

Юрак-юрагимдан сизар нолалар,
Боши қовушмаган аскар – қўшинмас.
Куйдирар ўзимдан чиққан болалар –
Қирқ йил қайнаса ҳам қони қўшилмас.

На туз бор сўзида, на нур юзида,
На журъат, на сабр, на адолат бор.
Табғач деганида титроқ тизида,
Ўз туққан элида ўч – адоват бор.

Номимни йўқотдим, беном, бенишон,
Пири комил дедим ғайри дарғани.
Ақлим бовар келмас, билмасман ҳамон
Тангри не сабабдан мени қарғади.

Эмгак ила кечди қатор асрлар,
Арпа, буғдой сепиб, хурофот йиғдим.
Ёрғучоқ хурофот эзди ғисирлаб,
Тавофга хурофот тоғига чиқдим.

Ғаним ҳам, душман ҳам, ёғий ҳам, ёв ҳам
Ўзимга ўзимдир, ўзимга ўзим.
Сотқин руҳ қалбимга тикмишдир алам,
Жонимдан бошқасин кўрмайдир кўзим.

Увада булутдек изсиз, бесамар,
Унвони қўшқават султонлар қани?
Қуёшга кўланка солган рутбалар,
Шоҳлар, шаҳаншоҳлар, хоқонлар қани?

Қани хаёлотга сиғмаган Турон,
Қани Нил сатҳини ўлчаган миқёс?
Қани қалъа олмоқ, беркитмоқ кўрғон,
Асли унутилса, қайдадир қиёс?

Чақмоқтош “қарс” этди – мана, Туркистон
Икки кафтим аро липилларди шам.

Дарёлар жўш урса, кўпирар уммон,
Мўғул, турк, чиғатой, ўзбек бўлди жам.

Тиз чўк, деди зобит тиззамга тепиб,
Йўқсул, деб бўйнимга тавқини илди.
Музаффар кечмишни бўлгайми топиб?
Чорасиз бош эгдим, чор қатл қилди...

Менким, тарихларнинг бош саҳифаси,
Тунж асрин пичоғи ҳамон қўлимда.
Менким, Йилдирымнинг пўлат қафаси.
Олтун Ўрдуларим тўзғоқ йўлимда.

Йиғил, бирлаш, бир тан, бир жон бўл, элим,
Сабоқлари кофий зарбул замоннинг.
Сенинг сармоянгдир тажриба, билим,
Сен ҳам соҳиби бўл даври давроннинг!

Минг битта исмингни ёд этдим, Аллоҳ,
Раҳматингни ёғдир, бағри бут бўлай!
Ўзингсан бошпаноҳ, сен олампаноҳ,
Бахт бергил: мен яна Тангрикут бўлай!

2012

ЯХШИЛИК

Яхшилик қил, қайрилма,
Ортга ташлаб кетавер.
Янги мижозлар томон
Йўлни бошлаб кетавер.
Мабодо яхшиликка
Яхшилик қайтиб қолса,
Тасодиф деб билгину,
Яна яшаб кетавер.

2012

НАЗАР

Битта дарахтга қараб
Бири танбур кўряпти,
Бири тандир кўряпти.

Битта тулпорга қараб
Бири наслини ўйлар,
Бири қазини ўйлар.

Битта чаманга қараб
Бири гулни кўряпти,
Бири пулни кўряпти.

Битта сулувга қараб
Бири бахтли бўлсин дер,
Бири менга қолсин дер.

Битта гўдакка қараб
Бири келажак дейди,
Бири сўлажак дейди.

Бири бирига қараб...
Бирда шайтон кўринар,
Бирда инсон кўринар.

2012

БУЛБУЛ

*Элликқалъада Муҳаммад Юсуф ўтқазган
эман дарахти бор...*

Бир булбул сайради тун бўйи гирён,
Эман япроғидек дилгир, жонсарак.
Шу кеч ҳадеганда ёришмади тонг,
Шу кеч шафақларга беланди юрак.

Не чоғли мураккаб Шоир қисмати,
Унга-ку майда гаплар абадий ёт.
Бир ён мангу ғолиб иблис суврати,
Бир томон ғийбатга ғарқ адабиёт.

Шоир деган сўзга кўчган киноя,
Мирза деб биларлар бугун мирзони.
Мағзига етдингми, Шоир, ниҳоят,
Хўкизлар кўтариб турган дунёнинг?

Буларда на шафқат ва на диёнат,
Ўзини тушунар зиё деганда.
Сўзга, Навоийга қилган хиёнат,
Худойини ўйлар худо деганда...

Шоирона кеча Эллиққалъада,
Ой сочини ёзган мунис, паришон.
Кўзга уйқу парда тортган паллада
Бир булбул бўзлади дилгир ва гирён.

Айтсам, айтгудайин ҳолим қолмади,
Куйнинг гирдобиди қоврилдим, куйдим.
Инсон инсон бўлиб мендек ёнмади,
Шу кеча бир буюк ҳикматни туйдим.

Жувонмарг даҳолар келдилар қатор,
Замон қурбонлари етишди саф-саф.
Дордан қочган аблаҳ қайта қурди дор,
Яна мағрур бошин топширди Машраб.

Сизни асролмадим, мен қандай зурёд,
Виждонга банг сувин ичирмайман мен.
Менинг оғам эди қоп кийган жаллод,
Худо кечирса ҳам кечирмайман мен.

Шу кеча ўзимни алдадим: бу – туш,
Юрагим кўнмасди, силтаб урарди.
Кўшиғин бас қилиб, энди ўжар қуш
Қайда юрувдинг деб тинмай сўрарди!

БОТИРЛАР

Юртни мардлар қўриб келаётирлар,
Ватан деса, жони нисор ботирлар.
Баланд-пастни кўриб келаётирлар,
Бургутми ё лочинми, сор ботирлар.

Алпомишга Барчиндек ёр муносиб,
Сизни ўйлаб, қиз юраги потирлар.
Исмингизни юрар тумордек осиб,
Унутмангиз буни зинҳор, ботирлар.

Ботирлар-ов, элнинг сара аскарни,
Сиз уйғоқ, эл осойишта ётурлар.
Тангри, ёвнинг юзин қилгин тескари,
Ёв дегани туллак, маккор, ботирлар.

Катта бобом қалам йўнган қиличда,
Найза билан қўшиқ ёзган шоирлар.
Бировга қўл узатмаган илинжда,
Қўмакка қўл берган такрор ботирлар.

Ботирларим толқонни тоғ демаслар,
Тоғни толқон қилишга ҳам қодирлар.
Саболарнинг йўлин тўсган эмаслар,
Бўронларга метин девор ботирлар.

Ўралмаса гулзор пайхон бўлмасми,
Ўз боғини пулламасми шотирлар?
Кўздан қочирмайлик номард, нокасми,
Улар иблис билан ҳамкор, ботирлар!

Сиз оламдан ҳамиша огоҳ бўлинг!
Кимлар фурсат пойлаб писиб ётурлар.
Эл бахтига омон бўлинг, соғ бўлинг!
Ушнингизда Иқбол ҳам бор, ботирлар!

ИЧАМАН

Эртанги буюклар учун ичарман!
Муҳаммад Юсуф

Сиз билан ичаман, сиз учун эмас,
Далалар, ўтлоқлар учун ичаман!

Ичаман атиргул япроғи учун,
Саҳройи янтоқлар учун ичаман.

Ичаман кумушранг пахталар учун,
Тилларанг бошоқлар учун ичаман!

Ажинлари терга ариқча бўлган
Кафтлари қадоқлар учун ичаман!

Ичаман бағрикенг шаҳарлар учун,
Кўнгли кенг қишлоқлар учун ичаман!

Қишлоқдан чиққанни қишлоқи деган
Шаҳарлик аҳмоқлар учун ичаман!

Жаҳон кезган кибор сайёҳлар учун,
Дайдилар, саёқлар учун ичаман!

Камбағал, етимнинг бошида синган
Сеҳрли таёқлар учун ичаман!

Ичаман мункайган кулбалар учун,
Керилган равоқлар учун ичаман!

Дарвозани очсанг, девор эгнидан
Тўкилган тупроқлар учун ичаман!

Ичаман чатнаган тандирлар учун,
Ёрилган ўчоқлар учун ичаман!

Тахтакач устида занг босиб ётган,
Чанг босган пичоқлар учун ичаман!

Ичаман бугунги душманлар учун,
Бурунги ўртоқлар учун ичаман!

Ичаман гердайган ботирлар учун,
Оқкўнгил кўрқоқлар учун ичаман!

Эрдан чиққан, лекин ердан чиқмаган
Ўксиган нигоҳлар учун ичаман!

Ичаман тушдаги висоллар учун,
Хаёлий никоҳлар учун ичаман!

Ҳазрати ишқ учун, жаноб рашк учун,
Шубҳалар, сўроқлар учун ичаман!

Ичаман уйланган бадбахтлар учун,
Бахтиёр бўйдоқлар учун ичаман!

Муҳаббат туфайли дунёга келган
Муқаддас гуноҳлар учун ичаман!

Ичаман киртайган юраклар учун,
Сарғайган ёноқлар учун ичаман!

Ичаман мўътабар оналар учун,
Сочлардаги оқлар учун ичаман!

Ичаман оталар, ўғиллар учун,
Ўт босган сўқмоқлар учун ичаман!

Ичаман, бобомни эслатиб турган
Бобоқалдириклар учун ичаман!

Ичаман подшонинг соғлиғи учун,
Гурури уйғоқлар учун ичаман!

Бошида осмонни кўтариб турган
Матонатли тоғлар учун ичаман!

Ичаман Ватанга дастёрлар учун,
Елкадош Широқлар учун ичаман!

Ҳирот томонларда милтираб ёнган,
Ўчмаган чироқлар учун ичаман!

Ичаман устозим Муҳаммад учун,
Лолақизғалдоқлар учун ичаман!

Ичаман барҳаёт китоблар учун,
Ҳаётий сабоқлар учун ичаман!

Ниҳоят ичаман мен ўзим учун
Ва бошқа гумроҳлар учун ичаман!

2012

АЛДАБ ЯШАДИМ

Уфқда кўринса қуш, хабар кутдим,
Атай сизни кўриб туш, хабар кутдим.
Сиздан дарак кутдим, хушxabар кутдим,
Мен ўзимни шундай алдаб яшадим.

Эй дил, йўл сўнгида сафо бор, дедим,
Куйма, қизларда ҳам вафо бор, дедим.
У гўзал бўлса-да, вафодор, дедим,
Мен ўзимни шундай алдаб яшадим.

Давраларнинг гули мен эмас, бошқа,
Давроннинг булбули мен эмас, бошқа.
Ичкиликнинг қули мен эмас, бошқа,
Мен ўзимни шундай алдаб яшадим.

Жоним ғариблигин англаб яшадим,
Танламаганни мен танлаб яшадим,
Эшитгим келганни айтдим ўзимга,
Мен ўзимни шундай алдаб яшадим.

Ёлғончи дунёга рост сўзларинг хайф,
Ёлғондан завқ топдим, чиндан топдим кайф.
Алданган бўлсангиз ўзингизда айб,
Мен ўзимни шундай алдаб яшадим.

2013

БАҲОРНИНГ ИЛК КУНИ

Баҳорнинг илк куни – биринчи мартда
Сени учратгандим биринчи марта...

(Тақвим) – календар не табиат учун,
Мендек қаландар не табиат учун?

Аммо бирдан битди қахратон қахри,
Тумандай тарқади изғирин заҳри.

Баҳорнинг элчиси бўлиб турардинг,
Нафис тароватга тўлиб турардинг.

Аммо атрофингда анов бировлар,
Ивирсиб юрарди кўнгли қировлар.

Ҳа-да, турқи совуқ, қиш бандалари,
Бор-ку ишқдан озод иш бандалари.

Гуллаётганимдан хайрон эдилар,
Ободлигим кўриб вайрон эдилар.

Аммо найлайинки, аслинг билмасдим,
Найлайинки, кўнглинг фаслин билмасдим.

Билмасдим, борлигим сездингми, баҳор,
Интизор, зорлигим сездингми, баҳор?

Аmmo авайлайман шу ширин дардни,
Илк марта гул тутган биринчи мартни...

2013

БУЛОҚ

Булоқ кўзёшининг асл асоси
Анов чўққиларда, туманли тоғда.
Менинг ғуссаларим манбаи, рости,
Ўсмирлик ёшимда, жуда йироқда.

Булоқ кўзёшидан тиниқиб ичиб,
Чанқоғи босилиб, йўлчи миннатдор.
Шеърларимни ўқиб, ёришиб ичи
Яна севиб қопти, дегувчи ҳам бор.

2013

МУМТОЗ ШОИРНИНГ НОШУД МУҲАММАСЧИГА АЙТГАНИ

Кимнинг кўнгли қовун-тарвузга тушмиш,
Сани ишқинг ногоҳ арузга тушмиш.

Назм боғида ким тижорат қилур,
Ҳижоларинг мани хижолат қилур.

Нафис мажлисларга ўғри келмагай,
Сани вазнинг манга тўғри келмагай.

Баҳрае йўқ элга баҳрингдан сани,
Улус осон кечгай баҳрингдан сани!

Гапнинг индаллоси, у ҳам, бу ҳаммас,
Бўтам, боғламагин манга мухаммас!

2013

ЖАВОБ

Кўп китоб ўқидим ёшлик кезимда,
Гоҳи Фарб, гоҳи Шарқ хушимни олди.
Атай ёдламадим, лекин эсимда –
Муҳаммад аканинг шеърлари қолди.

Ўзбекдек самимий, ўзидек тоза,
Бешик боласининг кўзидек тоза,
Ўспирин ошиқнинг сўзидек тоза
Муҳаммад аканинг шеърлари қолди.

Муҳаммад Юсуфдан куйлар ирмоқлар,
Тоғни тилимлаган кийиксўқмоқлар,
Оқ чўгирма кийган момқаймоқлар...
Муҳаммад аканинг шеърлари қолди.

Ким бор тагин она халққа қайишган,
Қайғусидан чўккан, бахтидан жўшган.
Куйчи шоир эди кўклардан тушган,
Муҳаммад аканинг шеърлари қолди.

Узр, эй шоирман, зўрман деганлар,
Номаъкул бузоқнинг гўштин еганлар,
Сўзга нўноқлару гапга чечанлар,
Муҳаммад аканинг шеърлари қолди.

Айланиб бағри кенг Ўзбекистонни
Секин гапга солинг мўмин деҳқонни.
Шоир деса эслар Маҳаммаджонни,
Муҳаммад аканинг шеърлари қолди.

Софдил инсон эди шоир бўлиб ҳам,
Кулади паймона лим-лим тўлиб ҳам.
Энди қутилмасми сиздан ўлиб ҳам,
Муҳаммад аканинг шеърлари қолди.

Мужмал сатрингизни ким ёд олади,
Эшитса чумчуқлар фарёд солади.
Қолса, сиздан фақат иснод қолади,
Муҳаммад аканинг шеърлари қолди!

“БОБУРНОМА” ИЛҲОМИ

Замон фарроши бўлсайдим, шу замонни
супургайдим,
Димоғимга тутиб енгим, тўрт томонни
супургайдим.

Супургайдим ҳаром лукма, ҳаром айшу
тарабларни,
Супургайдим ҳам товоқни, ҳам қозонни
супургайдим.

Ювардим кул билан ойни доғидан холи
бўлгунча,
Исларини узиб, юлқиб – ки осмонни
супургайдим.

Кўзёшимдан сепиб сувлар гузарларга,
кўнгилларга,
Хиёнатни, ҳасад, ўчни ва гумонни
супургайдим.

Супургайдим хурофотни, жаҳл, худбин
раёсатни,
Ўрлатиб чангини кўкка оломонни
супургайдим.

Кичик Мирзо бўлиб Иқбол улусга яхшилиқ
айлаб,
“Ёмонлиқ бўлмағай бўлғай” ҳар ёмонни
супургайдим.

2013

МЕНИНГ БАҒДОДИМНИНГ ҚИЗЛАРИ

Бодомқовоқ, қийиқ кўзлари,
Бегонадан тийиқ кўзлари.
Қуралайми, қийиқ кўзлари,
Менинг Бағдодимнинг қизлари.

Ғўрлик пайтим, бебошлик пайтим
Сизни ташлаб кетибман дайдиб.
Мана, келдим бош эгиб қайтиб,
Менинг Бағдодимнинг қизлари.

Умримда кўп таннозни кўрдим,
Суҳбатлашдим, ўтирдим, юрдим.
Ҳаммасидан чиройли юртим –
Менинг Бағдодимнинг қизлари.

Кўз бўяш йўқ, улама соч йўқ,
Назар қаттиқ – бунга илож йўқ.
Қайда бўлмай, сиздан кўнглим тўқ,
Менинг Бағдодимнинг қизлари.

Оҳанжама сўзлар бегона,
Меҳнат билан туғма дугона.
Иқболжони учун ягона
Менинг Бағдодимнинг қизлари.

Ойхонлари, Дилраболари,
Дилнозлари, Гулҳаёлари,
Кумушлари ва Раънолари...
Менинг Бағдодимнинг қизлари.

Асли манов ерим сизники,
Кўздан тўккан терим сизники.
Ҳамма яхши шеърим сизники,
Менинг Бағдодимнинг қизлари.

Ой қизларим, ойдаи тўлингсиз,
Ойдин бўлсин юрар йўлингиз.
Мен учун ҳам бахтли бўлинг сиз –
Менинг Бағдодимнинг қизлари.

АСКАР ХАТИ

Салом, Она, онажонгинам!
 Яна сизга ёзмокдаман хат.
 Саломатми азиз отам ҳам,
 Укаларим юргандир хушбахт!

Бошим узра юлдуз чароғон,
 Чегарада турибман сергак.
 Юрт бўлсин деб тинч ва фаровон,
 Доим бедор уради юрак.

Аскар бўлиб улғайдим бугун,
 Она Ватан недир, англадим.
 Жоним фидо элу юрт учун,
 Мард оталар йўлин танладим.

Онажоним, онажонгинам,
 Сизга меҳрим тилагимда жам.
 Қутлуғ бўлсин, муборак бўлсин
 Энг улуғ ва энг азиз байрам!

Хайр, Она, хайр, онажон,
 Доимо тинч бўлсин кўнглингиз
 Ва бахтимга бўлинг соғ-омон!
 Салом билан
 аскар ўғлингиз!

2013

ҚАРЗ

Уёқдан олиб буён
 Узатяпсан тинмасдан.
 Эй симёғоч, фоизга
 Қарз олдингми билмасдан?

2013

ЭЛИМ, ДЕСАМ

Элим, десам тилгинам
Сайрон бўлгани бўлган.
Юртим, десам дилгинам
Хандон бўлгани бўлган.

Чаманимнинг чиройи –
Гулофтоби, гулойи.
Юрагимнинг бир жойи
Райҳон бўлгани бўлган.

Далалашиб, қирлашиб,
Бошни қўшиб сирлашиб,
Саркаш сойлар бирлашиб
Уммон бўлгани бўлган.

Ҳавода тек тургайлар,
Чечакка тўш ургаилар.
Гулни кўрган тўрғайлар
Хушхон бўлгани бўлган.

Ортда қолди не ғовлар,
Сина-сина, синовлар.
Шаштим кўриб ановлар
Ҳайрон бўлгани бўлган.

2013

О, БАҲОР!

Баҳор шамолига бағримни очдим,
Кўксимда сирғалди ипак ҳаволар.
Қўшқулоқ ялпизнинг бўйларин ичдим,
Булутдан ушатиб олдим ҳалволар.

О, баҳор!
Ўзингсан ҳаётбахш Масих,
Ўпни жонлантирган сеҳргар ўзинг.

Сен менга худонинг дўстлик тухфаси,
Томиримга туташ чилвир илдизинг.

Бойчечакдан олдин очилган қизлар
Кўчамдан ўтаркан таратиб ифор,
Қонимда живирлар гулшакл ҳислар,
Бахтимни кўргандек бўламан такрор.

Гўё ҳализамон келар хушxabар,
Ошиқ ўсмир каби тараддуддаман.
Юрагим қаттиқроқ урса ҳар сафар,
Эшикка қарайман, қулоқ тутаман.

Умидим чечаги чаманингда жам,
Тасалли берурсан ўксик дилимга.
Бўшаган ғумбакка беркинади ғам,
Табриклар йўллайман йўқ севгилимга.

Ичимга ютаман кўзёшларимни,
Эрийди юрагим бошидаги қор.
Агар келмай турсанг синаб сабримни,
Мен ўзим ёнингга борардим, баҳор!

2014

УМИДИМ БОР

Умидим бор, адл қадди
ниҳолингдан умидим бор,
Латофатда, малоҳатда
камолингдан умидим бор.

Дилимга бостириб қирмиш,
тирик жон учраса қирмиш,
Лаб аталмиш икки қирмиз
ҳилолингдан умидим бор.

Борлиғимни баҳор этган,
кейин мажнуншиор этган,
Татиб кўрмай хумор этган
зилолингдан умидим бор.

Ўйин деб қийнасанг ҳамки,
“Кўйинг”, деб ўйнасанг ҳамки,
Яшашга қўймасанг ҳамки,
висолингдан умидим бор.

Ўтиб сабрим сарҳадидан,
кўнгил уздим сарватидан,
Умидим йўқ жаннатидан,
хаёлингдан умидим бор.

2014

ШАҲЛОЛАРИНГ

Кўша юлдуз бўлиб ёнар шаҳлоларинг,
Юлдуз кўрар бўлдим, мана, кундузлари.
Бору... кўкнинг энг чароғон юлдузлари,
Ўша юлдуз бўлиб ёнар шаҳлоларинг.

Нима қилай, мен ҳам сенга ёқсам дейман,
Нима қилай ёниб турса шаҳлоларинг?
Суйдириб сўнг тониб турса шаҳлоларинг,
Қароғларинг туб-тубига боқсам дейман.

Орамизга кипригингдан девор қўйма,
Бағрим ўйма, худодан кўрк, дилозорим.
Наргис кўзим, бинафшабўй, гулўзорим,
Ошиғингни ташлаб қўйма, бекор қўйма!

Кўша юлдуз бўлиб ёнар шаҳлоларинг,
Қара, кўкда топишдилар икки юлдуз.
Қора кўкда топишдилар икки юлдуз,
Ўша юлдуз бўлиб ёнар шаҳлоларинг.

2014

БИР БУРДА НОН

1944 йил эди. Анна Ахматова билан Тошкентнинг Эски шаҳар бозорига кирдик. Беш-олти ёшлар чамасидаги бир болакай тўсатдан пайдо бўлдию улуф рус шоирасининг йўлини тўсди. Ахматова уни ўғри ё тиланчи деб ўйлаб ҳайдаб солди. Орадан кўп ўтмай, бозор эшигига яқинлашганимизда яна ўша бола қаршимиздан чиқди. Унинг қўлида бир бурда нон бор эди. Болакай тириклик тимсолига айланган нонни шоирага узатди...

Холсизланган, оч Анна ҳўнграб йиғлаб юборди.

А. Ахматованинг дугонаси
Светлана Сомова эсдаликларидан

Тошкентда... минглаб, ўн минглаб етим болалар янги ота-оналарини топди. Шундоғам кўп болали ўзбек оилалари рус, поляк, украин, яҳудий...ларни ўз бағрига олиб сўнгги бурда нонини берди. Бир коса ошини, ризқини бирга баҳам кўрди.

Умид қиламанки, буни ҳеч ким унутмайди!

Анна Ахматова эсдаликларидан

Мен ўша болани яхши билардим,
Нонни “нанна” дерди, тили чалайди.
Отаси урушда, онадан етим,
Кўп қатори уруш урган болайди.

Семириб борарди болахўр уруш,
Бобо оч, фронтга дон берар эди.
Опа иситмада кўрар эди туш,
Акаси Московда жон берар эди.

Тангри ҳаром қилсин ўша кунларни!
Бу сенинг урушинг эди, Оврўпа!
Ким бошин силарди бағри хунларнинг,
Бўйқизлар юзига чанг бўлди упа.

Жувонмарг бўлдилар не-не умидлар,
Вагонларда орзу-тилаклар кетди.
Кетди қиз қучмаган содда йигитлар,
Никоҳ узуклару зираклар кетди.

Инсон унутишга мойил ҳамиша,
Кўзингни юмгину дунёни унут.
Улфатингни унут бўшагач шиша,
Черковдан чиқдингми, худони унут.

Бизнинг таомилга миннат бегона,
Аммо нонтепкилар билиб қўйсинлар:
Хўл чориқ ёнига мих уриб яна
Ўша бурда нонни илиб қўйсинлар.

Бўрдоқи юрагин чарви босган зот
Қорнидагин бол деб ўйлаши тайин.
Бошига иш тушса ахтариб нажот,
Бошқача қўшиқлар куйлаши тайин.

Яна кучоқ очар бағри кенг ўзбек,
Болакайлар чўзиб “нанна”ларини.
Ҳайрат кўзи билан кузатади тек
Русиянинг буюк Анналарини!

2014

ФАҚАТ БИЗ БИРГАМИЗ

Бир куни дарахтни тарк этар япроқ,
Яланғоч новдалар титрар асабий.
Висол оқибати ҳижрондир, бироқ
Фақат биз биргамиз, жоним, абадий!

Бир куни ўзанин ташлайди дарё,
Сахролар гул бўлар, водийлар сахро.
Елкамдан кетмайди хуш бўйинг асло,
Фақат биз биргамиз, жоним, абадий!

Бир куни юлдузлар учар пойма-пой,
Сайёралар топар ўзга жойдан жой.
Бир куни Заминни ташлаб кетар Ой,
Фақат биз биргамиз, жоним, абадий!

Бир куни ўзидан тонар Кун, аён,
Лаҳзада руҳ билан видолашар жон.
Фақат сен кетмайсан мендан ҳеч қачон!
Фақат биз биргамиз, жоним, абадий!

2014

МЕН ЎЗИМНИ ЕНГДИМ

Мен ўзимни енгдим – сени унутдим,
Яна бакор келди кучли иродам.
Яна гул ҳаётга юзимни тутдим,
Яна эл қатори одамман, одам.

Аммо йўл қўймайман унутишингга,
Чеккан жабрим учун тортгайсан жазо.
Кечалар шарпадек кириб тушингга
Эслатавераман мен – Иқбол Мирзо.

Китоб муқовасин эшиқдек очиб,
Ўрнашиб оламан фикру ўйингга.
Қайгаям борардинг замондан қочиб,
Қўшиғим бостириб кирар уйингга.

Абадий тирикдир шоир қарғиши,
Мен ютсам, сени деб изтироб ютдим.
Алвидо! Буёғи худонинг иши,
Мен ўзимни енгдим – сени унутдим.

2014

МАРҒИЛОН

Марғилонга боргим келмайди,
Борсам алам ўрайверади.
“Кумуш яхши юрибдими”, деб
Ҳамма мендан сўрайверади.

Сўрайверар кўча, гузарлар,
Сўрайвериб кўнглим бузарлар.
Кумушойдан, ойгина қиздан
Қандоқ қилиб умид узарлар.

“Яхши”, дейман, “Шукур, соғ-омон,
Келиб қолар, дейман, Марғилон...”
Қаролмайман Офтобойимга,
Ич-ичидан куяр, бағри қон.

Сўроқ белгисидек янги ой
Эргашади, тинмай сўроқлар.
Кумушини сўрайди мендан
Кумуши йўқ тилла равоқлар.

Бирдан жимиб, тўхтар ўйиндан –
Қизчаларнинг саволчаси бор.
Юз эллик йил бўлди – қўйнимда
Кумушойнинг рўмолчаси бор.

Марғилонга боргим келмайди,
Борсам қайғу ўрайверади.
“Кумуш яхши юрибдими”, деб
Ҳамма мендан сўрайверади.

2014

ЖОНИМ ОТАШДА ТУН-КУН

Жоним оташда тун-кун,
Юраккинам тұлмайди.
Бу қизни севиш мумкин,
Лек уйланиб бұлмайди.

Ойга боқмас, айтинг, ким,
Унга хуштор кўп бола.
“Сен ҳам суйдингми?” “Суйдим...”
“Кўппалами?” “Кўппала!”

Қайда?! Ёлғон ҳаммаси!
Биз келдик, қани, пўшт-пўшт!
У қиз қизларнинг асли,
Фақатгина... кўнгли бўш.

Юраги бормикин деб,
Кўйнига кўл солганман.
Битта шапалоқни еб,
Битта ўпич олганман.

Айланиб кетган олам,
Чирпираган Кўкдала.
“Яшкўраман жудаям...”
“Кўппалами?” “Кўппала!”

Чиройли-да... Дил... Ана,
Ой тўлиб келаётир.
Юрагимда жимгина
Ўрмалайди хавотир.

Ой нур тўқаркан сим-сим,
Бир шарпани кўрганман.
Ойқизни... кўлим синсин...
Бир шапалоқ урганман.

Юзин ушлаб боқди жим,
Кўзидан куйди жала.
“Қизғандингми?” “Қизғандим!”
“Кўппалами?” “Кўппала...”

Онам айтар: “Пойига
Гул тўкаман дейсанми?
Ҳой бола, чиройига
Нон ботириб ейсанми?”

Тегирмон тепасида
Фалончининг қизи бор.
Тагли-тугли, пазанда,
Гап-сўзида тузи бор...”

Жоним ўртанар тун-кун,
Она, кўнглим тўлмайди.
Унга уйланиш мумкин,
Лекин севиб бўлмайди.

2014

МЕЪЁР

Ёмғир меъёридан ошмасин, илло
Ёғин айланмасин жалага, селга.
Оби ҳаёт бошга бўлмасин бало,
Оби раҳмат кулфат сочмасин элга.

Илоҳим, ҳаддидан ошмасин шамол,
Эпкин айланмасин довул, бўронга.
Буғдойпояларим топмасин завол,
Заҳматлар етмасин деҳқон, чўпонга.

Ўчоққа мос бўлсин ўтин ва қалов,
Турмушга зарурат гулхан эрта-кеч,
Лекин ўчоғидан тошмасин олов,
Еру кўкни тутун қопламасин ҳеч!

Меъёрида ширин нозу неъмат ҳам,
Эви билан бўлсин эркалик, шўхлик.
Ҳеч қачон ҳаддидан ошмасин одам,
Бугун шунга боғлиқ борлик ё йўқлик.

2014

ОПА

Нималар қилмадим бегоналарга,
Ука бўлиб Сизга нима қилолдим?
Тақлид қилиб машхур девоналарга
Бугун ўзимга ҳам ёт бўлиб қолдим.

Ҳамон кўз олдимдан ўтади бир-бир
Анорзор, теракзор... дадамнинг боғи...
Эгилиб, ҳассага таянган анжир...
Ўша дамлар ҳидин туяман гоҳи...

Оёғимни тилса бехос чўкиртак,
Опош бўлсин, дея ўпган опамсиз.
Кўчада тўп тегиб юрсам мен тентак
Мен учун ҳам ерлар чопган опамсиз.

Шунчалар ҳам яхши бўларми одам,
Мерос қолмайдими бизга меҳрлар?
Чорбоғдан жилмайиб чиқади дадам
Ва сизга тутқазар олтин беҳилар!

Кимгаям айтардим сизга айтмасам,
Юрагим анордек ёргим келади.
Бу дунё дадамни соғинтирган дам
Сизнинг ёнингизга боргим келади.

Соғ-омон бўлсинлар аям, ишқилиб!
Юрсам ҳам, турсам ҳам дуо ўқийман.
Аямни пошшодай эҳтиёт қилиб,
Фақат хушхабарли гаплар тўқийман.

Опажон, кўзингиз жиқ тўла қайғу,
Жиянлар кўзида тоғага ҳавас.
Шеъримда дунёга бахт тилайман-у,
Сизни бахтли қилиш қўлимдан келмас...

Сизни меҳнат учун яратган Қахҳор
Мени саёқ қилиб яратмиш, нетай?
Уловим ҳамиша сафарга тайёр,
Кузатишга доим рафиқам ҳам шай...

Гоҳо Сурхондами ё Самарқандда
Кадрдон чехралар учрар йўлимда.
Сиз каби синиққан, сиздайин содда,
Дағал бармоқларин тафти қўлимда.

Зийнатлари – ҳаё, энг ноёб безак,
Усту бошларига беролмаслар зеб.
Сизни эслайману айтаман, демак,
Буларнинг укаси шеър ёзади деб...

Ўзимнинг опам-а, жафокаш опам,
Билмайсиз ранжишни, хафа бўлишни.
Менга ўхшамасин ўғиллар ҳечам,
Қизим сиздан олсин опа бўлишни!

2014

СОВҒА

Битирувчи синф эдик, ҳамма сархуш,
Кундуз куни тик оёқда кўрардик туш.

Мен Қорбобо бўлганда у Қорқиз эди,
Севар эдим, у ҳам менга ёр қиз эди.

Чирмашарди оғзимиздан чиққан ҳовур,
Қорлар сочиб бошимиздан тонгга довур...

Дунёдаги энг чиройли Қорқиз эди,
Совуқданми ёноқлари қирмиз эди.

Елкамга бош қўйганича зўрға дерди:
“Қорбобожон, сиз энг яхши совға”, дерди.

Хумор кўзли, қора сочли Қорқиз эди,
У маҳалда қора турмуш олис эди.

Тушимга кир, илтимос, деб сўрар эдим,
Кундуз ўнгда, тунда тушда кўрар эдим.

Кулса, жаранг сочилгувчи Қорқиз эди,
Қахратонда очилгувчи наргис эди.

Мана, энди қорлар сочиб юролмайман,
Тушимга ҳам кирмай кетди, кўролмайман.

Жон-жонимни иситгувчи Қорқиз эди,
Бу сафар шеър тўқимадим: бор қиз эди.

Сочдаги оқ – ўша ишқнинг ғовғалари,
Мана, сизга Қорбобонинг совғалари!

2014

ЗИЛЗИЛА

Яна Ер сесканди... яна бир қалқди,
Ҳиндикуш тарафда офат ўчоғи.
Кўзин очгайми деб бу дунё аҳли
Боболарим руҳи безовта чоғи...

Эгар болиш бўлган марди майдонлар
Бугунги жангларни кузатар ҳанг-манг.
Дараларга вулқон солар афғонлар,
Ахир бу урушмас, фитнаю найранг!

Ҳозик табибларнинг бошлари эгик,
Луқмонлар ҳайратда замонга қараб:
“Биз гиёҳдан малҳам кашф этган эдик,
Булар захри қотил тайёрлар, ё Раб!”

Иймон қалқонлари – муҳаддисларим
Жойнамоз устида тавфиқ сўрайди.
Бобуршоҳ суғуриб қиличин ярим,
Кафтини соябон қилиб қарайди...

Мавлоно Лутфийга боқар Алишер,
Заминдан кўз олмас маликул калом.
Нечун титрамасин ахир она Ер,
Яъжуж-маъжужларга сиғинар авом..

Шариф мозорларда қарқираган қон
Замин жавҳарига етдимикин ё?
Бир буюк ларзадан яралган жаҳон
Бир буюк ларзадан бўлгайми адо?

Дунёни уйғотган боболар уйғоқ,
Оламни қутқарар буюк силсила.
Эй Одам, оҳиста қўй ерга оёқ,
Ҳали тўхтаган йўқ сўнгги зилзила...

2014

БЕМОР

Бемор эдим, ўласан, деб табиб айтди,
Оқшом бориб ўзимга гўр ўйиб келдим.
Лекин табиб узилибди саҳар пайти,
Ўша гўрга табибимни қўйиб келдим.

2014

КАММИ?

Куюнчагим, куюнма,
Куйиб кетганлар камми?
Дийдордан тўймай жондан
Тўйиб кетганлар камми?

Ёрмозорда ёр қатор
Армон кучоқлаб ётар.
Бошига сочиб тупроқ
Уйиб кетганлар камми?

Кимгадир жуфтиҳалол,
Вале толейи увол,
Гул умрини келида
Туйиб кетганлар камми?

Юрак-бағри эзилиб,
Киприкка ёш тизилиб,
Ёр исмини ўғлига
Кўйиб кетганлар камми?

Кўнглимни бузма, гулим,
Кўнглимни эзма, гулим,
Тўйдан кейин эрини
Суйиб кетганлар камми?

2015

АЖАЛ ЁВУҚ КЕЛДИ

Ажал ёвуқ келди, бақамти келди,
Кўзимга қаратди йиртиқ кўзини.
Бўйнимда шилимшиқ қўли сирғалди,
Туйдим моғор, суяк, какра исини...

Шу пайт самонинг оқ шовқини аро
Лип-лип учар эди юлдузкапалак.
Худодан ўлимим тилаган барно
Ҳомуза тортарди парвойи фалак.

Мен кимга керакман, кимга зарурман,
Уйинг куйгур ажал, мунча тикилдинг?
Эҳтимол, у ёқда топарман ҳурмат,
Эҳтимол, сен менинг кимлигим билдинг...

Йўқ, сизни зиғирча ўйлаганим йўқ,
Зарра ачинмадим – кўнглингиз тинсин.
Руҳим самоларда сачратади чўғ,
Сизнинг сочингизга кулларим кўнсин!

2015

ЎЗИНГ

Ҳамма гўзал қизлар сенга ўхшайди,
Гўзал, ўхшамайсан ҳеч кимга ўзинг.
Юрагимни қириб, ширин ўртайди,
Айниқса, қошларинг, айниқса, кўзинг.

Чиройли қизлардан сени ахтардим,
Хаёлий тимсоллар яратдим такрор.
Тобора юк солиб, улғайди дардим,
Эй барча гўзаллар жам бўлган дилдор!

О, менинг навраста орзуларим, о!
О, менинг туби йўқ, нотовон кўнглим!
Истардим: меники бўлсайди дунё,
Ўйлардим: ҳеч қачон топмасман ўлим.

Шоирона енгил кайфият билан
Янги май ичгандек сарҳуш юрардим.
Яшардим пок дилу соф ният билан,
Мен ҳамма инсонни яхши кўрардим.

Ҳозир ҳам шунақа...
Кўявер, майли...
Кел, руҳим эркала, айт ширин сўзинг.
Ҳамма гўзал қизлар сенга ўхшайди,
Наргиз, ўхшамайсан ҳеч кимга ўзинг.

2015

САМОДА

Бир силтаниб ердан узилди учок,
 Бир силтаниб недир узилди дилда.
 Онқадар заминдан кетяпман узоқ,
 Мен энди аросат аталмиш элда.

Дарчадан қарасам автолар ушок,
 Бойваччалар қасри тобора майда.
 Дўстим, кўзингни оч, сен ҳам қараб боқ,
 Тоғ бору, суянган тоғларинг қайда?

Биринчи теримга тайёр пахтазор –
 Каби булутларнинг пайкали чаман.
 Бу ҳосилда сенинг чеварлигинг бор,
 Худойим, шукронанг айтиб учаман.

Дўстим, қара, қандай мўъжиза бу, о!
 Чарақлаб турибди қуёш – маёғинг.
 Элдан узилмагай насибанг асло,
 Ердан узилмаса агар оёғинг...

Жонсарақ қарайман булутлар ора,
 Юрагим терлайди, увишар бадан.
 Дўстим, кўзингни оч, заминга қара,
 Фақат Ватан бордир, чексиз бир Ватан...

2015

САРМИШСОЙ

Сармишсой қоялари...
 Сармишсой қоялари...
 Бағрингизга боболар тиғ билан расм солмиш.
 Мангулик орзусими уларнинг ғоялари,
 Ё шунчаки ўзининг кўнглига разм солмиш?

Ана, тошлар оралаб буралиб келар қоплон,
 Ана, чўкка тушганча майса чимдийди ғизол.

Ана, чавандоз овчи қиялаб тортар камон,
Ана, ошиқ ва маъшуқ гурунг қурап бемалол.

Тўрт минг йил нарёғида қотиб қолган ҳаёт бу,
Ҳар битта чизигида катта истеъдод изи.
Назаримда бу менга аждодларнинг мактуби,
Сувратлар аро боқар мунграйиб қора кўзи...

Мен ҳам қоя устига тирмашиб чиқдим бугун,
Мангулик орзусида тош танладим супадай.
Э воҳ! Чизгилар тортсам қаламим бўлди кукун,
Э воҳ! Бир нуқта чексам тош тўзғиди упадай.

Сармишсой қоялари,
Сармишсой қоялари...
Қаршингизда шоҳасар хонқизи доғича йўқ.
Қолган санъат аркони, холос, руҳ соялари,
Эвази расмдаги буқанинг шохича йўқ.

Ҳа, шундай мўъжиза бор ўзбекюрт қучоғида,
Интилсанг юдузларга элтар нақд поялари.
Истагим – ҳар инсоннинг пасту баланд чоғида
Юрактоғида бўлсин Сармишсой қоялари...

2015

ДЕВ

“Одам!
Одам иси!” – гулдуради дев,
Ғорнинг харсанглари титроққа тушди.
Панада
бир бошга битта ўлим деб
Турган баҳодирнинг қони увишди.

“Чиқ!
Одам бўлсанг гар, рўпарамга чиқ!
Одамдай сўз айтиб жонимни ёққин!

Қалқонга айланиб қолган қорачиқ,
Нурсиз кўзларимга одамдай боққин!”

Ўзини зарралаб йиғди баҳодир,
Ичидаги девдай қўрқувни янчди.
Ў, одам боласи неларга қодир!
Девнинг елкасига ғарч ханжар санчди...

Кесилган чинордек гурс кулади у,
Шивирлади: “Нетай, ўша гўл девман.
Одамзод кимлиги менга аён-ку,
Одам меҳмон бўлиб келибди дебман...”

2015

УСТОЗ ШОГИРДЛАР

Ташаккур! Минг раҳмат! Садаға кетай!
Бурним ерга ишқаб қиламан таъзим.
Қайси тил бирлаким шарҳи ҳол этай?
Кечаги шогирдлар бугун устозим.

Бири дер, пасткашга қилманг яхшилик,
Ўз наслига тортар эшак ҳам, ит ҳам.
Бошқаси ўргатар менга боқиб тик,
Суллоҳ ва сурбетлар бўлмагайдир кам.

Биттасидан уқдим: сир бу хазина,
Яширмоқ шарт уни ёмон кўзлардан.
Бири бир умрлик дарс берди яна:
Қандкасал бўласан ширин сўзлардан.

Бирови инсонга ишонманг, деса,
Одамзодни севманг, дейди биттаси.
Ўзни асранг дея ўзига қолса,
Мени тириклайин ейди биттаси.

Ташаккур! Минг раҳмат! Кўксимда қўлим,
Асл устозларим сизсиз, укалар.
Кўчада устоз деб тўсишиб йўлим,
Бўлажак устозлар майин суйкалар.

Бандасин бўйнида қолиб кетмас қарз,
Шогирдлар айтгандек қаноат лозим.
Ҳаёт мактабида давом этар дарс,
Кечаги шогирдлар бугун устозим.

2015

ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ

Қараганга қараманг, хоним,
Кўзингизни эҳтиёт қилинг.
Энди менинг бўлмас имконим,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Оч нигоҳдан ва паст назардан,
Шарманда тор қилган шаҳардан,
Узук кўзидаги заҳардан
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Бегонадир сизга ҳасратим,
Девонадир кўнгил ҳазратим.
Сизни мен ўзимдан асрадим,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Сиздан бошқа кимим бор бугун,
Дилим хуфтон, юрак-бағрим хун.
Бир илтимос, битта мен учун
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Юрагимга эгизак қизни
Ўйлаб адо бўлдим... ҳа, сизни...
Ўзи мени танияпсизми?
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Сизни-ку бир тараф қўйганман,
Гуллар билан ўраб қўйганман.
Худодан ҳам сўраб қўйганман,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Санасангиз ҳамки етти ёт,
Эҳтиёт шарт қилдим эҳтиёт.
Иқболингиз сизни этди ёд,
Ўзингизни эҳтиёт қилинг.

2015

ТАВАККАЛ

Бир ўзинга таваккал, Тангрим, сендан сўрайман,
Ўйларимни илоҳий чечакларга ўрайман.
Тилло ўғиллар бердинг, кумушдаин қиз бердинг,
Имкон ҳам бер, шуларнинг фароғатин кўрай ман.

Кумушимга Кумушнинг қолган умрин қўшиб бер,
Ўғилларга мирзолар шаштини ҳам жўшиб бер.
Бахт берганда, илтимос, гаштини ҳам қўшиб бер,
Сихатликда кексалик гаштини ҳам сурай ман.

Иззат қилдим келганча қўлимдан ва дилимдан,
Дадамга эҳтиромим қайтсаёқ бас ўғлимдан.
Юртин севишса бўлди мен севгандек кўнглимдан,
Йўқса шўр девор каби нурсизгина нурайман.

Ишонганим ўзингсан, бегона тутма, Тангрим,
Хаёлимдасан доим, сен ҳам унутма, Тангрим.
Мажолим етганидан кўпини кутма, Тангрим,
Байтим билан дилларда Байтуллоҳлар қурай ман.

Дўсти нодон етарли, бошқа мол керак эмас,
Севгили ёр сўзидан ўзга бол керак эмас.
Дам шу дамдир, шу ҳолдан ўзга ҳол керак эмас,
Кўпга бер, кўп қатори ҳовуч очиб турай ман.

Ҳар заррангда ҳикмат бор, зарра қадар иллат йўқ,
Ҳимоятингдан ўзга мен фақирга ҳиммат йўқ.
Сендан сўрайвераман, битта сенда миннат йўқ,
Шафоат қил, бир сенинг пойингга бош урай ман!

2015

АЁЛГА ТОШ ОТИШ МУМКИНМИ?

Аёлга тош отиш мумкинми деса,
Эрлар ёппасига тебратади бош.
Аёлга тош отинг қурбингиз етса,
Фақат... қимматбаҳо бўлсин ўша тош!

2015

ЭСИЗ ОДАМ

Фойда кўрса кўзи чарақлаган одам,
Бети мистовоқдек ярақлаган одам.
Газет ўқимаган, китоб кўрмаган,
Бир умр фақат пул varaқлаган одам...

2015

СЕН КЕЛГУНЧА

Сен келгунча юрагимни ютиб тураман,
Кўзим юмиб кўзёшимни тутиб тураман.
Алдаб-сулдаб чалғитаман ўзимни ўзим,
Сен келгунча яшамайман, кутиб тураман.

2015

ҲОЖИБУВАНИНГ ҲАЙДОВЧИГА ДУОСИ

Йўлингиз бехатар бўлсин,
Илоё берадар бўлсин!
Тушиб қолсангиз ғам еманг,
Радарингга лаънат деманг!

2016

КУЯЙМИ?

Оғайнилар, ёшлик тез ўтганига куяйми,
Юракдан қўр, кўздан нур кетганига куяйми?
Олачалоқ туш каби судралар қора турмуш,
Сочу соқол мош-гуруч битганига куяйми?

Кўзёшингга қарамас, кўнгил ўзи ёш ахир,
Кўнгил қурғур таманно этганига куяйми?
Ўзим-ку йўл истаган, қараб кулгим қистаган,
Этагимдан бировлар тутганига куяйми?

Тегажоқ қиз жувонлар, оқ-дўмбоқ қиз жувонлар
Шеърим айтиб менга гап отганига куяйми?
Кеча калта кийганлар, суйкалганни суйганлар
Қариганда ўраниб ўтганига куяйми?

Тез ботади офтоб ҳам, тез тугайди шароб ҳам,
Улфат чўқиштирмай “ғўлт” ютганига куяйми?
Эски қўшиғим тинглаб, эски расмимни ўпиб,
Содда қизлар ҳалиям кутганига куяйми?

2016

КЎНГИЛЛИЛАР

Думалоқ ер пуфаги узра
Ҳаво зарраларидек енгил
Яшар миллиард одам ҳузурда,
Юраги бор, лекин йўқ кўнгил.

Маили, ўйнаб кулишсин улар,
Бундан баттар бахтли бўлишсин.
Бир-бирига тутаркан гуллар,
Гул азобин қайдан билишсин?

Юраклари тепади соғлом,
Кўнгил учун чекмас ташвишлар.
Улар учун на кундуз, на шом
Рўй бермайди кўнгилсиз ишлар.

Бизга аён оғриқ лаззати,
Ошно бизга оғу изтироб.
Қандай тотли ҳижрон шарбати!
Қандай ширин бу аччиқ азоб!

Тошбақанинг косасидан паст –
Кўк остида андуҳга тўлиб,
Бир ҳаводан оларак нафас,
Яшаяпмиз
кўнгилли бўлиб..

2016

ШОИР ВАФОТИГА

Бу йил оғир келди Ўзбекистонга,
Садафдек дурларим тўкилди қатор.
Чиғатойтепага шудрингдек томган,
Ҳали қуримаган кўзёшларим бор...

Алвидо, муҳтарам Абдулла Ориф!
Гарчи ажал бермас ҳеч кимга омон.
Вале шоирсиз эл ғарибдан ғариб,
Шоирга тош отган миллат – оломон.

Ғийбат қилиб тўқдик гуноҳингизни,
Сиздан қолган майдан майда хўплашиб.
Муҳташам ҳаётдан бездирдик Сизни
Гоҳ якка тартибда, баъзан кўплашиб.

Кимдир қайта-қайта топар асолар,
Уни косов қилар бошқа ғўр банда.
Ҳа, казо-казолар ва ҳоказолар
Хушёр тортар эди Сизни кўрганда.

Сиз билан юзма-юз қолсак ногаҳон
Ёдга солардингиз кимлигимизни.
Кеча не сабабдан эдигу бийрон,
Бугун не сабабдан жимлигимизни.

Рост сўзни айтмоқлик мушкуллиги рост,
Гўзал оҳ тортмоққа юрак керак, оҳ!

Тафаккур шиддати Навоийга хос,
Темурбекка оид бу қаттиқ нигоҳ.

Бол томизиб мақтаб асарларини,
Шоирни бундайроқ кўргувчилар бор.
Тутун пуркаб ҳайдаб асаларини,
Асални ўймоқлаб ургувчилар бор...

Оқибатни ўйлаб чекдингиз алам,
Гина, ўкинчингиз беғараз тамом.
Мақсадингиз – завол топмасин олам,
Одамга ярашсин инсон деган ном.

Сизга ошно бўлдим болалик кездан,
Сиздан ранглар олдим сўзимга, аён.
Эл қатори қарздор эдим мен Сиздан,
Ўзимнинг армоним ўзимга аён...

Баҳри муҳит тўлқин урар ёлвориб,
Юлдузлар йўл қарар жавдираб илҳақ.
Мендан рози бўлинг, Абдулла Ориф,
Сиздан рози бўлсин Ҳокими мутлақ!

2016

ОНА ДЕСАМ

Она десам олам чароғон,
Юракда ҳам шу нур, онажон.
Мўътабар зот, ҳазрати инсон,
Борингизга шукур, онажон!

Гоҳо қўлим қўйвормас болам,
Соғиндим деб қучолмайман ҳам.
Сўзда эмас, меҳрим кўзда жам,
Борингизга шукур, онажон!

Мени суйиб сийлаган Худо
Шу бахтимдан этмасин жудо.
Кеча-кундуз дилимда дуо,
Борингизга шукур, онажон!

Кўшиқларим тинглаб тўймаган,
Ёлғон куйлашимга қўймаган,
Маккада ҳам мени ўйлаган,
Борингизга шукур, онажон!

Отамнинг ҳам умрини қўшиб,
Даврон суриг юзлардан ошиб.
Мен беармон куйлайн жўшиб,
Борингизга шукур, онажон!

Бешигимга неварам белаб,
Совчи бўлиб, бахтга бахт улаб,
Юраверинг элга ризқ тилаб,
Борингизга шукур, онажон!

2016

ШАҲАР ҲОКИМИ БИЛАН САВОЛ-ЖАВОБ

– Бекатда ғужанак ётибди дайди,
Сайёҳлар келяпти, қилмайсизми ор?
– Илож қанча, унга тегиб бўлмайди,
Унинг фейсбукда саҳифаси бор.

2016

ЛАНДОВУР

Ландовур лақмалар сон мингта, эсиз,
Зиқна, бахилга ҳам макон бу олам.
Қишда қор сўрасанг бермайди, дейсиз,
Қишда қорга муҳтож бўлманг-да, болам...

2016

САВОЛ

Ҳеч эшитганмисан сўзингни ўзинг,
Кўрганмисан асл юзингни ўзинг?
Намунча ўзингни яхши кўрмасанг,
Намунча мақтайсан ўзингни ўзинг?

2016

МАҚТАЧИЛАР

Пахта териб, “пахта қўя” мақтайдилар,
Кўзларингнинг ёгин ея мақтайдилар.
Мақтаманглар мени, бўлди, деса бошлиқ,
Ана камтар, қойил, дея мақтайдилар.

2016

БАХТИЁР ОТА

Жонга роҳат экан ота бўлиш ҳам,
Ҳаёт менга қўй ёғидай ёқяпти.
Қирқ ёшгача мени боққанди отам,
Қирқдан буёғига ўғлим боқяпти.

2016

УНВОН

Эринмасдан ёзасан секин,
Битта сен зўр, қолганлар ёмон.
Фан доктори бўлдинг-у, лекин
Инсонликка номзодсан ҳамон.

2016

ШУКУРКИ...

Унинг даври ўтди, дебсан, муттаҳам,
Эрта не бўлишин ҳеч ким билмайди.
Билиб қўй, шоирнинг даври ўтса ҳам,
Худо бор, сенларнинг давринг келмайди!

2016

ГАП

Гап эшитиб улусдан, ажаб,
Англаб етдим, қаерда маъни.
Энг ёмон гап – ерда қолган гап,
Энг яхшиси – айтилмагани.

2016

Л АТВИЯ ИЛҲОМЛАРИ

Баҳор билан қайта учрашув

Тошкентда 35 даража иссиқ...
Қўшимнинг ўриги оқарган ярим.
Чотқол тизмалари кўриниб тансиқ
Чимёнга отланган оғайниларим...

Меники узрли эди бу сафар,
Вазифа чорларди олис сафарга...
Симёғоч чироғин ўчирган сахар
Учдим Рига деган сирли шаҳарга.

Ажаб! Изғиринда қулоғим қизиб,
Кезиб энди куртак отган диёрни
Рухимда олчазор гуллари тўзиб,
Яна қайта кутиб олдим баҳорни!

Даугава жўшқин сураркан тўлқин,
Қўзиқорин ердан чиқаркан сакраб,
Ичимда сирғалар шимолий ёлқин,
Ким менга бу бахтни қўйганди сақлаб?!

Болтиқ денгизига кучоғим очдим,
Оқчарлоқлар менга очдилар кучоқ.

Муздек саболарни ҳовучлаб ичдим,
Қуёш заволини кузатдим узоқ...

Бирдан маъюс тортди, ўксиди кўнглим,
Кулранг сояларга чулғанди олам.
Қароғим денгизга айланди лим-лим,
Ёнимда йўқлигинг армон ва алам.

Камалакни ёйиб ранг танлар кўклам,
Ўрмон сувратига бағишлар оҳор.
Билдимки, азизам, қайда бўлсам ҳам
Ёнимда бўлмасанг...
баҳормас баҳор!

*Юрмала,
16.05.2017*

Хўроз

Хўроз ҳайкалчалар шаҳри Юрмала,
Олтин қуббаларда мағрур тусланар.
Мавсум шамоллари таралган палла
Ўша томонларга қараб юзланар.

Биздаям учрайди шундай хўрозлар,
Ким дон сепса, шунинг қулиман, дейди.
Ҳар хил тармоқлардан берар овозлар,
Ғийбат шудгоридан қурт териб ейди.

Қибласи – жиғилдон, тасбеҳи ҳам дон,
Баъзида ирғишлаб қўяр осмонга.
Манфаат шамоли таралган замон
Бўйинини чўзади ўша томонга.

Бемаҳал қичқирар занғарлар ҳар дам,
Билмас, қўшиқлари энди бесамар.
Дўстлар, қай томонга қараб турса ҳам
Латиш хўрозидан халққа йўқ зарар.

*Юрмала,
18.05.2017*

Рига. Мирзо Улуғбек ҳайкали

Шаҳар сокин. Сабаб – ёш-яланг камрок,
Хайрихоҳ қўл силкир вазмин кексалар.
Паришон чолларга ўтмиши ҳамроҳ,
Таскин – хиёбонни бирга кезсалар...

Шундоқ Тошқасрнинг сўл томонида,
Швед дарвозадан қуйида, ўнгда –
Замин юлдузларин чорлаб ёнига
Темур набираси қуёшдай қўнган...

Адашган йўлчилар бошлари эгик...
Фақирлар ғамини еган султоним!
Ажал шамширига қараб туриб тик,
Нажот юлдузларда, деган султоним!

Рига қаёқдаю Самарқанд қайда,
Меҳроб бошқа-бошқа, тил ҳам бегона.
Аммо қон бир хилдир исталган жойда,
Кўзёшининг ранги, таъми ягона.

Ҳар қитъада бордир яхши ва ёмон,
Кўқда ёритқичлар ҳамон йўл излар.
Ҳайвони нотика – зулумот томон,
Улуғбек тарафда ёниқ юлдузлар.

Эй кекса Оврўпа! Оқсоқол, оқсоч!
Тақдиримиз битта, яхлит тинчимиз.
Ёрлиғин қабул эт ва қучоғинг оч –
Ригада турибди буюк элчимиз!

Рига,
2017 йил 17 май

Лайла

Ҳар соатда мажлис, анжуман.
Фурсат тиғиз. Доим жам хаёл.
Яхшики, бор экан таржимон –
Лайла – қувноқ ва дилбар аёл.

“Сочинг малла бўлса ҳам майли,
Майли, кўзинг бўлса ҳам мовий.
Лайламассан, сен асли Лайли,
Лайли деган сени Навоий...”

У кулади. Қисилар кўзи.
Қаламқоши тортилар таранг.
Аёзданми қизарар юзи,
Сўз тополмай мен шўрлик гаранг...

“Лабрит, Игбол!” деб берар салом,
Ваалайкум ассалом, дейман.
Менга қизиқ латишча калом,
“Севги нима, севги?” – сўрайман.

У кулади. Қисилар кўзи,
Шу туришда бир кучоқ гул у.
Аёзданми қизарар юзи,
“Севги – милу, – дейди у, – ми-лу!”

Шундай ширин сўз ҳам бўларми,
Шундай сокин, мулойим, майин.
Лайли, ўтди умримнинг ярми,
Ўтди-я шу сўзни билмайин...

Сафаримиз эрта қариди,
Ер депсиниб турибди учоқ.
У негадир кўкка қаради...
Шу туришда гулки, бир кучоқ...

“Майли, – деди, – яхши бор, майли...”
Оғирлашиб қолди бирдан кўз.
– Латишчалаб хайр де, Лайли!
– Йўқ! Бизда йўқ “хайр” деган сўз!

Москва, 19.05.2017

Тош кент

Рига – Тошкентдан ҳам сертошроқ тош кент,
Йўнма харсанглардан бинолар қатор.
Тошхайкаллар гурунг қураб бетма-бет,
Оёқ остида ҳам терма тош ётар.

Ваҳки, тошзор аро гулзорлар тирик,
Мовий кўз тубида айланар қуёш.
Латишлар Сурия дардига шерик,
Афғон оғриғидан кипригида ёш.

Тош кўп-у, ўтмишга тош отмас улар,
Айниқса, авайлар бир-бирларини.
Билишар, тош кўчса, қоя ҳам қулар,
Яхлит деб биларлар тақдирларини.

Дунёда ёлланма тошотарлар кўп,
Ҳеч ким зотин билмас баттол кимсани.
Улар тўда-тўда, ҳамжиҳат, тўп-тўп,
Тошиб бер, дейдилар, бизга Ҳамзани...

...Рига – меҳр билан чароғон шаҳар,
Метин эътиқод бор, ҳаёт – хотиржам.
Шунданми эртароқ офтоб сочар зар,
Шунданми узунроқ кун кўлами ҳам.

Қайтдим.

Тошкент кутар жойидан жилмай,
Ўғилларим қарши олдилар қойим.
Кучдим: “Юрагингиз яшнасин гулдай,
Бошларингиз тошдан бўлсин, илойим!”

Тошкент,
20.05.2017

Халқ қўшиғи

Межапаркс ёзлогӀда
минг-минг одам куйлайди
ғурури осмон бўлиб.
Жилғадай тинч гоҳида,
гоҳ авж олиб гувлайди
долғали уммон бўлиб.

Бирлашиб, бир қўшиқни
куйлайдилар елкадош,
Дўст бўлиб, ёрон бўлиб.
Ватанга бўлган ишқни
изҳор этиб кўзда ёш,
куйлашар мастон бўлиб.

Қайинлар бир-бирига
қайишиб, суяб, суйиб,
юксалар ўрмон бўлиб.
Сано айтиб тангрига,
чап кўкисга кафт қўйиб,
куйлашар бир жон бўлиб.

Менинг ҳам қўшиғим бор,
муסיқаси гулдурак,
туғилган достон бўлиб.
Куйлагаймиз дўсту ёр
жўровоз ва жўрюрак,
эгизак инсон бўлиб!

Денгизим ҳам тўлажак,
денгиз бўлиб жўшар халқ
юрт боғу бўстон бўлиб.
Гул бўлажак келажак!
Кел, куйлаймиз, юксал, қалқ
бир Ўзбекистон бўлиб!

Юрмала,
17.05.2017

Н.га

Булутлар юкиниб
боргандай тоққа,
Дарёлар қайтгандай
оқибат кўзга,
Ошиққандай ёниб
юлдуз тупроққа,
Мен қайтиб келаман,
азизам, сизга.

Бир кечада кўклам
бўлгандай пайдо,
Қуёш Ойга қараб
солгандай ҳайхо,
Мен яна ошиқман,
мен яна шайдо...
Мен қайтиб келаман,
азизам, сизга.

Боғларга зангори
шамол қайтгандай,
Олма юрагида
куртак битгандай,
Мен ўлиб-тирилиб...
ўлиб... айтгандай,
Мен қайтиб келаман,
азизам, сизга.

Лойдан қорилганлар
қолсин лойларда,
Нурдан яралганлар
юрсин ойларда.
Биз осмон сатҳидан
баланд жойларда...
Мен қайтиб келаман,
азизам, сизга.

Фақат сиз... қалбимдан
ўчирдим, деманг,
Севгимга кўзёшим
ичирдим деманг.
Елкамга бош қўйинг.
Кечирдим, деманг...
Мен қайтиб келаман,
азизам, сизга!

2017

АТА БАЙИТ

*Бишкек тепасидаги қабристонда Чингиз
Айтматов отаси Тўрақул бобо ёнида ётибди*

Улкан қабрлардай кўринар қирлар,
Ҳа, чўнг дардга лойиқ мозор ҳам керак.
Бу жойга тириклай кўмилган эрлар,
Фарзандин дийдори энг сўнгги тилак.

Мана, ўн олтинчи йил қурбонлари,
Қатағон жодисин қиймалари бу.
Тошларга сачраган сабил жонлари,
Лабларида қотган оғриқли кулгу.

Қишда ҳам адирлар туси қирмизи,
Шу жойда ўгрилиб ўтади куёш.
Бу сенинг фожианг эмас, қирғизим,
Бу менинг кўнглимда қайнаган кўзёш!

Одамхўр махлуқлар чиқиб ғорлардан,
Қонсираб, жонсираб бошлаганда ов,
Мен бера олмадим қўл чўзиб ёрдам,
Сен ҳам қўлларингни бермадинг дарров.

Ата-Байит, ота уйидир чиндан,
Ота макон дерлар хилхона, тўғри.

Қайтибди зерикиб, безиб очундан
Тўракул отанинг ёнига ўғли.

У ўзбек жонидан севган ўғлони,
У Инсон қалбини безаган қирғиз.
У қалам аҳлининг улуғи, хони,
У барча Чингиздан буюкроқ Чингиз!

Аё, туғишганим, дўстим, бовурим,
Оталар руҳини қилмоқ учун шод
Худонинг каломин такрорлай туриб,
Тарих сабоғини айлагайсан ёд.

Унутма, мен сенга илҳақман мудом,
Сенга ким ёв турса, ўшанга қаҳрим.
Сенсиз татимайди на май, на айём,
Сенсиз хувиллайди юрагим, бағрим!

8.12.2017

Бишкек

УСТОЗ ЭРКИН ВОҲИД САБОҚЛАРИ

Бир киши берди савол Дўрмонда юрган чоғлар:
“Не учун булбул кўринмас, майна кўп, ўртоқлар?”

Эркин устоз кулги бирла унга айди: “Эй жўра,
Сен бунинг боисини, бор, майнавозлардан сўра!”

2017

ТУРМУШ

– Нетай? – деса,
– Йўқол! – дейди.
Кетай деса,
– Йўқ, қол... – дейди.

2017

ТОШПЎЛАТ АКАНИНГ ҚЎШИҒИ

1

От йигитнинг йўлдоши,
Отимга оққанд тутаман.
Чақмоқ каби йўл босиб
Довонлардан ўтаман-а,
Ёргинамга етаман!
Ёргинамга етганда
Тикансиз гул тутаман-а,
Тикансиз гул тутаман!

Оқ тулпорим – чин дўстим,
Унга суяниб ўсдим.
Яхшни мингаштирдим,
Ёмоннинг йўлин тўсдим.
Оқ тулпор хушёр бирам,
Ухламайди, ётмайди.
Шунча сирим билса ҳам
Кўчага чиқиб сотмайди!

Оқ тулпорнинг бўйни оқ,
Бўйниданам кўнгли оқ.
Араз урган, гинали
Ановилардан яхшироқ,
Мановилардан яхшироқ.

Сезгир отим, сезгир-ов,
Ўзгир отим, ўзгир-ов.
Туёғи жуфт тушганда
Чақир тошлар тўзгир-ов!

Эл деса отлиқ элдекмиз,
Эл кезиб елдек келдик биз.
От устида келиндай
Баҳорни олиб келдик биз-а,
Кўкламни олиб келдик биз!

Тўхтаб, қарар бир нафас
 Йўллардаги гулларга.
 Лекин зинҳор қарамас
 Қўллардаги пулларга.

Дўстим душман чиққан он
 Термулар кўзёшимга.
 Аммо боқмас ҳеч қачон
 Косамдаги ошимга.

Амалдорга энкайиб,
 Кўкси ерга тегмайди.
 Камбағалга кеккайиб,
 Бойга бошин эгмайди.

Оқ тулпорим, қоракўз,
 Ғурури бор дилида.
 Тилин қўйиб, айтмас сўз
 Бировларнинг тилида.

Даласи жони-дили,
 Ор қилмайди кулбадан.
 У шу заминнинг қули,
 Изламас ўзга ватан!

2017

МАЛАЙЗИЯ ИЛҲОМЛАРИ

Балиқчи

Хитой денгизига тўр ташлаб чапдаст,
 Дуо ўқир миқти балиқчи Салоҳ.
 Худо деган банда қаровсиз қолмас,
 Марҳамат назарин ташлагай Аллоҳ.

Тош асридан мерос қоним урди жўш,
 Ов савқида юрак гупурди батанг.
 Тўр тортишдим, чиқди қиз каби оқтўш,
 Бўйи бўйимга тенг бинойи наҳанг.

Салоҳ чилвир солди ойқулоққа маст,
 Сўнг ҳансираб “Меҳмон, сен кимсан?” деди.
 “Мен ҳам балиқчиман, ҳа, сенга ҳамкасб...”:
 Шу тоб дил ҳазилга мойилроқ эди.

Сўраб, суриштириб, ўйга чўмди чол:
 “Ўлжа ўлжа эмас кучоқ тўлмаса.
 Қандай балиқчисан? Ахир бу не ҳол?
 Акула бўлмайди денгиз бўлмаса...”

Тўлқинлар қутуриб келар басма-бас,
 Соҳилда киборлар кезишар тўп-тўп.
 Дедим: “Худо бериб турса ҳеч гапмас,
 Денгизимиз йўғу, ақуламиз кўп”.

05.05.2018 йил.
 Малакка

Малайзияда

Сафар чоғи менга битта малай деди:
“Ўзбек, бизнинг халқ ёқдимиз, қалай?” деди.

Қиякўзга аскиядан олай дедим,
“Ошна, бизда ҳам кўпчилик малай, дедим.

Ўз қорнининг югурдаги талайгина,
Бошлиғига, хотинига малайгина...”

У хўмрайди: “Жонимга ўт қалайдирсиз,
Қараб турсам, сиз ҳам сўзга малайдирсиз!

Бир гап айтиб кўнглингизга солай зиё,
Ҳаёт шундай, бутун дунё – Малайзиё!”

05.05.2018 йил.
Куала-Лумпур.

Қиёфа

Кеча бўйро эдик, бугун-чи, дарё,
Буюм Ҳақдан ёрлик, авваламбоши.
Қизиқ, сафар чоғи менга доимо
Учрар жигарларим қиёфадоши.

Бишкекда тоғамни кўргандай бўлдим,
Бўйи-басти худди қуйиб қўйгандай.
Раҳматлини ёдлаб ҳасратга тўлдим,
Қандай инсон эди, соф эди қандай!

Москов кўналғаси ҳамиша тирбанд,
Оломон бир тусда кулранг сурувдай.
Шу жойда учратиб қолсам-а бирдан
Холам эгизагин – жуфт томчи сувдай.

Бани одамзоднинг бобоси – Одам,
Қавми инсоният момоси – Ҳавво.

Рангимизга Иқлим сайқал берса ҳам,
Эгиз чехралар кўп оламда аммо...

Кўзсевги давридан ўтганман, лекин
Юрмалада бир қиз хаёлим олди.
Нигоҳин қизганиб сўзларкан секин,
Эсимга биринчи севгимни солди.

Шоир йўл-йўлакай ахтарар ташбех,
Ўхшашлик қидирар қадамба-қадам.
Малаккада бир чол, қўлида тасбех,
Каттамни эслатди ойдин бу одам.

Остонада кўрдим Қўқон шамолин,
Мажлисларда дўстлар кўргузди дийдор.
Баъзи манзилларда манфур ва золим
Рақиб нусхасин ҳам учратганим бор.

Тасаввурдан минг бор кўламли дунё,
Кезган сарим минг бор ошди ҳурматим:
Онамнинг ўхшашин топмадим асло,
Оламда онамдай инсон кўрмадим!

*07.05.2018 йил.
Куала-Лумпур*

Куала-Лумпур. Хитой бозори

Одам кумурсқадай ўйнайди ғужғон,
Фойда учун маймун илонни қучган.
Биров ният қилиб панд ейди бунда,
Биров ҳормай эчки қасамлар ичган.

Бир марталик буюм бозоридир бу,
Бир пул саналади одамий туйғу.
Тайёр бир марталик сохта илтифот,
Тайёр бир марталик қалбаки кулгу.

Бир марта кийишда кўйлак сузилар,
Биринчи куниеқ шиппак узилар.
Бир тақишда таққа тўхтайди соат,
Бир бурашда ирғиб қулф ҳам бузилар.

Аmmo талаб борки, бунда таклиф бор,
Кепак баҳосига харидор хуштор.
Совға олиши шарт шўрлик сайёҳлар,
Қариндош-уруғ кўп, кутар дўсту ёр.

Бўғоз ёлғон қўша туғар ёлғонни,
Шайтон ўша-ўша, туғар ёлғонни.
Навбат-навбат туриб алданган одам
Навбат-навбат билан алдар инсонни...

Бозорга ур, токи молинг бор, шерик,
Савдога кир, то мажолинг бор, шерик.
Бир марталик арзон молинг кўп ахир,
Ўзи бир марталик ҳолинг бор, шерик.

Бозор, кўзим тушди ёғли юзингга,
Кўзимга қарама, қара кўзингга!
Бир марталик севгинг бошингдан қолсин,
Бир марталик дунёнг сийлов ўзингга!

08.05.2018 йил.

Путражая

Соат

Малайзиянгням кўрсатдинг, шукур!
Сув урилган тандир буғланар шундай.
Елкага ёпишар кўйлагинг қурғур,
Булути заминга туташ тутундай.

Иссиқ ёмғир қуяр шовиллаб бирдан,
Зум ўтмай тепангда офтоб чарақлар.
Дехқончилик қийин бунақа ерда,
Фақат мева берар лалми дарахтлар.

Бу ерда ёғмайди қолган ишга қор,
Фурсат ғанимат деб ҳеч ким уринмас.
Бетоқат ер тепиб турмаслар зинҳор,
Кўча-кўйларда ҳеч соат кўринмас.

Тўғри-да, не керак тошсиз тарози,
Чексиз тушунча-ку бу зорманда вақт.
Соатсиз ҳам халқи ҳаётдан рози,
Соатбай келмайди агар келса бахт.

Хотиржам юксалган эгизак бино,
Равон йўллар тушган бамайлихотир.
Кунлари фил каби одимлар гўё,
Не қайғу? Фалақда Ғаффор ва Қодир.

Фақат биз, кунгира соатлар тақиб,
Шошамиз боқмасдан ойга, қуёшга.
Олтин лаҳзаларни лаҳзага чақиб,
Асабий чопамиз наҳорги ошга...

*08.05.2018 йил.
Путражая*

Қандай зўр устозим бор эди

Қандай зўр устозим бор эди, дўстлар,
Кибру ҳаво, ғийбат бегона эди.
Дурга айланарди у тутган сўзлар,
Эркин Воҳид эди – ягона эди.

Саломлар йўлларди турли давралар,
Эртага устозга айтаман, дердим.
Бир кун имкон бўлса, ишдан кетиб, шарт
Ёнига бутунлай қайтаман дердим.

Сиз кўрганмидингиз у зотни, дўстлар,
Сиз ҳам китобларин излармидингиз?
Синчков кўзларига тушганда кўзлар
Ҳазрат Навоийни эслармидингиз?

Ғўрман-да, ўтаман ғўралигимча,
Эл меҳрин устозга сўйламабман ҳам.
Тасаввур қилмабман қадарни ҳечам,
Бир кун кетади деб ўйламабман ҳам.

Улуғ шоирларнинг андуҳи буюк,
Сурури ҳам сиғмас Баҳри Муҳитга.
Етти ёт оролда кумушсоч бир турк
Саломлар йўллади Эркин Воҳидга.

Азада тўкмаган ёш қалқди, дўстлар,
Дил сўзларни тезроқ айтгим келяпти.
Эртароқ тугаса қани бу сафар...
Устозим ёнига қайтгим келяпти...

10.05.2018 йил.
Шоҳ Олам.

МОСКВА ИЛҲОМЛАРИ

Ҳайкал

Ҳайкаллар қўйилар сиёсат учун,
Элим деб тортилган риёзат учун.

Бу яна бир умр – оғир синовли,
Куннинг куйдириги, қорли-қировли.

Кимнинг кўзи тушса ғоз бастингизга,
Мушт туғиб келади нақ қасдингизга.

Биттанинг юраги ўйнайди кўрса,
Биттанинг шайтони қўймайди кўрса.

Муҳтарам, сиз тансиқ иззат кўрғайсиз,
Фақат биз истаган тарзда турғайсиз.

Чапланаверади йиллар бўёғи,
Бир аср ўтса бас, осон уёғи.

Дилларга ўйилган ҳайкал бор бўлсин,
Юракка қўйилган ҳайкал бор бўлсин!

18.10.2018
Москва

Ҳасад ва аламда қоврилар биров:
“Нега афкор омма бу ҳолга жимдир?
Менинг ўрмонимда биров қилар ов,
Менинг денгизимда чўмилар кимдир!

Ёвқур бобом ёнбош ётган замин бу,
Ўлка, кентларига ўзи берган от.
Энди бегоналар давр сурар, ёҳу!
Олтун Ўрдаларим йитмишдир, ҳайҳот!

Кун манглаймдайди, ой қўйнимдайди,
Қилич қайраларди шиддат-шаҳдимда.
Юрагим бурувда – қандайдир дайди
Ялпайиб ўтирар бугун тахтимда!”

Шунда юлдузлардан тўкилди садо,
“Болам, жигаримни тилма қайталаб.
Қўлингда борига ҳушёр бўл, илло,
Борин сақлаб қолсанг, шу ҳам катта гап!”

18.10.2018
Москва

Марҳумларга қийин – гапиролмайди,
Олчоқнинг бетига тупуролмайди.

Марҳум – ўта қулай, маъқул восита,
Кўзи кўздан нари – ернинг остида.

Бемалол ривоят тўқиш ҳам мумкин,
Номидан шеър тўқиб ўқиш ҳам мумкин.

Ҳар ким кўмочига қўр тортиб қолар,
Ғанимлар чин дўстга айланиб олар.

Тирикчилигини кўзлар тириклар,
Бемалол афсона сўзлар тириклар.

Асуски, марҳумлар дод деёлмайди,
Бас қил, эй лаънати зот, деёлмайди.

Айтолмас: “Негаям вақтлироқ ўлдим,
Сенларнинг қўлингда қўғирчоқ бўлдим...”

Аммо чора йўқдир юзсиз ўлимга,
Бир куни тушарсан сен ҳам қўлимга!”

2018

“ҲАЁТ” ФИЛЬМИ УЧУН

Севаман деб айтолмайман ёрижонимга,
Гарчи усиз кўзларимга дунё қоронғу.
Айтолмайман онажоним – жонажонимга,
Гарчи менга жонидан жон узиб берган у!

Айтолмайман отамга ҳам фарзандлик меҳрим,
Ҳисларимни сочолмайман жигарларимга.
Мени сўзсиз тушунади йигит бўлса ким,
Мен бу сўзни яширганман юрак-бағримга.

Кўзим тушса, нигоҳимни кўтарар тоғлар,
Йўлларимга келинчакдек сувлар сепар сой.
Синфдошдек анов самбит ва қизғалдоқлар
Севаман деб айтишимни кутар ҳойнаҳой.

Севаман деб айтилмайди, исбот этилар,
Қарашларда, курашларда кўринади у.
Садоқатда, жасоратда, жангда акс этар,
Сўзда эмас, кўзда яшар бу азиз туйғу.

Ватан, сенда ота-онам, муҳаббатим жам,
Фақат сенинг кучоғингда топарман ором.
Жон не керак онам учун фидо қилмасам,
Ватан, сени мен шунақа севаман.
Тамом!

2018

ЭСКАРТИШ

Ҳой, мевали дарахтга тош отаётганлар!
Тошингиз ўз гулингизни юлиши мумкин.
Шохларда
сиз учун сархил мева танлаб –
Ўтирган
ўз болангиз бўлиши мумкин...

2018

СУМЛИМ

*Кошғарий “Девон”ида бу атама
ўз тилига беписандларга нисбатан қўлланган*

Варақлаб “Девону луғоти-т-турк”ни,
Бир сўз топиб олдим кўнглимга уйқаш.
Кўнглим “Кўрдингми, – деб елкалаб туртди, –
Қара, бутун ўдлак сумлимга уйқаш”.

Сўзлар қанотидан тўкиладир сас,
Турна сафидан кўз уза олмайман.
Қамишқаламларим синар басма-бас,
Товушим сувратин чиза олмайман.

Нонга зор эмасман, зарга зормасман,
Илкимдаги аёқ живирлар лим-лим.
Бировнинг лутфидан масту аластман,
Косагулим сумлим, ўртоғим сумлим.

Ялтир-юлтурга ўч олаҳаккадай
Арча безагига чумдук урган кўп.
Болага ёт тилдан от танлаб атай,
Отасин сўзини олмай юрган кўп.

Ўнов ўлиб, иков туққанларим, ўв,
Тангритовга эш-қўч чиққанларим, ўв,
Жонига жонимни суққанларим, ўв,

Бобосин ўгитин данагин чақмай
Бировлар унини уққанларим, ўв!

Тилимдан юз буриб кетяпти тилим,
Уни ким тўхтатар? Ким қайтарар? Ким?
Бир ўлгим қистайди, бир келар кулгим,
Номсиз қушча сайрар эриниб: “сум-лим...”

Варақлаб “Девону луғоти-т-турк”ни,
Бир сўз топиб олдим кўнгимга уйқаш.
Чин-мочинда юрган ўғлимга уйқаш,
Ўзимга ўзимнинг
зулмимга уйқаш.

Кесим-кесим кетди кўкка қўшиғим,
Алла айтаётган синглимга уйқаш.
Айланди язлоқлар, айланди очун,
Воҳ, тилим айланар сумлимга уйқаш!

2018

ВАТАН СОҒ БЎЛСИН!

Йўл бошида турибмиз, ота,
Тилак айтинг, манзил оқ бўлсин.
От жилови тортилган чоғда
Руҳ хотиржам, кўнгил чоғ бўлсин.
Дуо қилинг, ушмундоғ бўлсин:
Сиз бор бўлинг, Ватан соғ бўлсин!

Она Ватан дейман-а, она,
Ич-этимни ейман-а, она.
Ўйинқароқ бўлиб кетсам ҳам
Сиз бошимда ойдай парвона.
Мадор бўлинг, ой ҳамроҳ бўлсин,
Сиз бор бўлинг, Ватан соғ бўлсин!

Қанча ёғий чопиблар ўтди,
Тўрт тарафдан қопислар ўтди.
Дўстлар, мажруҳ Ватан эгнига
Бобом жонин ёпислар ўтди.
Бедор бўлинг, эл огоҳ бўлсин,
Сиз бор бўлинг, Ватан соғ бўлсин!

Жаннатюртда хурсиз, парисиз,
Осмон элнинг хулкарларисиз.
Кўзингизга сурмадир хаё,
Юрактовнинг ҳуркакларисиз.
Дилдор бўлинг, ёр муштоқ бўлсин,
Сиз бор бўлинг, Ватан соғ бўлсин!

Эй умидим ғунчаси, болам!
Сиз кулсангиз, кулгили алам.
Бир куни кўз юмсам дунёдан,
Сизга қовоқ солмасин олам.
Хушёр бўлинг, Ҳақ паноҳ бўлсин,
Сиз бор бўлинг, Ватан соғ бўлсин!

Укаларим, бугун лим тўлдим,
Шу ўлка деб яшнадим, сўлдим.
Мен Ватанга мардикор эмас,
Ватанимга мен дастёр бўлдим.
Дастёр бўлинг, халқ подшоҳ бўлсин,
Сиз бор бўлинг, Ватан соғ бўлсин!

2018

ДЎСТЛАРГА

Сизни излаб толди кўзларим,
Манзилингиз зиёга тўлсин.
Томошабин мўмин дўстларим,
Жойларингиз жаннатда бўлсин!

2018

СУЙИМА ОНА

Само элагидан тўкилар баёт:
“Шоядки, яхшилик бирла чиқса от”.
Яхшилик касбини ўйласам, менга
Суйима онани эслатар ҳаёт.

Хой, нечук бу ҳашам, бу асъасалар,
Олим бўлиб иззат талашмасалар.
Навойи учун ҳам бирлашмасалар...
Суйима онани эслатар ҳаёт.

Етти сайёрадан юксак ҳаёли,
Сўзи зиёли ҳам ўзи зиёли.
Мана, қандай бўлар ўзбек аёли!
Суйима онани эслатар ҳаёт.

Олмосдай фурсатни янчиб, майдалаб,
Бизнинг бисотимиз бўлди майда гап.
Умрим хирмонини кўрсам чамалаб,
Суйима онани эслатар ҳаёт.

Қўлёмалар гарди сурма кўзларга,
Наъсталиқ из солган манглай, юзларга.
Ҳамон сабоқ берар устоз бизларга,
Суйима онани эслатар ҳаёт.

Само элагидан тўкилар баёт:
“Шоядки, яхшилик бирла чиқса от...”
Улусга яхшилик ҳақда ўйласам,
Суйима онани эслатар ҳаёт.

2019

ЧУМЧУҚ БОЛА

Чумчуқ бола, ковак топгин муносиб,
Ковагингни хас-пас билан ясатгил.

Койинмагил сорга чуқур-чоҳ қазиб,
Чумчукмисан, чумчукларга ҳасад қил!

Кўлтиғингга сув пуркаган шишириб
Кўярмикан эсон-омон тушириб?
Тоғ бошида қўйибдими пишириб,
Чумчукмисан, чумчукларга ҳасад қил!

Анғизларда теравергин донингни,
Маили, читтак била қолсин шонингни.
Нима қилдинг қийнаб увол жонингни,
Чумчукмисан, чумчукларга ҳасад қил!

Шу кетишда бутинг йириб ўлгайсан,
Ҳавас қилсанг, симёғочга қўнгайсан.
Худо берса, чумчуқбоши бўлгайсан,
Чумчукмисан, чумчукларга ҳасад қил!

Аввалбоши, ковак топгин муносиб,
Ковагингни хас-пас билан ясатгил.
Койинмагил менга чуқур-чоҳ қазиб,
Чумчукмисан, чумчукларга ҳасад қил!

2019

ЖУМБОҚ

Увилдирикни кеча ёрган балиқча
Тангалари тўкилган бобосига деди:
– Опата, бир савол эзиб қўйди пича,
Бояги... ҳа, сув нима эди?

Кўзин юмиб тубсиз ўйга чўмди чолбалиқ,
Сўнг оғзидан лапанглатиб пуфак чиқазди:
– Минг йилки жавоб тополмадик аниқ,
Эшитганлар бору, кўрган йўқ асти..

2019

ЭСИНГИЗДАМИ?

Сингилжоним, эсингиздами,
Манов ерда айвон бўларди.
Айвон олди гулпоя эди,
Гул ичида райҳон бўларди.

Боғ четида, беҳи шоҳида
Кўзни олар кетмон бўларди.
Тук боғлаган олтин беҳилар
Ҳар бири нақд ботмон бўларди.

Суянганди деворга тандир,
Бостирмада нарвон бўларди.
Шу шотидан кузатар эдик,
Турналар бир карвон бўларди.

Дадамиз бор эди ўша пайт,
Ҳа, шунақа замон бўларди.
Сингилжоним, эсингиздами,
Манов ерда осмон бўларди.

СИЧҚОН ҚОЧДИ

Митти шеърлар

Кўп йиллардан бери азиз болажонлар олдида ўзимни қарздор деб ҳис қилиб юрардим. Айниқса, мактаб ўқувчилари ҳузурида болаларбоп шеър ўқишга тўғри келганда устозлар ижодидан фойдаланиб ноқулай вазиятдан чиқишга мажбур бўлардим. Ниҳоят, қизалоғим Кумушой беш ёшга, ўғлим Бобуржон уч ёшга тўлиб, тиллари бийрон бўлиб, шеър ёдлашга ва ифодали ўқишга қизиқиб қолгани туфайли ўзим ҳам уларга атаб сўз ўйинлари асосида кичик шеърчалар ёздим. Қарасам, эшитган катта-ю кичик завқланыпти. Шу туфайли қўлингиздаги туркум дунёга келди.

Кичкинтойларга бувилари ва боболари ҳам бемалол ўқиб, сўз ўйинларини изоҳлаб, тунунтириб беришлари учун шеърлар кирилл ёзувида ҳам берилди.

КУМУШОЙНИНГ ИЛК ШЕЪРИ

Ҳовли, ўчоқ ва тандир
Бизнинг кичик Ватандир.

KUMUSHOYNING ILK SHE'RI

Hovli, o'choq va tandir
Bizning kichik Vatandir.

КИЧКИНТОЙ НОВВОЙЛАР

Лойкулчалар ёпишди,
Тандир оғзин ёпишди.
– Пишдимикан, Кумушой?
– Ё пишмади, ё пишди...

KICHKINTOY NOVVOYLAR

Loy kulchalar yopishdi,
Tandir og'zin yopishdi.
– Pishdimikan, Kumushoy?
– Yo pishmadi, yo pishdi...

БОҒЧА ВАҚТИ

Кўзни оч, уйқудан кеч!
Бугун ҳам қолмайлик кеч!

BOG'CHA VAQTI

Ko'zni och, uyqudan kech!
Bugun ham qolmaylik kech!

**БОБУРЖОННИНГ БУВИСИГА БАЙРАМ
ТИЛАГИ**

Хўл бўлмасин юз ёшдан,
Кулиб ўтинг юз ёшдан!

BOBURJONNING BUVISIGA BAYRAM TILAGI

Ho'l bo'lmasin yuz yoshdan,
Kulib o'ting yuz yoshdan!

БОБОГА ТАЪРИФ

Кулса, нурли ҳамма ёқ,
Бобожоним ҳам маёқ.

ВОВОГА ТА'РИФ

Kulsa, nurli hamma yoq,
Bobojonim ham mayoq.

ҚУРУВЧИ БОБУРЖОН

Кечиб тушки уйқумдан,
Қаранг, қурдим уй қумдан.

QURUVCHI BOBURJON

Kechib tushki uyqumdan,
Qarang, qurdim uy qumdan.

ХИЗМАТ САФАРИГА КЕТАЁТГАН ДАДАГА ЭЪТИРОЗ

Дадажоним ҳар сафар
Дер: “Бу охирги сафар...”

XIZMAT SAFARIGA KETAYOTGAN DADAGA E'TIROZ

Dadajonim har safar
Der: “Bu oxirgi safar...”

ТУЛКИХОННИНГ УКАСИГА ДАШНОМИ

Қанақа бетартибсиз?!
Думимга бет артибсиз!

TULKIXONNING UKASIGA DASHNOMI

Qanaqa betartibsiz?!
Dumimga bet artibsiz!

МУШУКЧАГА КУЧУКЧАДАН САВОЛ

Менга дедингиз “миёв”,
Мени дедингизми ёв?

MUSHUKCHAGA KUCHUKCHADAN SAVOL

Menga dedingiz “miyov”,
Meni dedingizmi yov?

ТУРНА

Даврага элдан бурун
Суқулиб кирди бурун.

TURNA

Davraga eldan burun
Suqulib kirdi burun.

ХЎРАНДА ТИМСОҲЛАР ХУЛОСАСИ

- Шўрва ажойиб бўпти!
- Шўр ва... ажойиб бўпти!

ХО‘RANDA TIMSOHLAR XULOSASI

- Sho‘rva ajoyib bo‘pti!
- Sho‘r va... ajoyib bo‘pti!

ЭШАКЛИК БАХТИ

Оғзи етганда кўкка
Боши етади кўкка.

ESHAKLIK BAXTI

Og‘zi yetganda ko‘kka
Boshi yetadi ko‘kka.

ТАНҚИДЧИ БОЙЎҒЛИ ЁЗУВЧИ ҲОЗГА ДЕДИ

Ёзибсиз-да бўш асар,
Ундан қолмайди асар.

TANQIDCHI BOYO‘G‘LI YOZUVCHI G‘OZGA DEDI

Yozibsiz-da bo‘sh asar,
Undan qolmaydi asar.

OQSOQOL SHOQOLNING IYURIQI

Qaznoqqa osildi qazi,
Butam, tezroq lahm qazi!

OQSOQOL SHOQOLNING YO‘RIG‘I

Qaznoqqa osildi qazi,
Bo‘tam, tezroq lahm qazi!

SARKARDA CHUMOLI NIZOMI

Avval gamla oshu tuz,
Undan keyin qushin tuz!

SARKARDA CHUMOLI NIZOMI

Avval g‘amla oshu tuz,
Undan keyin qo‘shin tuz!

NIŠABLIKDA U‘SGAN BAQATERAK

Jar o‘zida qulay-qulay deydi,
Yana, shu joy bizga qulay, deydi.

NISHAVLIKDA O‘SGAN BAQATERAK

Jar og‘zida qulay-qulay deydi,
Yana, shu joy bizga qulay, deydi.

ECHKI XOLANING FIYBATI

Fil buvaning kelini
U‘tin qipti kelini.

ЕЧКИ HOLANING G'UYBATI

Fil buvaning kelini
O'tin qipti kelini.

T'UNFIGIZNING T'UNFIGICH U'GLIGA BUYRUG'I

Демасдан бу иш – кир иш,
Ерни ҳайдашга кириш!

TO'NG'IZNING TO'NG'ICH O'G'LIGA BUYRUG'I

Demasdan bu ish – kir ish,
Yerni haydashga kirish!

B'URON CHOFI

Қулаётган бужур тут
Ўғлига дер: “Ўзни тут!”

BO'RON CHOG'I

Qulayotgan bujur tut
O'g'liga der: “O'zni tut!”

T'UPOLONCHI ECHKI

Олдин кўзини сузди,
Кейин кўзани сузди.

TO'POLONCHI ECHKI

Oldin ko'zini suzdi,
Keyin ko'zani suzdi.

KALTAKESAK SHAJARASI

Даврамизда у кам, дер,
Аждар менинг укам, дер.

KALTAKESAK SHAJARASI

Davramizda u kam, der,
Ajdar mening ukam, der.

ФАФЛАТ БОСГАН КАКЛИК

Кўзлаб шоли сиртмоқни,
Кўрмай қолди сиртмоқни.

G'AFLAT BOSGAN KAKLIK

Ko'zlab sholi sirtmoqni,
Ko'rmay qoldi sirtmoqni.

ОҚ НИЯТЛИ ҚАЛДИРҒОЧ

Сумалакка ташлаб тош,
Тилак қилди: “Қайнаб-тош!”

OQ NIYATLI QALDIRG'OSH

Sumalakka tashlab tosh,
Tilak qildi: “Qaynab-tosh!”

БОТҚОҚГУЗАРДАГИ ЭЪЛОН

Қурвақа беряпти тўй,
Тўйга бор, чиркайга тўй!

BOTQOQGUZARDAGI E'LON

Qurvaqa beryapti to'y,
To'yga bor, chirkayga to'y!

ТУСТОВУҚНИНГ ЖЎЖАЛАРИГА САБОҒИ

Лочин ташласа назар,
Қутқарар на мол, на зар.

TUSTOVUQNING JO‘JALARIGA SABOG‘I

Lochin tashlasa nazar,
Qutqarar na mol, na zar.

KŪRSICHQONNING ŪGLIGA TOPSHIRIGI

Чироқ ўчди – сим узди шамол,
Ёнарқуртдан бир дона шам ол!

KO‘RSICHQONNING O‘G‘LIGA TOPSHIRIG‘I

Chiroq o‘chdi – sim uzdi shamol,
Yonarqurtdan bir dona sham ol!

TIJORATCHI XACHIR

Савдогарга ҳам жон керак, ҳам мол керак,
Ҳам кўнглини кўтармоққа ҳаммол керак.

TIJORATCHI XACHIR

Savdogarga ham jon kerak, ham mol kerak,
Ham ko‘nglini ko‘tarmoqqa hammol kerak.

ПАТАКНИНГ ФАЛСАФАСИ

Ўз ҳолича қилгайми ҳеч иш калиш?
Гар ўзича уринса, бу – ишқал иш.

ПАТАКНИНГ ФАЛСАФАСИ

O‘z holicha qilgaymi hech ish kalish?
Gar o‘zicha urinsa, bu – ishkal ish.

ҚУРБАҚАНИНГ ЧАЁНГА ТЎЁНАСИ

Ямоғи йўқ, кўр, мана!
Бу бақатўн – кўрмана.

QURBAQANING CHAYONGA TO‘YONASI

Yamog‘i yo‘q, ko‘r, mana!
Bu baqato‘n – ko‘rmana.

ИЛОННИНГ ИҚРОРИ

Икки хил гап айтганидан битта тилим
Мана бугун айри бўлди – икки тилим.

ILONNING IQRORI

Ikki xil gap aytganidan bitta tilim
Mana bugun ayri bo'ldi – ikki tilim.

ҲОФИЗ ЧЎЛБАҚАНИНГ ШИОРИ

Бизнинг базм бўлмас асло камтарона,
Лунжинг шишир, ҳеч бўлмасин кам тарона!

HOFIZ CHO'LBAQANING SHIORI

Bizning bazm bo'lmas aslo kamtarona,
Lunjing shishir, hech bo'lmasin kam tarona!

ЖОНИВОРЛАРНИНГ ИНСОНИЯТДАН ҲАЙРАТИ

Турланасан дамо-дам:
Дам овчисан, дам одам.

JONIVORLARNING INSONIYATDAN HAYRATI

Turlanasan damo-dam:
Dam ovchisan, dam odam.

ОҚ АЙИҚЧАЛАР ҚОРБОБОДАН КУТГАН СОВҒА

Олдин олов ёқасиз,
Кейин бизга ёқасиз.

OQ AYIQCHALAR QORBOBODAN KUTGAN SOVG'A

Oldin olov yoqasiz,
Keyin bizga yoqasiz.

ТОШБАҚАНИНГ ЖАҲОНГАШТАЛИГИ

Турли туманни кўрдик,
Турли-туманни кўрдик.

TOSHBAQANING JAHONGASHTALIGI

Turli tumanni ko'rdik,
Turli-tumanni ko'rdik.

БЎРИНИНГ ҚУЁНГА ЎТИНЧИ

Болачоқлар қолди оч,
Бирпасга эшигинг оч!

ВО'РНИНГ QUYONGA O'TINCHI

Bolachoqlar qoldi och,
Birpasga eshiging och!

ҚЎШИҚЧИ ҚАРҒАНИНГ ҚАЙҒУСИ

Келиб қолмасидан ёз
Қор-р-рга ўлмас қўшиқ ёз!

QO'SHIQCHI QARG'ANING QAYG'USI

Kelib qolmasidan yoz
Qor-r-rga o'lmas qo'shiq yoz!

БЎРИБОСАРЛАР ЛАЙЧАЛАРГА ДЕДИ

Сиздан келган вакиллар
Нега бизга вакиллар?

BO'RIBOSARLAR LAYCHALARGA DEDI

Sizdan kelgan vakillar
Nega bizga vakillar?

БИЗНЕСМЕН КЕНГУРУДАН МАСТЕР-КЛАСС

Толай десанг тез камол,
Кўп қарз бер, ўзинг кам ол.

BIZNESMEN KENGURUDAN MASTER-KLASS

Topay desang tez kamol,
Ko'p qarz ber, o'zing kam ol.

МУЛЛА МУШУК ТАНБЕҲИ

Хуравермагин, ҳай, ит!
Дам олгин – бугун ҳайит!

MULLA MUSHUK TANBENI

Huravermagin, hay, it!
Dam olgin – bugun hayit!

ИТ ҲАҚИ

Мана, қотган нон, ма – ош!
Мана шу сенга маош.

ИТ НАҚИ

Mana, qotgan non, ma – osh!
Mana shu senga maosh.

МОМАҚАЙМОҚ

Соч дув оқарди – бош оқ...
Нега куласан, бошоқ?

МОМАҚАҲМОҚ

Soch duv oqardi – bosh oq...
Nega kulasan, boshog?

АЙИҚПОЛВОННИНГ БАЁНОТИ

Мураккаб масала сал –
Мураккаб масал – асал!

AYIQPOLVONNING BAYONOTI

Murakkab masala sal –
Murakkab masal – asal!

ҚИЗИЛИШТОН ИЗТИРОБДА

Ўғрилиқдан кечди майна воз,
Сўнг аҳдидан кечди, майнавоз!

QIZILISHTON IZTIROBDA

O'g'rilikdan kechdi mayna voz,
So'ng ahdidan kechdi, maynavoz!

БЕДОР ҚАЛДИРҒОЧ

Кўп чўзилса уйқулар,
Девор нурар, уй қулар.

BEDOR QALDIRG' OCH

Ko'p cho'zilsa uyqular,
Devor nurar, uy qular.

ИТ КУЧУККА БУЮРДИ

Сўрига қўйилди ош,
Суюги бор. Девор ош!

ИТ КУСНУККА БУЮРДИ

So'riga qo'yildi osh,
Suyagi bor. Devor osh!

ТИЛЛАҚЎНҒИЗ ВАҲИМАДА

Шивит, кашнич, шовулар
Ўрмон бўлиб шовулар...

TILLAQO'NG'IZ VAHIMADA

Shivit, kashnich, shovullar
O'rmon bo'lib shovullar...

КАЛОНДИМОҒ ЧУМОЛИ ЧИГИРТКА**ҲАҚИДА**

U bir oddiy ўтинчи...
Ўтмас бизга ўтинчи!

KALONDIMOG' CHUMOLI CHIGIRTKA**HAQIDA**

U bir oddiy o'tinchi...
O'tmas bizga o'tinchi!

ПАҲЛАВОН ТҶҲФИЗЧА

Ер ағдарар кураги,
Ерга тегмас кураги.

PAHLAVON TO'NG'IZCHA

Yer ag'darar kuragi,
Yerga tegmas kuragi.

ЎЧКОР МУШУК

Қўлимга тушсанг, қарға,
Қора қисматинг қарға!

O'CHKOR MUSHUK

Qo'limga tushsang, qarg'a,
Qora qismating qarg'a!

ДЎСТ БИЛАН

Ёнингда бўлса ўртоғинг,
Чиройлидир ўр-тоғинг.

DO'ST BILAN

Yoningda bo'lsa o'rtog'ing,
Chiroylidir o'r-tog'ing.

БЎРИЛАРГА ТАЪРИФ

Осмонга қараб улар
Кунни тунларга улар.

BO'RILARGA TA'RIF

Osmonga qarab ular
Kunni tunlarga ular.

МЕҲМОНДЎСТ ОЛМАХОН ВА ОДОБЛИ БАҚА

У: “Хуш кепсан, кир”, деди,
Бу: “Оёғим кир”, деди.

MEHMONDO‘ST OLMAXON VA ODOBLI BAQA

Bu: “Xush kepsan, kir”, dedi,

U: “Oyog‘im kir”, dedi.

TЎTIGA ЧУМЧУҚДАН ДАККИ

Жаврайверма, хой эзма!

Бас қил, юракни эзма!

ТО‘TIGA CHUMCHUQDAN DAKKI

Javrayverma, hoy ezma!

Bas qil, yurakni ezma!

**ПАРИШОНХОТИР ТОВУШҚОНДАН
ОТАСИ НОРОЗИ**

Шамол қаёндан эсар –

Эслолмайди бу эсар!

**PARISHONXOTIR TOVUSHQONDAN
OTASI NOROZI**

Shamol qayondan esar –

Eslolmaydi bu esar!

МУСИЧА ҚАЛДИРҒОЧ ҲАҚИДА

Ғалати қуш-да булар,

Деворни лойга булар.

MUSICHA QALDIRG‘OCH HAQIDA

G‘alati qush-da bular,

Devorni loyga bular.

ЧЎПОН БЎРИБОСАР

Бозорга солиб қўйни,

Тўлганмиш қўнжи, қўйни.

CHO‘PON BO‘RIBOSAR

Bozorga solib qo‘yni,

To‘lganmish qo‘nji, qo‘yni.

ЎЗАПОЯГА ИН ҚУРГАННИНГ ҲОЛИ

Оловга тушган чаён,
Оловга тушганча ён!

G'O'ZAROYAGA IN QURGANNING HOLI

Olovga tushgan chayon,
Olovga tushgancha yon!

ҚУМРИ ҚЎШИҒИ

Эриб битди оқ кукун,
Илиб боряпти-ку кун!

QUMRI QO'SHIG'I

Erib bitdi oq kukun,
Ilib boryapti-ku kun!

СИЧҚОН ҚОЧДИ

Ўғри мушук солди чанг,
Пўстакдан тўзғиди чанг...

SICHQON QOCHDI

O'g'ri mushuk soldi chang,
Po'stakdan to'zg'idi chang...

ХЎРОЗ ХАФА

Чекаётир ғам хўроз:
Меҳрибон кам, ғамхўр оз...

XO'ROZ XAFA

Chekayotir g'am xo'roz:
Mehribon kam, g'amxo'r oz...

ТУЛКИНИНГ ШОҚОЛГА ТАКЛИФИ

Кел, энди дўст бўламиз,
Ўлжангни тенг бўламиз...

TULKINING SHOQOLGA TAKLIFI

Kel, endi do'st bo'lamiz,
O'ljangni teng bo'lamiz..

ЖАЙРАНИНГ ҚИСТОВИ

Олма билан ҳамма ер тўла...
Омбор, чордоқ, ҳатто ертўла.
Бултур бир жуфт қарз эдинг, Кирпи,
Бола-чақа қишда ер, тўла!

JAYRANING QISTOVI

Olma bilan hamma yer to'la...
Ombor, chordoq, hatto yerto'la.
Bultur bir juft qarz eding, Kirpi,
Bola-chaqa qishda yer, to'la!

ҚУМУРСҚАЛАР МЕҲНАТ БИРЖАСИДАГИ ЭЪЛОН

Сенда бўлса қизиқиш,
Топилади қизиқ иш.

QUMURSQALAR MEHNAT BIRJASIDAGI E'LON

Senda bo'lsa qiziqish,
Topiladi qiziq ish.

ЗАҒИЗҒОН ТАШВИШДА

Инсофинг борми, Суғур?
Дарров тишингни суғур!

ZAG'IZG'ON TASHVISHDA

Insofing bormi, Sug'ur?
Darrov tishingni sug'ur!

ОҚ ИЛОН ЖИЯНИГА УҚТИРДИ

Ёт одам кўринган пайт...
Ёт, одам кўринган пайт!

OQ ILON JIVANIGA UQTIRDI

Yot odam ko'ringan payt...

Yot, odam ko'ringan payt!

XACHIRNING FIKRI

Tarbiyasiz ёмон от

Чиқзади ёмон от...

XACHIRNING FIKRI

Tarbiyasiz yomon ot

Chiqazadi yomon ot...

AKANГ ҚАРАҒАЙ

Мен арчага оғаман,

У тарафга оғаман.

AKANG QARAG'AY

Men archaga og'aman,

U tarafga og'aman.

ШАҲАРЛИК КАПТАР СУВОМБОР

ҲАҚИДА

Кўрдим икки тоғ ора

Сув лим тўла тоғора.

SHAHARLIK KAPTAR SUVOMBOR

HAQIDA

Ko'rdim ikki tog' ora

Suv lim to'la tog'ora.

TARNOVNING ЁМҒИРГА ЙЎЛ BERGANI

Ниятинг – пок, кўнглинг – оқ,

Истаган томонга оқ!

TARNOVNING YOMG'IRGA YO'L BERGANI

Niyating – pok, ko'ngling – oq,

Istagan tomonga oq!

САЁХАТЧИ ҚУРБАҚАНИНГ ОШНАСИГА ДЕГАНИ

Бизни кутяпти Шимол,
Поча-пўстин ва шим ол!

SAYONATCHI QURBAQANING OSHNASIGA DEGANI

Bizni kutyapti Shimol,
Pocha-po'stin va shim ol!

БЎРСИҚЧАНИНГ САВОЛИ

Хандалакдек бўпти ой,
Ойи, ҳозир қайси ой?

BO'RSIQCHANING SAVOLI

Handalakdek bo'пти ой,
Оуи, hozir qaysi ой?

ИТБАЛИҚНИНГ ИФТИХОРИ

Қариндошмиз чинакам –
Кўк кит менинг чин акам!

ITBALIQNING IFTIXORI

Qarindoshmiz chinakam –
Ko'k kit mening chin akam!

АЙИҚПОЛВОННИНГ НЕВАРАСИГА ЎТИТИ

Кайда кўрсанг олов-ўт,
Шу жойни айланиб ўт.

AYIQPOLVONNING NEVARASIGA O'GITI

Qayda ko'rsang olov-o't,
Shu joyni aylanib o't.

ЧУВАЛЧАНГНИНГ ҲАЙРАТИ

Ота-онам тинмай ер,
Туғаб қолмасмикан Ер?

CHUVALCHANGNING HAYRATI

Ota-onam tinmay yer,
Tugab qolmasmikan Yer?

КУШЛАР ҲАМ МАҚТАНАРКАН

“Қанотим – ипак қоғоз”,
Куйлаб ўтди “қо-қо” Ғоз.

QUSHLAR HAM MAQTANARKAN

“Qanotim – ipak qog‘oz”,
Kuylab o‘tdi “qo-qo” G‘oz.

ВАҚТ ҒАНИМАТ

Капалак кўзида ёш:
“Ҳалигина эдим ёш”.

VAQT G‘ANIMAT

Kapalak ko‘zida yosh:
“Haligina edim yosh”.

КЎКЛАМДАГИ АДИБ МАНЗАРАСИ

Кўнғироқгул чалди кўнғироқ,
Ун таралди пушти, кўнғир, оқ.

KO‘KLAMDAGI ADIR MANZARASI

Qo‘ng‘iroqgul chaldi qo‘ng‘iroq,
Un taraldi pushti, qo‘ng‘ir, oq.

ХИРМОНДА ҲОЗИР КАЛАМУШГА СИЧҚОННИНГ ЭЪТИРОЗИ

Бу – текинхўр “донолар”
Экин экмай дон олар.

XIRMONDA HOZIR KALAMUSHGA SICHQONNING E‘TIROZI

Bu – tekinxo‘r “donolar”
Ekin ekmay don olar.

СИЛОВСИНГА ИШОРА

Қизиқтирмас беда – надир,
Қизиққани беданадир.

SILOVSINGA ISHORA

Qiziqtirmas beda – nadir,
Qiziqqani bedanadir.

ҚАШҚИРНИНГ ҚАЙҒУСИ

Камаймоқда, ох, улар,
Шўринг қурғур охулар.

QASHQIRNING QAYG‘USI

Kamaymoqda, oh, ular,
Sho‘ring qurg‘ur ohular.

ЎРГИМЧАК ТОПГАН РОҲАТ

Чиқиб уйнинг тўрига,
Ёнбошлади тўрига.

O‘RGIMCHAK TOPGAN ROHAT

Chiqib uyning to‘riga,
Yonboshladi to‘riga.

ЙЎРҒАНИНГ БОЛА ТАРБИЯСИ

Бўрини теп, тишлаб от!
Тойчоғим, сен отсан, от!

YO‘RG‘ANING BOLLA TARBIYASI

Bo‘rini tep, tishlab ot!
Toychog‘im, sen otsan, ot!

ҚЎЙНИНГ ДУНЁҚАРАШИ

Кунжара сол, пичан қўй,
Китобни қўй, дейди қўй.

QO'YNING DUNYOQARASHI

Kunjara sol, pichan qo'y,
Kitobni qo'y, deydi qo'y.

ТУЯНИНГ АЛАМЗАДА ПАЙТИ

Қўлга тушсанг туяман,
Биласан, мен туяман!

TUYANING ALAMZADA PAYTI

Qo'lga tushsang tuyaman,
Bilasan, men tuyaman!

МАЙНАНИНГ ЧОРЛОВИ

Келаверинг том оша,
Бузоқ қочди – томоша!

МАУНАНИНГ CHORLOVI

Kelavering tom osha,
Buzoq qochdi – tomosha!

ТУЛКИНИНГ СИМЁҒОЧДАГИ ЛАЙЛАККА ИЛТИМОСИ

Кўряпсанми дейман туш?
Хов лайлак, сал пастроқ туш!

TULKINING SIMYOG'OCHDAGI LAYLAKKA ILTIMOSI

Ko'ryapsanmi deyman tush?
Nov laylak, sal pastroq tush!

АСКАР ЖАЙРАЧАЛАР ҚЎШИҒИ

Буйруқ берса отамиз,
Найзамизни отамиз!

ASKAR JAYRACHALAR QO'SHIG'I

Buyruq bersa otamiz,
Nayzamizni otamiz!

ҚИРҚОЎҚНИНГ ЭРКА ТОЙГА НАСИҲАТИ

Камроқ қоқил, камроқ той!
Тўрт оёғинг бор-а, той!

QIRQOYOQNING ERKA TOYGA NASIHATI

Kamroq qoqil, kamroq toy!
To'rt oyog'ing bor-a, toy!

АРИХОННИНГ АРИВОЙГА АЙТГАНИ

Болаларга эс кирди,
Йўргаклари эскирди.

ARIXONNING ARIVOYGA AYTGANI

Bolalarga es kirdi,
Yo'rgaklari eskirdi.

МОМОҚАЙМОҚ БОБОҚАЙМОҚЛАРГА ДЕДИ

Оқарибди сочингиз,
Уни елга сочингиз.

МОМОҚАЙМОҚ ВОВОҚАЙМОҚЛАРГА DEDI

Oqaribdi sochingiz,
Uni yelga sochingiz.

ЛОЙХЎРАКНИНГ СИНГЛИСИГА ҚИСТОВИ

Ўчоқни супур, кул ол,
Иш бошлар аканг кулол!

LOYXO'RAKNING SINGLISIGA QISTOVI

O'choqni supur, kul ol,
Ish boshlar akang kulol!

БАРОҚВОЙ ҲАЙРОН

Кўринг итлар удумин –
Қувляпти у думин.

BAROQVOY HAYRON

Ko'ring itlar udumin -
Quvlayapti u dumin.

ЛАҚҚАБАЛИҚ ЧЎРТАНГА ДЕДИ

Ажабо, манов сувсар
Сувда туриб ҳам сувсар.

LAQQABALIQ CHO'RTANGA DEDI

Ajabo, manov suvsar
Suvda turib ham suvsar.

ҚОВОҒАРИЛАР СУҲБАТИ

– Мана, гилос – қора, ол...
– Гапни чўзмай битта ол!

QOVOG'ARILAR SUHBATI

– Mana, gilos – qora, ol...
– Gapni cho'zmay bitta ol!

ЭҲТИЁТКОР БЎРИЛАР

– Чикмаймизми бир овга?
– Сотиб қўйма бировга!

ЕНТИҲОТКОР ВО'РИЛАР

– Chiqmaymizmi bir ovga?
– Sotib qo'yma birovga!

ФУТБОЛЧИЛАР

Бўлволишиб икки тўп,
Гўнгкўнғизлар ўйнар тўп.

FUTBOLCHILAR

Bo'lvolishib ikki to'p,
Go'ngqo'ng'izlar o'ynar to'p.

МЕҲМОНДУСТ ЎРГИМЧАК

Ёрилмасин ўтака,
Қани, тўрга ўт, ака!

МЕНMONDO'ST O'RGIMCHAK

Yorilmasin o'taka,
Qani, to'rga o't, aka!

ҚАТТИҚҚЎЛ ТАРБИЯЧИ

Устозим асоси –
Тарбиямиз асоси.

ҚАТТИҚҚО'Л ТАРБИЯЧИ

Ustozim asosi –
Tarbiyamiz asosi.

БЕГЕМОТНИНГ ЖИРАФАГА ТАНБЕҲИ

Камроқ ухла, егин оз,
Жон дўстим, озгина оз.

BEGEMOTNING JIRAFAGA TANBENI

Kamroq uxla, yegin oz,
Jon do'stim, ozgina oz.

МАШШОҚ ҚЎНҒИЗЛАР

Йиғилиб тор доирада,
Куй чалдик тор, доирада.

MASHSHOQ QO'NG'IZLAR

Yig'ilib tor doirada,
Kuy chaldik tor, doirada.

ЧАЛҚАНЧА ЁТГАН ТОШБАҚА

Менга қараб жилмайди...
Лек жойидан жилмайди...

CHALQANCHA YOTGAN TOSHBAQA

Menga qarab jilmaydi...
Lek joyidan jilmaydi...

БЎРИНИНГ ХЎРОЗГА ДАЪВАТИ

Санайман: бир... икки... уч!
Қани, хўроз, битта уч!

BO'RINING XO'ROZGA DA'VATI

Sanayman: bir... ikki... uch!
Qani, xo'roz, bitta uch!

ҚОВОҒАРИ ХОТИНИГА ДЕДИ:

“Уйга қайтсам чақасиз,
Ўша заҳот чақасиз!”

QOVOG'ARI XOTINIGA DEDI:

“Uyga qaytsam chaqasiz,
O'sha zahot chaqasiz!”

БУЛБУЛНИНГ ҲАВАСКОРЛАРГА ДАРСИ

Айланаркан Ер ўқи,
Қўшиқ тўқи, шеър ўқи!

BULBULNING HAVASKORLARGA DARSI

Aylanarkan Yer o'qi,
Qo'shiq to'qi, she'r o'qi!

МУНДАРИЖА

СЕНИ ДЕБ.....	4
БОРГАН САРИ.....	6
ЎТАР.....	7
КЎЗ ҚОРАСИ.....	8
СИНГАН ОДАМ.....	8
ДАРД.....	9
МЕРОС.....	9
БАЧКАНА КУН.....	10
АФСУСКИ.....	11
ХИВА. ЎЛИМ МИНОРАСИ.....	12
МУҲАММАД ЮСУФ.....	14
АКАЛАРИМГА.....	14
ГҶЁ.....	15
ХУДОГА СОЛДИМ.....	16
КЎРАЙ.....	17
АЙЁР ҚИЗ.....	17
ТАБАССУМ.....	19
ЗЕРУ ЗАБАР.....	20
ТИЛЛА УЗУК.....	20
КУНИ КЕЧА УЧРАШДИК.....	21
АЙЛАНАЙ.....	22
ЙИГИТ.....	23
БЕДАВО.....	24
ГУНОҲЛАРИМ.....	25
МЕНИНГ ДАРДИМ.....	25
ЭНТИКАРДИ.....	26
МЕНДАН СОВИЯПТИ.....	27
КАЙДАН КЕЛАЁТИР.....	28
ПУШАЙМОН.....	28
КЎҚОН ШАМОЛИ.....	30
ЮЛДУЗГА.....	31
БИР КЎРИНИШ.....	32
МАҲАЛЛИЙЧИ.....	32
ОВОРА.....	32
ҚИЗЛАРХОН.....	33
КЕЛАДИ.....	34
ЮЛДУЗИМ.....	34
НАВРЎЗГУЛИ.....	35
ЗЎРДАН ЗЎР ЧИКАДИ.....	36
СИЁМ ЭГИЗАКЛАРИ.....	36
БАХТ.....	36
ҚУРБОН ҲАЙИТИ.....	36

СУМБУЛА	37
СЕНИ СОҒИНИБ	37
МАЛОЛ КЕЛМАСИН.....	38
МУҲАББАТ	39
КИРИБ БОРАЁТТАН МАҲАЛИМ КУЗГА	40
ҚАРАЙСАН.....	41
СИЗ.....	42
БИЛСАНГ ЭДИ.....	42
УДУМ.....	43
ЎЗБЕК.....	44
АЙТГИЛ, ДЎСТИМ	45
ДАДАМ ҚАБРИ	46
БУНЧАЛАР.....	47
ФАРИШТА	48
ДИЛИМ ХУФТОН	49
БОРМИ?.....	50
КИЧКИНА ОДАМ	50
НИМА ҚИЛАЙ.....	51
НОЗ ВА ФИРОҚ.....	52
БУНАҚАСИ КЕТМАЙДИ.....	52
ИСТАГИМ	53
САЛОМ СИЗГА	54
ГУЛМИСИЗ?	55
АГАР ЖАННАТ КЎҚДА БЎЛСА	55
КУЗДА	56
ҒИЙБАТЧИЛАР, ХОРМАНГЛАР!.....	57
ҒИРРОМ ДУНЁ	58
ЁМОН ОДАМЛАР ЙЎҚ.....	59
ҲАЁТ.....	59
ЖИНОЯТЧИ	59
ШОИР	60
ЎЗБЕК ЎҒЛИ.....	62
ҚАНИ.....	63
У ДУНЁ	63
САВОЛ.....	64
ОЙ ВА ҚУЁШ КАБИ.....	64
ЮРТ ҚЎШИҒИ	65
СИНГЛИМГА.....	66
ТОНГ.....	68
МАРДИКОРЛАР.....	68
МЕХР ҲАҚИДА.....	70
СУВРАТ.....	71
ҲИЖРОН	71
АЙЛАНАЙИН.....	72
АСРАГИЛ	73
ЯНГИ ЙИЛ.....	74

ЭСКИ ДАРД	75
ЎЙИН.....	76
АЗИЗ.....	76
ОНАМ.....	77
ЎЗБЕК БИЛАН ТУРКМАННИНГ	78
ОДАМЛАР	79
ВАТАН КЎНГИЛДАДИР	80
ШОИР УКАМГА ҲАЗИЛ.....	81
ЯХШИ.....	82
ТАҚДИР	82
ОШИҚЛИГИМНИ АЙТИНГ	83
ИЛЛАТ ТЕККАН	84

САМАРҚАНД ИЛҲОМЛАРИ

Фахрия.....	85
Самарқанд. Сирли нигоҳ	86
Гўри Мир. Гумбазлар.....	87
Буюк Ипак Йўли	88
Расадхона. Улуғбек юлдузи.....	89
Шохи Зинда. Садо.....	90
Ҳазрати Хизр мақбарасида	91

МАРҒИЛОН ИЛҲОМЛАРИ

Марғилонийлар.....	93
Абадият.....	94
Такаллуф.....	95
ҚИРҚ ЁШ.....	96
СИЗ ХАМ	96
ВАТАН.....	96
МУЎТАБАРХОН АЯНИНГ АЛЛАСИ	98
БАҲОДИР ИСОГА.....	99
КИПРИКЛАРИНГ	100
ДАДАМНИ СОҒИНИБ	101
БОЛА-ЧАҚА.....	102
ЛАФЗ	103
ЛАЙЛАКЛАР	103
КЕЧАГИНА	104
ОҚҚАН ДАРЁ	105
ДЎСТЛАРИНГ КЎП БЎЛСА.....	106
ҲЕЧ БЎЛМАСА.....	107
ЁМҒИР КЕЧАСИ	107
СЕН БЎЛМАСАНГ.....	108
ДЎСТ.....	109
БИЗЛАР ЧИН ДУНЁДА БИРГАМИЗ	110
БЎЛМИШДИР	111
ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ.....	112

МУНОСАБАТ	116
ХОЛИС ХИЗМАТ	116
САЛОМ	116
ТУРОН ШЕРЛАРИ	117
МУНОСИБ	117
БОЛАЛИКДА	118
ЎЗБЕК ЧИРОҚЛАРИ	119
ЁМОНЛАМА	120
КЎКЛАМДА	121
ТЎПА ҲАҚИДА ЖИННИЧА ҲИКОЯ	122
ЎША КУН	125
ДЎСТИМ ОЛИМЖОНГА АТАЛГАН ШЕЪР	126
ОЗОРЛАР ЕТДИ	127
БИЛИБ ТУРИБ	128
СЕЗАРМИКИНЛАР	129
МИСОЛ	130
ТОШКЕНТ ХОМАСИ	130
ЙЎЛ	132
МЕН КЕЛГАНДА	136
ЧОҒЛАР	137
ПАСТКАШ	138
ЖОНИМ	138
СЕНИ ЎЙЛАСАМ	139
ЎТТИЗИНЧИ АСР МУЗЕЙИДА	140

ҚОРАҚАЛПОҚ ИЛҶОМЛАРИ

Коса	141
Мўйноқда ёзилган шеър	142
Элик биринчи қалъа	142
Шоир	143
БЎЛМАСМИ?	144
ЭРКАК АРБОБГА	145
ИШ БИТГАЧ	145
НИМА ЯХШИ-Ю НИМА ЁМОН	146
ЭНДИ	146
БЎЛМАГАЙ	146
ҚИЗИМ КУМУШОЙ	147
ЎХШАЙДИ	147
ТОШОТАР	148
БИР ТҮЙ ТАЪРИФИНДА	149
УНУТМА	150
ЛАБИ ҒУНЧАДЕК	151
ШОГИРД	152
ДАРАХТЛАР	153
АКАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ	154
ЎТИНЧ	156

ЯХШИЛИК.....	160
НАЗАР.....	161
БУЛБУЛ.....	161
БОТИРЛАР.....	163
ИЧАМАН.....	164
АЛДАБ ЯШАДИМ.....	166
БАҲОРНИНГ ИЛК КУНИ.....	167
БУЛОҚ.....	168
МУМТОЗ ШОИРНИНГ НОШУД МУХАММАСЧИГА	
АЙТГАНИ.....	168
ЖАВОБ.....	169
“БОБУРНОМА” ИЛҲОМИ.....	170
МЕНИНГ БАҒДОДИМНИНГ ҚИЗЛАРИ.....	170
АСКАР ХАТИ.....	172
ЭЛИМ, ДЕСАМ.....	173
ҚАРЗ.....	172
О, БАҲОР!.....	173
УМИДИМ БОР.....	174
ШАҲЛОЛАРИНГ.....	175
БИР БУРДА НОН.....	176
ФАҚАТ БИЗ БИРГАМИЗ.....	177
МЕН ЎЗИМНИ ЕНГДИМ.....	178
МАРҒИЛОН.....	179
ЖОНИМ ОТАШДА ТУН-КУН.....	180
МЕЪЁР.....	181
ОПА.....	182
СОВҒА.....	183
ЗИЛЗИЛА.....	184
БЕМОР.....	185
КАММИ?.....	186
АЖАЛ ЁВУҚ КЕЛДИ.....	186
ЎЗИНГ.....	187
САМОДА.....	188
САРМИШСОЙ.....	188
ДЕВ.....	189
УСТОЗ ШОГИРДЛАР.....	190
ЎЗИНГИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИНГ.....	191
ТАВАККАЛ.....	192
АЁЛГА ТОШ ОТИШ МУМКИНМИ?.....	193
ЭСИЗ ОДАМ.....	193
СЕН КЕЛГУНЧА.....	193
ҲОЖИБУВАНИНГ ҲАЙДОВЧИГА ДУОСИ.....	193
КУЯЙМИ?.....	194
КЎНГИЛЛИЛАР.....	194
ШОИР ВАФОТИГА.....	195
ОНА ДЕСАМ.....	196

ШАҲАР ҲОКИМИ БИЛАН САВОЛ ЖАВОБ.....	197
ЛАНДОВУР.....	197
САВОЛ.....	197
МАҚТАЧИЛАР.....	198
БАХТИЁР ОТА.....	198
УНВОН.....	198
ШУКУРКИ.....	198
ГАП.....	198

ЛАТВИЯ ИЛҲОМЛАРИ

Баҳор билан қайта учрашув.....	199
Хўроз.....	200
Рига. Мирзо Улуғбек ҳайкали.....	201
Лайла.....	202
Тош кент.....	203
Халқ кўшиғи.....	204
АТА БАЙИТ.....	206
ТОШПЎЛАТ АКАНИНГ ҚЎШИҒИ.....	207
УСТОЗ ЭРКИН ВОХИД САБОҚЛАРИ.....	207
ТУРМУШ.....	208

МАЛАЙЗИЯ ИЛҲОМЛАРИ

Балиқчи.....	210
Малайзияда.....	211
Қиёфа.....	211
Куала-Лумпур. Хитой бозори.....	212
Соат.....	213
Қандай зўр устозим бор эди.....	214

МОСКВА ИЛҲОМЛАРИ

Ҳайкал.....	216
“Ҳасад ва аламда...”.....	217
Марҳумларга қийин.....	217
“ҲАЁТ” ФИЛЬМИ УЧУН.....	218
ЭСКАРТИШ.....	219
СУМЛИМ.....	219
ВАТАН СОҒ БЎЛСИН!.....	220
ДЎСТЛАРГА.....	221
СУЙИМА ОНА.....	222
ЧУМЧУҚ БОЛА.....	222
ЖУМБОҚ.....	223
ЭСИНГИЗДАМИ?.....	224
СИЧҚОН ҚОЧДИ.....	225

Адабий-бадиий нашр

ИҚБОЛ МИРЗО

**КЎНГЛИНГДА НИМА БОР,
БИЛМАЙМАН**

ШЕЪРЛАР

2-ЖИЛД

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош тахририяти
Тошкент – 2020

Мухаррир *Ахрор Аҳмедов*
Бадий муҳаррир *Баҳром Бобононов*
Рассом *Омина Эгамбердиева*
Техник муҳаррир ва саҳифаловчи *Ойгул Фозилова*
Мусахҳих Маъмура Зиямуҳамедова

Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 09.08.2019. Босишга рухсат этилди
20.12.2019. Бичими 84x108^{1/32}, Офсет босма. Шартли
босма табоғи 17,25. Нашриёт-ҳисоб табоғи 16,0.
Адади 5000 нусха. Буюртма №844

**«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**



16+

ISBN 978-9943-5992-0-8



9 789943 599208